

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ  
ВАЗИРЛИГИ**

**БОШ ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗ**

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ  
КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ  
МИНТАҚАВИЙ МАРКАЗИ**



**Қайта тайёрлаш ва малака ошириш Фалсафа йўналишининг  
«Мантиқий тафаккурни шаклантириш методикаси» модулидан**

**ЎҚУВ МЕТОДИК МАЖМУА**

*Тузувчи:*

*A.Қ.Бердимуратова*

**Нукус -2022**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМИ  
ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ ҶАЙТА  
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ  
БОШ ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ  
КАДРЛАРНИ ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ  
МИНТАҚАВИЙ МАРКАЗИ**

**“МАНТИҚИЙ ТАФАККУРНИ ШАКЛАНТИРИШ”**

**МОДУЛИ БҮЙИЧА**

**ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА**

**Ҷайта тайёрлаш ва малака ошириш курси йўналиши: Фалсафа**

**НУКУС-2022**

**Модулнинг ўқув-услубий мажмуаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2020 йил “7”-декабрдаги 648-сонли баённомаси билан маъқулланган ўқув дастури ва ўқув режасига мувофиқ ишлаб чиқилган.**

**Тузувчилар:** Қорақалпоқ давлат университети “ Ижтимоий фанлар” кафедраси мудири, философия фанлари доктори, профессор А.Бердимуратова.

**Такризчилар:** Қорақалпоқ давлат университети “ Ижтимоий фанлар” кафедраси доценти М.Махсетова , “ Ижтимоий фанлар” кафедраси доценти Х.Камалова.

Ўқув-услубий мажмуа Қорақалпоқ давлат университети илмий-методик кенгаши (2020 йил “16”-февралдаги 6/6.7- сонли баённомаси).

## **МУНДАРИЖА**

I.	МОДУЛНИНГ ИШЧИ ДАСТУРИ.....	5
II.	<u>ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ</u> .....	10
III.	<u>НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР</u> .....	16
IV.	АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ....	67
V.	ГЛОССАРИЙ.....	119
VI.	АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	123

## I. Модулнинг ишчи дастури

### КИРИШ

Мазкур дастур ривожланган хорижий давлатларнинг олий таълим соҳасида эришган ютуқлари ҳамда орттирган тажрибалари асосида “Миллий ғоя, маънавият асослари, Фалсафа ” қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналиши учун тайёрланган намунивий ўқув режа ҳамда дастур мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қиласди.

Жамият тараққиёти нафақат мамлакат иқтисодий салоҳиятининг юксаклиги билан, балки бу салоҳият ҳар бир инсоннинг камол топиши ва уйғун ривожланишига қанчалик йўналтирилганлиги, инновацияларни тадбиқ этилганлиги билан ҳам ўлчанади. Демак, таълим тизими самарадорлигини ошириш, педагогларни замонавий билим ҳамда амалий қўникма ва малакалар билан қуроллантириш, чет эл илғор тажрибаларни ўрганиш ва таълим амалиётига тадбиқ этиш бугунги куннинг долзарб вазифасидир. “Дунё динлари тарихини қиёсий ўрганиш” Модули айнан мана шу йўналишдаги масалаларни ҳал этишга қаратилган.

### Модулнинг мақсади ва вазифалари

“Мантиқий тафаккурни шакллантириш методикаси” Модулини ўқитишдан мақсад: олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари билан Фалсафа Модулини ўқитиши жараёнида аҳамият бериш лозим бўлган масалалар, Модулни ўрганиш ва таҳлил қилишга қаратилган илғор хорижий тажрибаларни ўрганиш орқали ушбу йўналишдаги таълим жараёнини мувофиқлаштириш ва мазмунан бойитиш, Дунё динлари тарихини қиёсий ўрганиш бўйича маълумотларни бериш самарадорлигини оширишга ёрдам берадиган замонавий ёндашувлар билан ҳамда педагогик ва ахборот технологиялар билан таништириш, маънавият асослари соҳасида юксак малакали мутахассис кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш.

### Модулнинг вазифалари:

- Фалсафа йўналишида педагог кадрларининг касбий билим, қўникма, малакаларини узлуксиз янгилаш ва ривожлантириш;
- замонавий талабларга модулли тизимга мос ҳолда олий таълимнинг сифатини таъминлаш учун зарур бўлган педагогларнинг касбий компетентлик даражасини ошириш;

- Фалсафа соҳаси педагоглари томонидан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали ўзлаштирилишини таъминлаш;
- Фалсафа соҳасидаги ўқитишнинг инновацион технологиялари ва илғор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш;
- Фалсафа нинг ижтимоий ҳаёт ва конфессиялараро муаммоларини ўрганишнинг замонавий тенденцияларини ишлаб чиқиш;
- Фалсафа йўналишларида жаҳон динларини қиёсий ўрганишнинг глобаллашув ва диний жараёнлар контекстидаги масалаларни баҳолаш;
- Фалсафа йўналишида ўқув жараёнини фан ва ишлаб чиқариш билан самарали интеграциясини таъминлашга қаратилган фаолиятни ташкил этиш.

### **Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

“Дунё динлари тарихини қиёсий ўрганиш” курсини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

“Кредит модул тизими ва ўқув жараёнини ташкил этиш”, “Илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш”, “Педагогнинг касбий профессионаллигини ошириш”, “Таълим жараёнига рақамли технологияларни жорий этиш”, “Махсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тили” модуллари бўйича тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар тегишли таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлиги ҳамда компетентлигига қўйиладиган умумий малака талаблари билан белгиланади.

Мутахассислик фанлари бўйича тингловчилар қуидаги янги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларга эга бўлишлари талаб этилади:

#### **Тингловчи:**

- Ўзбекистонда Фалсафа фанининг янги тараққиёти, мустақилликдан кейин Ўзбекистонда динларни ўрганишга муносабатнинг ўзгариши ва фаннинг таълим жараёнига жалб этилиши муаммоларини ва унинг ривожланиш истиқболларини;
- жаҳонда динларни ўрганиш тажрибаси, глобаллашув даврида динларни ўрганишнинг долзарблиги, динларни ўрганишдаги замонавий қарашлар ва Фалсафа фанининг жорий ҳолати ва истиқболдаги вазифаларини;
- динларни ўрганишнинг шарқона услуби, бугунги кунда мусулмон мамлакатларида Фалсафа фанининг ўқитилиш йўллари бўйича салоҳиятни ошириб бориш борасида мунтазам ишлашни;

- Фалсафа йўналишида Марказий Осиё олиму уламоаларининг ислом илмларига қўшган ҳиссасини ва ижтимоий ҳаёт ҳамда диний жараёнлар мөдиятини;

Фалсафа фанларида фойдаланиладиган замонавий амалий дастурлар мажмуаларини *билиши* керак.

### **Тингловчи:**

- Фалсафа фанининг ўқитиш бўйича янги технологияларни амалиётда қўллаш;

- ахборот технологияларининг замонавий воситаларидан фойдаланиб диний манбаларни бағрикенглик жиҳатидан ўрганиш, диний манбалар: муқаддас ёзувлар, моддий манбалар, шарҳлар тадқиқи усуллари бўйича илмий-тадқиқотларни ўтказиш;

- Қуръони карим ва ҳадисларда келтирилган турли динлар, динларни ўрганишнинг шарқона услуби, мусулмон мамлакатларида Фалсафа фанининг ўқитилишини таҳлил қилиш ва акс эттириш, холосалар чиқариш, илмий мақолалар тайёрлаш, тавсияларини ишлаб чиқиш;

- Абу Райхон Беруний асарларининг Фалсафа ни ўрганишдаги ўрни, диний манбаларни бағрикенглик жиҳатидан ўрганиш, муқаддас ёзувлар, моддий манбалар, шарҳлар, тадқиқ усуллари бўйича илгор тажрибалардан фойдаланиш;

- ўз устида ишлаб, фанинг янги тадқиқотларини ўқитиш тизимига қўллаш;

- Фалсафа бўйича маъруза, амалий машғулот ва назорат ишларини ташкил этиш;

- педагогик жараёнда мулокот услубларини тўғри қўллай олиш **кўникмаларига** эга бўлиши лозим.

### **Тингловчи:**

- Фалсафа фанида ахборот-коммуникацион технологияларини илмий-назарий ва амалий жиҳатдан қўллаш;

- динларни ўрганишдаги замонавий қарашлар, Шарқ алломаларининг асарларида Фалсафа масалалари бўйича замонавий йўналишларни ишлаб чиқиш ва оммалаштириш;

- Фалсафа фанини ижтимоий-маънавий соҳаларга татбиқ қилиш;

- Фалсафа фанларида дастурлар пакети ёрдамида муаммоларни ўрганишнинг замонавий усулларини қўллаш *малакаларига* эга бўлиши зарур.

### **Тингловчи:**

- Фалсафа фанларининг дастурлар пакетини ўқув жараёнига татбиқ этиш;
- Фалсафа фанлари дастурлари пакети ёрдамида ечишнинг замонавий масалаларини таҳлил қила олиш;
- Фалсафа бўйича касбий фаолият юритиш учун зарур бўлган билим, кўникума, малака ва шахсий сифатларга эга бўлиш;
- Фалсафа видеодарсларни тайёрлаш;
- эгалланган тажрибани танқидий кўриб чиқиш қобилияти, зарур бўлганда ўз касбий фаолиятининг тури ва характеристикини ўзгартира олиш;
- Фалсафа фанида тизимли таҳлил усулидан фойдаланиш йўлларини ишлаб чиқиш.
- Фалсафа фанларининг долзарб масалаларига оид замонавий манбалардан фойдалана олиш *компетенцияларига* эга бўлиши лозим.

### **Модулнинг олий таълимдаги ўрни**

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар илғор хорижий мамлакатларда биология ўқитиши ташкил қилишнинг хорижий тажрибаларни ўрганиш, амалда қўллаш ва баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар. Сўнгти йилларда Миллий гоя, маънавият асослари, Фалсафа соҳасидаги ютуқлар ва истиқболлар олий ўқув юртларидаги таълим жараёнининг мазмунини бойитишга хизмат қиласади.

**“Мантиқий тафаккурни шакллантириш методикаси” модулининг соатлар бўйича тақсимоти**

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат				
		Хаммаси	Аудитория ўқув юкламаси		жумладан	Кўчма машғулот
			Жами	Назарий		
1.	Тафаккур — мантиқ фанининг ўрганиш обьекти.	4	4	2	2	
2.	Мантиқ фанининг фикрлаш маданиятини ўстиришдаги аҳамияти.	4	4	2	2	
3.	Тафаккур қонунларига риоя қилиш – билишда ҳақиқатга эришиш шарти.	4	4	2	2	
4.	Далилларга таянган ҳолда фикр юритиш-илмий билишнинг мантиқий асоси. Мантиқий парадокс.	4	4	2	2	
5	Илмий муаммо тушунчаси. Мантиқий таҳлил ва унинг структураси. Мантиқий боғлиқлик.	4	4	2	2	
<b>Жами:</b>		<b>20</b>	<b>20</b>	<b>10</b>	<b>10</b>	<b>0</b>

### **НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ**

**1-Мавзу: Тафаккур — мантиқ фанининг ўрганиш обьекти.**

Жаҳоннинг илғор олий таълим масканларида тафаккурни ўрганиш ва ўқитиш тажрибалари. Ўзбекистонда тафаккурни қиёсий ўрганиш муаммолари.

**2-Мавзу: Мантиқ фанининг фикрлаш маданиятини ўстиришдаги аҳамияти.**

Мантиқни ўрганишда Шарқ алломаларининг ёндашувлари. Абу Райхон Берунийнинг “Ўтмиш халқлардан қолган ёдгорликлар” асари Фалсафа соҳасида муҳим манба.

**3-Мавзу: Тафаккур қонунларига риоя қилиш – билишда ҳақиқатга эришиш шарти.**

Тафаккурни таснифлашда Ғарб олимларининг қарашлари. Европоцентризм таъсири.

**4-Мавзу: Далилларга таянган ҳолда фикр юритиш-илмий билишнинг мантиқий асоси. Мантиқий парадокс.**

Мантиқий парадокс. Илмий муаммо тушунчаси. Мантиқий таҳлил ва унинг структураси. Мантиқий боғлиқлик.

**5-Мавзу: Илмий муаммо тушунчаси. Мантиқий таҳлил ва унинг структураси. Мантиқий боғлиқлик.**

Мантиқни ўрганишда манбалардан фойдаланиш масалалари. Маънавий ҳаётда мантиқнинг тутган ўрни.

## **АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР**

**1-Амалий машғулот.** Тафаккур — мантиқ фанининг ўрганиш обьекти.

**2-Амалий машғулот.** Мантиқ фанининг фикрлаш маданиятини ўстиришдаги аҳамияти.

**3-Амалий машғулот.** Тафаккур қонунларига риоя қилиш – билишда ҳақиқатга эришиш шарти.

**4-Амалий машғулот.** Далилларга таянган ҳолда фикр юритиш-илмий билишнинг мантиқий асоси. Мантиқий парадокс.

**5-Амалий машғулот.** Илмий муаммо тушунчаси. Мантиқий таҳлил ва унинг структураси. Мантиқий боғлиқлик.

## II. ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

### “SWOT-таҳлил” методидан фойдаланиш

**Методнинг мақсади:** мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўлларни топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қиласи.



**Намуна:** Анаънавий ва замонавий таълим шаклларини “SWOT-таҳлил” методида таҳлил қилинг.

Оддий маъruzada maъruzachi talabalari, tингловчilarga kўp maъlumot bera oladi	Muammoli maъruzada kamroq maъlumot beriladi, biroq ular talabalari ongiga singdirib beriladi
Ўқитувчи асосан ўзи ва аълочи, қизиқувчи talabalari билан гаплашади, яъни дарсда oz сонли talabalari қамраб olinadi	Muammoli maъruzada kўp sonli talabalari, tингловчilar қамраб olinadi
Оддий маъruzada faқat ўқитувчи режа асосida ва tайёрlab келган maъlumotlari atrofida gаплашилади	Muammoli maъruzada muҳokama жараёнида янги-янги масалалар, muammolalar юзага чиқishi, foяlar tuҳилиshi mumkin.
Ўқитувчи учун асосий тўсиқ – дастурдан чиқиб ketaga olmaslik, talaba учун қизиқmasa ham ўқитувчини эшишиб ўтириш mажбуriyati	Keng muҳokama учун vaqtning chegaralanganligi, talabalarni mavzудan четга буришга intiliishlari

## **Резюме, Веер методидан фойдаланиш**

**Методнинг мақсади:** Бу метод мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар, муаммоли характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айни пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва заарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантиқий фикрлашга ҳамда ўқувчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “Хулосалаш” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик гурухлардаги иш шаклида фойдаланиш мумкин.

### **Методни амалга ошириш тартиби:**



тренер-ўқитувчи иштирокчиларни 5-6 кишидан иборат кичик гурухларга ажратади;



тренинг мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таништиргач, ҳар бир гурухга умумий муаммони таҳлил килиниши зарур бўлган кисмлари туширилган тарқатма



ҳар бир гурух ўзига берилган муаммони атрофлича таҳлил қилинб, ўз муаммалаларини тавсия этилаштган схема бўйича тарқатмага ёзма баён қиласади;



**Намуна:**

Этика ва эстетикадан малака талаблари					
Собиқ стандартлар		Амалдаги стандартлар		Такомиллаштирилган стандартлар	
афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги
Хулоса:					

## **“ФСМУ” методидан фойдаланиш**

**Технологиянинг мақсади:** Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хуносалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хуносалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қиласди. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзуни сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

**Технологияни амалга ошириш тартиби:**

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хуноса ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади:



ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

**Намуна.**

**Фикр:** “Этика ва эстетикадан малака талабларини халқаро андозалар асосида тақомиллаштириш ва сертификатлаштириш таълим самарадорлигининг энг муҳим омилларидан биридир”.

**Топшириқ:** Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.


## Венн Диаграммаси методидан фойдаланиш


**Методнинг мақсади:** Бу метод график тасвир орқали ўқитишни ташкил этиш шакли бўлиб, у иккита ўзаро кесишган айлана тасвири орқали ифодаланади. Мазкур метод турли тушунчалар, асослар, тасавурларнинг анализ ва синтезини икки аспект орқали кўриб чиқиш, уларнинг умумий ва фарқловчи жиҳатларини аниқлаш, таққослаш имконини беради.

### Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар икки кишидан иборат жуфтликларга бирлаштириладилар ва уларга кўриб чиқилаётган тушунча ёки асоснинг ўзига хос, фарқли жиҳатларини (ёки акси) доиралар ичига ёзиб чиқиш таклиф этилади;
- навбатдаги босқичда иштирокчилар тўрт кишидан иборат кичик групкаларга бирлаштирилади ва ҳар бир жуфтлик ўз таҳлили билан груп аъзоларини таништирадилар;
- жуфтликларнинг таҳлили эшитилгач, улар биргалашиб, кўриб чиқилаётган муаммо ёхуд тушунчаларнинг умумий жиҳатларини (ёки фарқли) излаб топадилар, умумлаштирадилар ва доирачаларнинг кесишган қисмига ёзадилар.

**Намуна: Этика ва эстетикани турли йўналишларда ўқитишнинг фарқли жиҳатлари ўзига хосликлари**





Ўқув жараёнида муаммолар ва муаммоли вазиятларни ечишга йўналтирилган интерфаол методлар

“SWOT-универсал таҳлил”

“Дебат”,

*Муаммоли вазият*  
.....

“Резюме”,

“Т-чизмаси”,

“Венн

“Органайзер”,

Хар хил чизмалар,  
жадваллар ёрдамида

### **III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР**

**(10 соат маъруза)**

**1-Мавзу: Тафаккур — мантиқ фанининг ўрганиш объекти.**

**РЕЖА:**

- 1. Тафаккур - мантиқ илмининг ўрганиши объекти**
- 2. Тафаккур шакли ва тафаккур қонуни тушунчалари**

Жаҳоннинг илғор олий таълим масканларида тафаккурни ўрганиш ва ўқитиш тажрибалари. Ўзбекистонда тафаккурни қиёсий ўрганиш муаммолари.

#### **1. Тафаккур - мантиқ илмининг ўрганиши объекти**

Мантиқ (логика) энг қадимги фанлардан бири бўлиб, унинг асосчиси юонон файласуфи Аристотелдир. логос атамаси грек тилида «фикр», «сўз», «ақл», «қонуният» каби маъноларни ифодалайди. “Мантиқ” атамаси логика терминига эквивалент хисобланади. Мантиқ (логика) атамаси қўйидаги маъноларда қўлланади: биринчидан, объектив олам қонуниятларини ифодалашда (масалан, «объектив мантиқ», «нарсалар мантиғи» каби ибораларда); иккинчидан, ҳар бир инсоннинг ўзига хос тафаккурлаш усулини, фикрлар ўртасидаги алоқадорликни англатишда (масалан, «субъектив мантиқ» иборасида) ва учинчидан, тафаккур шакллари ва қонунларини ўрганувчи фан маъносида.

Мантиқ илмининг ўрганиш объектини тафаккур ташкил этади. «Тафаккур» ҳам арабча сўз бўлиб, ўзбек тилидаги «фикрлаш», «ақлий билиш» сўзларига teng маъноли тушунча сифатида қўлланилади. Тафаккур билишнинг юқори босқичидир. Билиш воқеликнинг, шу жумладан, онг ҳодисаларининг инсон миясида субъектив, идеал образлар шаклида акс этишидан иборат. Билиш жараёнининг асосини ва охирги мақсадини амалиёт ташкил этади. Билиш мураккаб, зиддиятли, турли хил даражаларда ва шаклларда амалга ошадиган жараёндир. Бу жараённи шартли равища икки босқичга бўлиш мумкин: ҳиссий билиш ва ақлий билиш. Ҳиссий билиш (сезги органлари воситасида билиш) унинг дастлабки босқичи бўлиб, унда инсон сезги органлари ёрдамида предмет ва ҳодисаларнинг ташқи хусусиятлари ва муносабатлари ҳақида маълумотларни олади. Сезги, идрок ва тасаввур ҳиссий билиш шакллари хисобланади.

Ҳиссий билишга хос бўлган умумий хусусиятлар қўйидагилардан иборат:

1. Ҳиссий билишда объект (воқелик) субъектга (инсоннинг сезги органлари) бевосита таъсир этади.

2. Ҳиссий билиш шакллари: сезги, идрок ва тасаввур предметнинг ташқи хусусиятлари ва муносабатларини акс эттиради.
3. Ҳиссий билиш шакли предметнинг яққол образини хосил қиласади.
4. Ҳиссий билиш хар бир конкрет инсоннинг сезиш қобилияти билан боғлиқ тарзда ўзига хос хусусиятга эга бўлади.
5. Ҳиссий билиш билишнинг дастлабки ва зарурий босқичи ҳисобланади, усиз билиш мавжуд бўла олмайди. Чунки, инсон ташқи олам билан сезги органлари орқали боғланган бўлиб, билишнинг кейинги босқичида сезгилари берган маълумотларга таянади.

Ҳиссий билиш имкониятлари чегараланган бўлиб, унда мавжуд предметлар ўртасидаги алоқадорлик ўрганилмайди, предметларнинг умумий ва якка, муҳим ва номухим, зарурий ва тасодифий хусусиятлари фарқ қилинмайди, моҳияти аниқланмайди. Ҳиссий билиш тафаккур (ақлий билиш) билан узвий боғлиқ.

Тафаккур ёрдамида буюм ва ҳодисаларнинг моҳиятини тушунишга эришилади. Тафаккур билишнинг юқори босқичи - рационал (лотинча ратио – ақл) билиш бўлиб, унда предмет ва ҳодисаларнинг умумий, муҳим хусусиятлари аниқланади, улар ўртасидаги ички, зарурий алоқалар, яъни қонуний боғланишлар акс эттирилади. Ақлий билиш, тафаккурлаш қўйидаги асосий хусусиятларга эга:

1. Тафаккурда воқелик мавҳумлашган ва умумлашган ҳолда инъикос қилинади. Умумий белгиларни аниқлаш предметлар ўртасидаги муносабатлар ва боғланиш усусларини ўрнатишни тақозо этади. Турли хил предметлар фикрлаш жараёнида ўхшаш ва муҳим белгиларига кўра синфларга бирлаштирилади ва шу тариқа уларнинг моҳиятини тушуниш, уларни характерлайдиган қонуниятларни билиш имконияти туғилади. Масалан, “ўсимлик” тушунчасида барча ўсимликлар битта мантиқий синфга бирлаштирилиб, уларга хос муҳим, умумий хусусиятлар (масалан, хужайрадан ташкил топганлиги) билиб олинади.

2. Тафаккурда мавжуд билимларга таянган ҳолда янги билимлар хосил қилиниши мумкин. Тафаккурнинг мазкур хусусияти, айниқса, хулоса чиқаришда аниқ намоён бўлади. Фикрлаш бунда предмет ва ҳодисалар ўртасидаги алоқадорликка асосланади. Масалан, об-ҳавонинг ўзгаришига қараб олинадиган хосил миқдори ҳақида фикр юритиш мумкин. Демак, тафаккурда борлиқ нафақат бевосита, балки билвосита ҳам акс эта олади.

3. Тафаккур инсоннинг ижодий, конструктив фаолиятидан иборат. Билиш жараёни борлиқда реал мавжуд бўлмаган нарсаларни фикрда яратиш, тушунчаларни шакллантириш, турли хил формал системаларни қуриш орқали амалга ошади. Натижада предмет ва ҳодисаларнинг энг мураккаб хусусиятларини ўрганиш, ҳодисаларни олдиндан кўриш, башоратлар қилиш имконияти вужудга келади.

4. Тафаккур тил билан узвий боғлиқдир. Фикр идеал ҳодисадир. У фақат тилда – моддий ҳодисада (товуш тўлқинлари, график чизиқлари, қўл ҳаракатларида) реаллашади, бошқа кишилар бевосита қабул қила оладиган, ҳис этадиган шаклга киради ва одамларнинг ўзаро фикр алмасиши воситасига айланади.

Билиш жараёнида ҳиссий ва ақлий билиш ўзаро таъсирлашиб, бир-бирини тўлдиради, бойитади.

## **2. Тафаккур шакли ва тафаккур қонуни тушунчалари**

Тафаккур тушунча, ҳукм (мулоҳаза) ва хулоса чиқариш шаклида мавжуд бўлади.

Инсон билиш жараёнида буюм ва ҳодисалар, уларнинг сифат, хусусиятлари ҳақида тушунчалар хосил қиласиди, фикр-мулоҳаза юритади, уларни мантиқий боғлаб, хулосалар хосил қиласиди. Бу жараённи тушуниш учун тафаккур шакли ва тафаккур қонуни нима эканлигини билиб олиш зарур.

**Тафаккур шакли фикрнинг мазмунини ташкил этувчи элементларнинг боғланиш усули, унинг структураси (тузилиши)дир.** Фикрлаш элементлари деганда, предметнинг фикрда ифодаланган белгилари ҳақидаги ахборотлар тушунилади. Масалан, “менинг онам” тушунчасида бизни дунёга келтирган, боқиб катта қилган, тарбиялаган аёл акс этади. Агар тушунча (менинг онам) акс эттираётган предметни А билан, унда фикр қилинаётган муҳим белгиларни, яъни фикрлаш элементларини а, в, с,..., н билан белгиласак, тушунчанинг мантиқий структурасини А (а, в, с,..., н) шаклида символик тарзда ифодалаш мумкин.

Ҳукм (мулоҳаза)ларда предмет билан унинг хоссаси, предметлар ўртасидаги муносабатлар, предметнинг мавжудлиги ҳақидаги фикрлар тасдиқ ёки инкор шаклда ифода этилади. Масалан, “Хунарли киши – хор бўлмас” деган ҳукмда предмет (хунарли киши) билан унинг хоссаси (хор бўлмас) ўртасидаги муносабат қайд этилган. “Адҳам Каримнинг укаси”деган ҳукмда иккита предмет (Адҳам ва Карим) ўртасидаги муносабат қайд этилган. Мазмун жиҳатдан турли хил бўлган бу ҳукмлар тузилишига кўра бир хилдир: уларда предмет ҳақидаги тушунча (С) билан предмет белгиси ҳақидаги тушунча (П) ўртасидаги муносабат қайд этилган, яъни Р нинг С га хослиги тасдиқланган. Умумий ҳолда ҳукмнинг мантиқий тузилишини С—Р формуласи ёрдамида ифода этиш мумкин. Тушунча ва ҳукмни фарқлашда уларнинг шакли эътиборга олинади. Масалан: аълочи ўқувчи(тушунча) ва ўқувчи аълоцидир (ҳукм).

Хулоса чиқаришда ҳам унинг мазмунини ташкил этувчи элементларнинг боғланиш усули мавжуд бўлиб, унга кўра ўзаро мантиқан боғланган ҳукмлардан янги бир ҳукмни хосил қилиш мумкин.

Масалан, Хунарли киши ҳаётда ўз ўрнини топади. Дўстимнинг ҳунари бор.

Демак, дўстим ҳаётда ўз ўрнини топади.ёки Ақлли инсонлар аввал ўйлаб, кейин гапирадилар Демак, аввал ўйлаб, кейин гапирадиганлар ақлли инсонлардир.

Бу хулоса чиқариш йўллари турлича бўлишига қарамасдан, бир хил мантиқий структурага эга. Ҳар иккаласида ҳам хулоса чиқариш учун асос бўлиб хизмат қилаётган ҳукмлардан хулоса мантиқий боғлиқлик мавжуд бўлгани сабаб хосил қилинди.

Юқоридаги мисоллар тафаккур шакли фикрнинг конкрет мазмунига нисбатан мустақил ҳолда мавжуд бўлишини ва ўзига хос қонуниятларга эгалигини кўрсатади. Шунинг учун ҳам мантиқ илмида тафаккур шакли алоҳида олиб

ўрганилади.

Фикрнинг чин бўлиши ва шакл жиҳатдан тўғри қурилиши ишончли билимга эришишнинг зарурий шартларидан биридир. Ўзи ифода қилаётган предметга мувофиқ келувчи фикр чин ҳисобланади (масалан, пахта-юмшоқ). Предметга мос келмайдиган фикр хато фикрdir (масалан, сув – суюқлик эмас»). Фикрнинг тўғри ёки хато бўлиши унинг мазмунига тегишли хусусиятдир.

Фикрнинг чин бўлиши формал жиҳатдан тўғри қурилган бўлишига ҳам боғлиқ. Бу хусусият фикрнинг шаклига тааллуқли бўлиб, тафаккурда ҳосил бўладиган турли хилдаги мантиқий амалларда ўз аксини топади. Фикр чин бўлиб, шаклига кўра хато бўлиши, ва аксинча, фикр хато бўлиши, лекин шаклига кўра тўғри тузилган бўлиши мумкин.

**Тафаккур қонуни муҳокама юритиш жараёнида қатнашаётган фикрлаш элементлари ўртасидаги мавжуд зарурий алоқалардан иборат.** Фикрни тўғри қуришга тафаккур қонунлари талабларига риоя қилгандагина эришиш мумкин.

Бу талабларга биринчи навбатда, уларнинг муайян принциплар, қоидалар тарзида, яъни тўғри тафаккур принциплари сифатида амал қилиниши киради. Тўғри тафаккур принципларининг бузилиши муҳокаманинг нотўғри қурилишига сабаб бўлади. Бунда, чин фикрлардан хато хулоса чиқиши (масалан, “Дўконга мол келди. Мол – уй хайвони. Демак, дўконга уй хайвони келди.”) ёки хато қурилган муҳокамадан чин хулоса чиқиши мумкин. Тафаккур шакли ва қонунларини билиш ва улардан тўғри фойдаланиш билиш жараёнининг самарали бўлишини тъминлайди.

**Формал мантиқнинг предмети, муаммолари** унинг фалсафий фан эканлиги билан белгиланади. Шу боис фалсафанинг азалий муаммоси ҳисобланмиш одам ва олам муносабати билан боғлиқ билиш, ҳақиқат, унга эришиш масаласи мантиқ фанининг ҳам асосий муаммоларидан бири ҳисобланади.

Мазкур фан умуман тафаккурни эмас, балки унинг асосий шакллари ва қонунларини ўрганади. Тафаккурнинг ушбу жиҳатини ўрганиш тўғри, мантиқий фикр юритишнинг зарурий шартидирки, бусиз ҳақиқат, чин билимларга эришиб бўлмайди.

«Ҳақиқат нима, унга қандай қилиб эришилади?», «Ҳақиқатнинг мезони нима?» деган саволларга жавоб топиш учун барча даврларда файласуф, мантиқшунослар бош қотириб келганлар ва бунда, асосан, масаланинг эчимига идеалистик ва материалистик қарашдан туриб ёндашганлар.

Объектив идеализмнинг асосчиси Платон (Афлотун) ҳақиқатни фикрнинг «ғоялар дунёси»нинг «соя»си бўлган буюм, предметларга мувофиқ келишидир, деб тавсифлайди. «Ким агар буюм қандай бўлса, шунга -мувофиқ гапирса,- деб

ёзди файласуф,- у ҳақиқатни айтган ва аксинча бўлса, ёлғон, хато гапирган бўлади».<sup>1</sup>

Аристотел(Арасту) ўз салафининг фикрини янада конкретлаштиради: «Кимки йўқ нарсанинг мавжудлиги ҳақида гапирса ёлғонни, лекин мавжуд нарсани бор, мавжуд бўлмаган нарсани йўқ, деб тасдиқласа, ҳақиқатни айтган бўлади».<sup>2</sup> Платон ва Аристотел томонидан берилган ҳақиқатнинг (мумтоз) таърифи то ҳозиргача фалсафа, мантиқда ўз аҳамиятини йўқотмасдан таянч таъриф сифатида қўлланилиб келинмоқда. Олмон файласуфи И. Кант ўз вақтида ҳақиқатга Платонча ва Аристотелча қарашнинг чекланганлиги ва бу бўйича унинг (ҳақиқатнинг) энг умумий, ишончли мезонини белгилаб бўлмаслигини таъкидлаган эди. Чунки, унингча, бундай қараш ҳақиқат мезони деб қабул қилинган амалиётни фақат тажрибий-емпирик билимларга нисбатан қўллаш мумкин бўлгани ҳолда, уни априор, (лот. ариори- бошланғич), тажрибадан ташқари билимларга нисбатан қўллаб бўлмайди. «Ҳақиқат нима?- деб ёзди у, - бу- файласуфларни боши берк кўчага киритган, уларни мантиқан бир доирада айлантирган кўхна ва азалий савол. Ҳақиқатнинг номинал таърифига кўра (платонча, арастуча таъриф- изоҳ бизники) у билимнинг предметга мос, мувофиқ келишидир. Лекин энг муҳим масала- бу ҳар қандай билим учун энг умумий ва ишончли мезонни топиш бўлмоғи керак».<sup>3</sup>

Еътироф этиш керакки, гарчи Кант масалага ўзининг субъектив идеалистик қарашидан туриб ёндашган бўлса-да, лекин у кўп жиҳатли ҳақиқат феноменининг моҳиятини платонча, арастуча таъриф тўлиқ очиб бераолмаслигини англақ этган эди.

Ҳозирги глобаллашув даврида умумжаҳон ва минтақавий миқёсдаги ижтимоий муаммолар эчими тафаккур орқали эришиладиган ҳақиқатнинг моҳиятини, унинг мезоний ўлчовларини қадриятлилик доирасида ҳал этишни тақозо этмоқда. Зотан “ҳақиқат маънавий-ахлоқий ўлчовларда баҳоланилмаса, қадрланмаса, ўз вазифасини бажараолмайди, ҳақиқий ижтимоий мазмунини намоён қилаолмайди”<sup>4</sup>.

Ҳақиқатнинг қадриятлилик (аксиологик) жиҳати унинг эзгулик, гўзаллик ахлоқий-естетик мезоний тушунчалари ва тамойиллари билан ўзаро бирлиқда маънавият тизимининг таркибий қисми, уни юксалтирувчи куч сифатида амал

<sup>1</sup> Платон.В 3-х т. Т.1.М.; 1968, с. 417

<sup>2</sup> Аристотель. Соч.в.4 томах, Т.1, М; 1976, с.141

<sup>3</sup>Иммануил Кант. Критика чистого разума. Растов на Дону. «Феникс»,1999,с.92

<sup>4</sup> Билиш фалсафаси (гносеология). Т., «Университет», 2005, 245-бет

қилиши жараёнида намоён бўлади. Бу ўринда Президентимизнинг қуйидаги дастуриламалий аҳамиятга молик фикрини келтириб ўтиш жоиздир: ”Қаерда... юксак ақл –идрок ва тафаккур ҳукмрон бўлса, ўша эрда маънавият қудратли кучга айланади”.<sup>5</sup>

Тафаккур мураккаб, кўп жиҳатли жараён бўлиб, уни тадқиқ этиш билан бир қатор фанлар (гносеология, тилшунослик, психология, кибернетика, физиология ва б.) шуғулланади. Формал мантиқ бошқа фанлардан фарқли равишдататакурнинг шаклларини ва уларнинг ўзаро муайян тамойиллар асосида боғланиш - қонунларини ўрганади. Аниқроқ қилиб айтганда, назарий-мантиқий билишнинг шакллари, усуллари ва уларнинг асосини ташкил этувчи қонунлар формал мантиқнинг предметидир.

Тафаккурни бундай, яъни формал тузилиши жиҳатидан ўрганиш тўғри муҳокама, фикр юритишнинг зарурӣ шартидирки, бу эса чин билимларга, ҳақиқатга эришишнинг дастлабки босқичи ҳисобланади.

Назарий билиш, ҳақиқат муаммоси диалектик ва математик мантиқнинг ҳам тадқиқот обьекти бўлиб, ушбу умумийлик мазкур фанларнинг формал мантиқ билан ўзаро муносабатини белгилайди. Арасту асос солган формал мантиқ негизида ХУИИ-ХИХ асрларда юзага келган янги мантиқий системалар, жумладан, математик ва диалектик мантиқда назарий билиш, ҳақиқат масаласи янгича усул, тамойиллар бўйича талқин қилинади. Ва бу формал мантиқнинг ривожланиши учун муҳим рол ўйнайди.

Гегел томонидан ишлаб чиқилган диалектик мантиқ тафаккурни пайдо бўлиш, ривожланишда, унинг шакллари мазмуни ва қонунлари бирлигida ўрганади.

Формал мантиқ тафаккур шаклларини тўғри фикрлаш мақсадини кўзда тутган ҳолда, турли хил мазмунга эга бўлган фикр қисмлари тарзида, умумий

таркибий тузилишда ўрганади. Масалан, тушунча ва ҳукм конкрет мазмун бирлигida эмас, балки муайян структуравий тузилишидаги фикр шакли сифатида олиб қаралади ва бунда уларда қандай предмет англашилаётганлиги фикран соқит қилинади. Диалектик ва формал мантиқ усул, тамойиллари ва қонунларини ўзаро бирликда олиб қараш ва уларни билиш жараёнида қўллаш чин билимларга, ҳақиқатга эришишнинг энг самарали йўлидир.

ХВИИИ асрда эвропа мамлакатларида илмий-техника тараққиётининг юз берганлиги, айниқса механика ва математика фанларининг амалиёт билан

<sup>5</sup>Ислом Каримов. Юксак маънавият- енгилмас куч. Т., “Маънавичт”, 2008, 116-бет.

боғлиқ ҳолда ривожланиши анъанавий мантиқ негизида янги - математик мантиқ йўналишининг юзага келишига замин тайёрлади.

Немис файласуфи, математиги Г.Лейбнитс (1646-1716) математик ҳисоблаш методини ишлаб чиқади ва уни мантиққа тадбиқ қиласди.

Ҳисоблаш - бу белги-символлар билан фикрлаш қоидаларининг тизими бўлиб, Лейбнитс улар орқали тафаккур шаклларига (тушунча, ҳукм, хулоса чиқариш) нисбатан қўллайди ва максимал аниқлик даражасида мантиқий муҳокама юритиш усулларини аниқлашга муваффақ бўлади.

Бу ўринда шу нарсани таъкидлаш жоизки, аслида математик мантиқнинг ilk асосчиси IX асрларда яшаб ижод этган юртдошимиз, мутафаккир Муҳаммад ал-Хоразмийдир (780-850). У «Ал-жабр ва ал-муқобала ҳисоби ҳақида қисқача китоб» номли асарида ҳисоблашнинг алгебравий (алгоритмли) усулларини ишлаб чиқадики, бу орадан минг йилдан зиёд вақт ўтиб кибернетика фанининг юзага келиши учун асос бўлиб хизмат қиласди. XIX асрнинг ўрталарига келиб математик мантиқ мустақил фан сифатида тўлиқ шаклланади, бунга инглиз математиги, мантиқшуноси Ж.Бул (1815-1864) ва немис файласуфи, математиги Г.Фреге (1848-1925)лар катта ҳисса қўшадилар.

Ж.Бул «Мантиқнинг математик таҳлили», «Фикр қонунларининг тадкики» номли асарларида "мантиқ алгебраси" деб аталадиган математик мантиқ системасини ишлаб чиқади.

Г.Фреге биринчи бўлиб мулоҳазалар ва предикатлар мантиғининг аксиоматик тузилишининг формаллашган арифметик системасини тузади. Ва буни у икки томлик «Арифметиканинг асосий қонунлари» деган асарида баёнетади.

Бул, Фрегеларнинг математик мантиққа оид қарашлари, кейинчалик инглиз файласуф, мантиқшунослари Б.Рассел (1872-1970) ва А.Уайтхед (1861-1947)лар томонидан янада ривожлантирилади. XX асрнинг охирларига келиб уларнинг қарашлари негизида интуитив, конструктив, қўп моҳиятли, модалли мантиқ каби математик мантиқ йўналишлари юзага келади. Математик мантиқнинг юзага келиши формал мантиқнинг илмий билиш методологияси вазифасини ўташ имкониятларини оширишга хизмат қиласди. Ҳозирги давр, ахборот-технология тизимининг тобора такомиллашиб бориши формал мантиқнинг ушбу вазифасининг аҳамиятини «Куч- билим ва тафаккурда»(И.А.Каримов) деган тамойилни ҳайтга тадбиқ қилишда янада долзарб қилиб қўймоқда.

Формал мантиқнинг вазифалари унинг ўзига хос амалий-назарий аҳамиятга эга бўлган фалсафий фан эканлиги билан белгиланади. Шунга кўра мазкур фан назарий-методологик ва меъёрий (норматив) – праксиологик(юнон.практикос-фаолиятли)) вазифаларни ўтайди. Булар:

1. Талабаларни мантиқ фани асосларини ўзлаштиришга эришиш орқали уларда ўзликни англаш эътиқоди, мустақиллик дунёқарашини шакллантириш.
2. Талабаларни Шарқ, хусусан, Марказий Осиё мутафаккирларининг жаҳон фалсафий-мантиқий фикри тараққиётига қўшган ҳиссасини англатиш, уларнинг таълимотларини чуқур эгаллашга йўналтириш билан уларда миллий ғуур, ифтихор туйғуларини хосил қилдириш.
3. Талабаларда миллий мустақиллик ғоямизга ёт бўлган ҳозирги мафкуравий хатар, бузғунчи ғояларга қарши туриш қобилияти -мафкуравий иммунитетни шакллантириш ва бунинг учун мантиқий исботлаш ва рад этиш назариясининг тузилиши, тамойилларини ўзлаштиришларига эришиш.
4. Талабаларда тўғри фикрлашнинг мантиқий шакллари, қонун-қоидаларидан илмий билиш методлари сифатида қўллай билиш ва улардан бошқа фанларни ўзлаштиришда фойдаланиш малакасини ҳосил қилиш.

## НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Мантиқ фанининг предмети. **Таянч иборалар:** қонун, тил, тафаккур, тушунча, ҳукум, хулоса.
2. Билиш ва унинг асосий босқичлари. **Таянч иборалар:** билиш, хиссий билиш ва ақлий билиш, тафаккур ва тил.
3. Мантиқ фанининг фалсафий билимлар тизимида тутган ўрни. **Таянч иборалар:** онтологик, гносеологик, формал мантиқ, қонун, тафаккур, тил.
4. «Умумий мантиқ» ва «формал (соф) мантиқ» ўртасидаги ўхшашиблик ва тафовутлар, уларнинг аҳамияти. **Таянч иборалар:** мантиқ, фалсафа, боғланиш, диалектика, психология, математика.
5. Мантиқ фани ва унинг шаклланиш босқичлари. **Таянч иборалар:** қадимги Миср, Юнонистон, Хиндистон, Хитой, Аристотель, Органон, Форобий, Ибн Сино, Марказий Осиё, Бекон, Декарт.
6. Тафаккур мантиқ илмининг ўрганиш обьекти сифатида. **Таянч иборалар:** Тафаккур, сезги, идрок, тасаввур.
7. Тушунча ва унинг таърифи. Тушунчаларнинг ҳаётий аҳамияти. **Таянч иборалар:** инъикос, белги, хусусият, миқдор, сифат, яккалик, конкрет, обьективлик, сўз, анализ, синтез, абстракция.

8. Тушунчаларнинг мазмуни, ҳажми ва уларнинг ўзаро нисбатлари. **Таянч иборалар:** тушунчанинг мазмуни, ҳажми, ифодаси, буюм белгилари, ходисалар тўплами, тескари нисбат, якка ва умумий тушунча.
9. Хукм ва унинг таърифи. Хукмнинг тафаккур шаклида тутган ўрни. **Таянч иборалар:** хукм, белги, хусусият, тасдиқ, инкор, ходисалар муносабатлари ва хукм предикат, боғловчи элемент.
10. Хукмларда терминларнинг бўлиниши. **Таянч иборалар:** хукмнинг субъекти, хукмнинг предикати, хукм терминлари, эга ва кесим предикат символи, минтақавий боғловчи.
11. Хукмнинг сон жиҳатдан бўлиниши. **Таянч иборалар:** якка хукм, жузъий хукмлар, умумий хукмлар.

## **2-Мавзу: Мантиқ фанининг фикрлаш маданиятини ўстиришдаги аҳамияти.**

### **РЕЖА:**

***1.Мантиқ илмини ўрганишининг аҳамияти***

***2.Мантиқ фанининг илмий ишонч-еътиқоднинг шакланишида тутган ўрни***

***3.Ўрта асрларда мантиқ илмнинг тараққиёти***

Мантиқни ўрганишда Шарқ алломаларининг ёндашувлари. Абу Райхон Берунийнинг “Ўтмиш халқлардан қолган ёдгорликлар” асари Фалсафа соҳасида муҳим манба.

***1. Мантиқ илмини ўрганишининг аҳамияти***

Мантиқ илмини ўрганиш ҳам назарий, ҳам амалий аҳамиятга эга. Мантиқни билиш, айниқса, илм-фан билан шуғулланиш, илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш, қўпайиб бораётган илмий ахборотларни тартибли равишда ўзлаштириш, илмий масалаларнинг тузилишини тез билиб олиш учун ҳам муҳим рол ўйнайди.

Мантиқ инсон тафаккури маданиятини кўтариш ва инсониятнинг узок тажрибаси натижасида такомиллашган тафаккур шакллари, қонун ва қоидаларини билиш учун хизмат қиласди. У инсон фикрининг кетма-кет, зиддиятсиз ва асосли бўлишини таъминлайди. Мантиқ фани мазмунини чуқурроқ ўрганиш кишиларнинг ўз тафаккури ва ўзгалар тафаккури натижаларига танқидий қараш хислатларини ривожлантиради. Тафакқурнинг бу сифатлари эса инсоннинг турли илмий ва амалий фаолияти учун катта аҳамиятга эга. Мантиқий усуллардан тўғри фойдалана олиш, таълим-тарбия жараёнида исбот ва раддиянинг мантиқий томонларини билиш инсон нутқининг асосли бўлишини таъминлаб, фикрдаги зиддиятларни очишга ёрдам беради.

Мантиқ ишонч-эътиқоднинг шакланишида муҳим рол ўйнайди. Фактлар ва бошқа далилларга таянувчи фикр юксак ишонтириш кучига эга бўлади, кишиларда ишонч-эътиқодни мустаҳкамлайди. Билишнинг мақсади илмий асосга эга бўлган эътиқодни яратишдан иборат. Ана шунинг учун ҳам ёшларда илмий асосга эга ишонч-эътиқодни яратиш муҳим аҳамият касб этади. Мантиқан асосланган тўғри фикр ишонч-этиқодни шакллантириш

воситасидир. Ишонч-эътиқод эса, инсоннинг комиллик мезонларидан бири ҳисобланади. Чукур таҳлилга, мантиқа асосланмаган бир ёқлама фикр одамларни чалғитади. Фақат баҳс-мунозара, таҳлилга асосланган түғри хулосаларгина ҳақиқатни билишга йўл очади.

Мантиқ инсонлар ўртасидаги турли даража ва мазмундаги муносабатларни уйғунлаштиришда, ўзаро муроқотнинг самарадорлигини оширишда муҳим восита бўлиб хизмат қиласди.

Бир қарашда ақлий мушоҳада оддий мантиқий ишга ўхшаб кўринади. Хусусан, мантиқни маҳсус ўрганмаган кишилар баъзан қизиқарли фикрларни билдиришади, баъзи олимларга қараганда ҳаётга тезроқ мослашади. Ана шунинг учун ҳам баъзан мантиқий муҳокама юритиш ҳислати инсонга табиатан хос, уни мантиқни ўқитиш йўли билан тарбиялаш шарт эмас, деган фикрлар учраб қолади. Бундай фикрнинг хатолигини мутахассислар ўтказган маҳсус илмий тадқиқотлар натижаси кўрсатади. Хусусан, бу борада М.Коен ва э.Моррислар билдириган мулоҳазалар эътиборга лойиқдир: “Кундалик ишларимизнинг кўпини амалга ошираётганда одатга кўра чин деб ҳисоблайдиган фикрнинг ҳақиқатлиги масаласи тўғрисида ўйлаб ўтирумаймиз. Бироқ ўз фикримизнинг чин эканлигига ҳамма вақт ҳам тўла ишонч ҳосил қила олмаймиз, чунки атроф-муҳитда кутилмагандан ўзгариш содир бўлиши ёки ўзимизнинг ўй-хаёлимиз, ё бўлмаса бошқа киши фикри таъсирида ишонган нарсамиз чинлиги ҳақида савол қўйишга мажбур бўламиз.

Бошқача айтганда, ҳақиқатлиги ўз-ўзидан равshan бўлмаган фикр-мулоҳазалар мавжуд. Агар ўқувчига эргашиб келган Сократ сояси суғурта компанияси биносига кираётганида ундан нима қилмоқчилигини сўраса, у шундай жавоб берган бўларди: “Мен суғурта полиси олмоқчиман”. Агар соя унинг сабаби билан қизиқиб, сўраса, демак, шундай жавоб бўлиши мумкин: “Бир кун мен ўламан, шу сабабли яқинларимни таъминлашни хоҳлайман”. Агар Сократ “бир кун мен ўламан” деган мулоҳаза чин бўлса, унда “ўзинг кўрмаяпсанми, ахир”, деб айта олмайди. Гап шундаки, биз қачон ўлишимизни олдиндан билмаймиз. Лекин бироз ўйлангандан кейин, қуйидагича жавоб бериш мумкин: “Сократ, барча тирик мавжудотлар бир куни ўладилар, мен эса тирик мавжудотман, демак мен ҳам бир куни ўламан”.

Юқорида келтирилган савол-жавоб мантиқнинг энг оддий ҳолатларда ҳам кераклигини тасдиқлайди” .

Мантиқ турли хил асосларнинг адекватлиги ва асословчи кучи ҳақидаги масалани тадқиқ этувчи илм соҳасидир. Лекин, анъанага кўра у кўпроқ исботнинг қандай қисмлардан ташкил топишини ўрганади. Яъни тўла ва рад этиб бўлмайдиган асосларни келтиришни талаб қиласиди. Баъзан биз бундай аосларнинг қисман бўлишини ҳам кузатамиз. Бундай ҳолларда хulosса муайян даражада эҳтимолий характерга эга бўлади .

Демак, барча кишилар фикрлайдилар, лекин тафаккурнинг қандай амалга ошишини ҳамма вақт ҳам тушуниб етмайдилар. Халқ орасидан чиқсан, юксак мантиқий фикрлаш маданиятига эга, билишнинг мантиқий усулларидан онгли равишда фойдаланадиган буюк олимлар, мутафаккирлар, конструкторлар ижоди натижалари, оддий кишиларнинг кундалик тажриба асосида билдирадиган мулоҳазалари, ҳосил қиласидиган хulosаларидан (улар чин бўлган тақдирда ҳам) фарқли ўлароқ, илмий асосга эга тушунчалар, мулоҳазалар, фаразлар, ғоялар, уларнинг назарий тизими қўринишида юзага чиқади, турли масалалар йечимини гавдалантирувчи лойиҳаларда ўз аксини топади ва бутун инсоният мулкига айланади. Ал-Хоразмий яратган ҳисоблаш усуллари, илк бор Беруний илгари сурган ва кейинчалик Коперник асослаган гелиотцентрик ғоя, Гиппократ, ар-Розий, Ибн Синолар ишлаб чиқсан ташҳис қўйиш ва даволаш усуллари, ал-Фарғоний, Мирзо Улуғбекларнинг астрономияга оид каşфиётлари ва бошқалар бунинг яққол ифодасидир.

Тафаккур шакллари ва қонунларини ўрганиш, улардан онгли равишда фойдаланиш фикрлаш маданиятини ўстиради, хусусан, фикрни тўғри қуриш малакасини ривожлантиради; баҳс юритишда ўзининг ва бошқаларнинг фикрига танқидий муносабатда бўлишига, сухбатдошининг мулоҳазаларидаги хатоларни очиб ташлашга ёрдам беради.

Муҳокамани тўғри қуришга, формал зиддиятлар, хатоларга йўл қўймасликка эришиш, айтиш мумкинки, ўзига хос санъат – мантиқ санъати ҳисобланади. Бу санъатнинг назарий асосларини чуқур эгаллаган кишигина унинг имкониятларини амалий муҳокама юритишда намойиш қила оладилар. Бу ўринда буюк мутафаккир Форобийнинг мантиқ илмининг аҳамияти ҳақида билдирган қуйидаги фикрларининг алоҳида эътиборга лойиқ эканлигини таъкидлаш зарур. У шундай ёзади: “Бизнинг мақсадимиз ақлни, хатога йўл қўйиш мумкин бўлган барча ҳолларда, тўғри тафаккурга етаклайдиган, унинг ёрдамида ҳар сафар хulosса чиқараётганда адашишга қарши эҳтиёт чораларини кўрсатадиган санъатни – мантиқ санъатини ўрганишдир. Унинг асосий қонун-қоидаларининг ақлга бўлган муносабати грамматика санъати қоидаларининг тилга бўлган муносабатига ўхшаш; худди

грамматақи кишиларнинг тилини тўғрилаш эҳтиёжи сабабли яратилгани, унга хизмат қилиши зарур бўлгани сингари, мантиқ ҳам тафаккур жараёнини яхши амалга ошириш мақсадида хатога йўл қўйиш мумкин бўлган барча ҳолларда ақлни тўғирлаб туради” .

Тўғри фикрлашнинг мантиқий шакллари ва қонунлари инсоннинг билиш ва амалий фаолиятининг барча соҳаларида қўлтаниладиган универсал методологик воситалардир. Фан сифатида формал мантиқ муҳокамани тўғри қуришга хос умуммантиқий қонуниятларни ўрнатиш, илмий тадқиқот медодларини ишлаб чиқишига хизмат қиласди, мураккаб мантиқий муаммоларни қўйиш ва йечиш воситаларини беради. Бундай воситалар, одатда, фан учун илмий назариянинг структурасини шакллантиришда, унда ишлатиладиган формализмнинг моҳиятини тушунтириб беришда, формал зиддиятлар бўлса, уларни аниқлашда муҳим аҳамиятга эга.

Мантиқни ўрганиш мантиқий тафаккур маданиятини шакллантириш ва ўстиришнинг самарали воситасидир. Мантиқ тўғри муҳокама юритиш усулларини нафақат ишлаб чиқади, балки уларни системага ҳам солади, муҳокамада йўл қўйиладиган типик хатоларни аниқлайди ва тартибга солади. У фикрларни аниқ ифодалаш воситаларини тақдим этади. Бусиз таълимдан тортиб, илмий тадқиқот ишларигача бўлган фикрлаш фаолияти кам самара беради.

Унинг таълим соҳасидаги вазифалари ҳам жиддийдир. Ўқув жараёнининг самарадорлиги маълум бир даражада ишлатиладиган тушунчаларнинг, терминларнинг аниқ бўлишига, муаммоларнинг мантиқан тўғри қўйилиши ва ҳал қилинишига, мавжуд гипотезалар структурасини тўғри таҳлил қила олишга, аргументлаш қоидаларидан тўғри фойдаланишга боғлик.

Фан учун формал мантиқ мураккаб муаммоларни йечиш воситасини беради. Бундай воситалар, одатда, илмий назариянинг структурасини ўрганишда, унда ишлатиладиган формализмнинг моҳиятини тушунтириб беришда, формал зиддиятлар бўлса, уларни аниқлашда муҳим аҳамиятга эга.

Ҳозирги вактда дунё миқёсида геосиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маданий ахборот-коммуникатсия соҳаларида жиддий ўзгаришлар содир бўлаётган, ғоявий кураш кескин тус олаётган, глобаллашув жараёнининг мафкуравий таъсир ўтказиш қуролига айланаётган, ахборот хавфсизлиги масаласининг долзарблиги ортаётган шароитда соғлом тафаккур, тўғри фикрлаш муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, ёшларда уларнинг онгига

сингдирилмоқчи бўлган турли кўринишдаги бузғунчи ғояларнинг мазмун-моҳияти, мақсадини ўз вақтида англаш қобилиятини мустаҳкамлаш, мафкуравий иммунитетини кучайтириш, фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя билан курашиш, жаҳолатни маърифат билан енгиш малакаларини ривожлантиришда мантиқий фикрлаш шакллари, қонун-қоидаларини билиш, улардан оқилона фойдаланиш яхши самара беради. Бунинг аҳамиятини биринчи Президентимиз И.А.Каримов қиёслаш асосида содда ва лўнда қилиб қуидагича тушунтирган эди: давлат чегараларининг дахлсизлигини сақлаш учун ҳарбий куч-қудрат, қуролли кучлар қанчалик зарур бўлса, ёш авлод маънавий дунёсининг дахлсизлигини сақлаш учун юксак ақл-идрок ва мантиқий тафаккур кучидан қурол сифатида фойдаланиладиган маънавий тарбия шунчалик зарур .

Мантиқ қонун-қоидаларини билиш давлат хавфсизлиги органлари ходимлари учун алоҳида аҳамият касб этади. Хусусан, ҳарбий хизматдаги командирлар учун ҳарбий бўлинмаларда интизомни сақлашда, хизматдаги ёшларнинг жанговорлик руҳини кучайтиришда, ватанпарварлик тўйғусини ўстиришда ҳамда ҳарбий машқлар ва ҳарбий ҳаракатлар давомида вазиятни тўғри баҳолаш, ишончли хулоса чиқариш, қатъий қарорга келишда чуқур ўйлаш, мантиқий фикрлаш муҳим рол ўйнайди.

Мантиқий тафаккур шакллари, усулларини яхши ўзлаштириш ҳуқуқий таълим ва ҳуқуқ амалиётининг ажралмас қисмидир. Бу ҳуқуқ-тартибот ходимиининг касбий фаолияти хусусиятлари: ҳуқуқбузарлик ҳолатларини ўрганишда таърифлаш ва таснифлаш, аргументлаш ва рад этиш каби мантиқий усуллардан доимий равишда фойдаланиши билан белгиланади.

Мантиқни билиш суд версияларини қуришда, жиноятларни ҳар томонлама текширув режаларини тузишда, оператив ҳаракатлар тизимини ишлаб чиқишида, расмий хужжатларни: жиноят содир бўлган жойни қўриб чиқиши ва сўровлар, айловчи хулосалар, мулоҳазалар ва қарорлар, билдиришномалар ва шу каби протоколларини шакллантиришда ёрдам беради.

Малакали ҳуқуқшунослар ҳар доим мантиқни билишларини амалда намойиш қилиб келганлар. Масалан, иқтидорли адвокат айловчининг муҳокама юритишидаги хатони пайқаб, унинг қандай хатога йўл қўйганини, бундай хатонинг мантиқда қўриб чиқилиши ва қандай номланишини айтиб бериб, келтирган асослари билан суд мажлиси иштирокчиларини, шу жумладан, мантиқни ўқимаганларни ҳам қойил қолдирган.

Кейинги пайтда вужудга келган нормалар мантиғи хуқуқнинг кўп масалаларини соддалаштиришга, масалан, кодекслар ва норматив актлардаги зиддиятларни осон топишга, берилган норма бошқа нормалардан мантиқан келиб чиқадими ва унинг норматив актга киритилишига эҳтиёж борми, янгидан қабул қилинган норматив акт аввал қабул қилинган норматив актларни ортиқча қилиб қўймайдими ёки уни тўлдирадими ва бошқа шу каби саволлар қўйиб, жавоб излашга , уларни аниқлаштиришга имкон беради.

Юқори даражадаги мантиқий маданият раҳбар лавозимини эгаллаб турган кишилар учун жуда зарур. Хизматга доир йигилишларда раҳбар дискуссияни ташкил этувчи, баҳс-мунозара ҳаками ролини бажаради. Аргументлаш ва танқид қилиш қоидаларини , баҳсда қўллаш мумкин ва мумкин бўлмаган усулларни билиш унга дискуссияни ҳақиқатга эришишга қараб йўналтиришга ёрдам беради.

Раҳбарнинг хизмат вазифаларидан бири бошқарув бўйича қарорлар ишлаб чиқиш ва қабул қилишdir. Мантиқдан хабардорлик раҳбарга қарорнинг ишлаб чиқилиши учун асос бўлган омилларни, қарорда хulosса тарзида ифодаланган фикрнинг қандай ҳосил қилинганини тушунтиришга, бошқача айтганда, “қарор қабул қилиш мантиғини” тушунтиришга ва шу тариқа, ходимларнинг унга бўлган ишончининг пайдо бўлиши, амалиётга жорий қилишнинг зарурлигини тушуниб етишига олиб келади.

Формал мантиқ методлари тафаккур жараёнини моделлаштириш, фикрловчи қурилмалар-роботларни яратиш, компьютерлар учун дастурлар тайёрлаш, турли обектларнинг математик моделларини яратиш, ахборот технологиялари, коммуникатсия воситаларини мукаммаллаштириш каби ишларда кенг қўлланилади. Бу ҳолат уларнинг замонавий функцияларининг ҳам етарлича эканлигини кўрсатади.

### **Мантиқ фанининг илмий ишонч-еътиқоднинг шаклланишида тутган ўрни**

Фактлар ва бошқа далилларга таяъни б юритиладиган фикр юксак ишонтириш кучига эга бўлади, кишиларда ишонч-еътиқодни мустаҳкамлайди. Билишнинг мақсади илмий асосга эга бўлган эътиқодни яратишдан иборат. Ана шунинг учун ҳам ёшларда илмий асосга эга ишонч-еътиқодни яратиш муҳим аҳамият касб этади. Аргументлаш ишонч-еътиқодни шакллантириш воситасидир. Ишонч-еътиқод эса, инсоннинг комиллик мезонларидан бири ҳисобланади.

Ишонч-еътиқод – бу кишилларнинг хулқ-атвори ва хатти-ҳаракатини белгилаб берадиган қарашлари ва тасаввурлариридир.

Ватанимизнинг гуллаб-яшнаши, барқарор ривожланиши маълум бир даражада ёшлиарнинг чуқур билимга, мустаҳкам ишонч-еътиқодга ва, умуман, комил инсон бўлишларига боғлиқ. Бу ҳақда биринчи Президентимиз И.А.Каримов шундай деб таъкидлаган: “Комил инсон деганда биз, аввало, онги юксак, мустақил фикрлай оладиган, хулқ-атвори билан ўзгаларга ибрат бўла оладиган, билимли, маърифатли кишиларни тушунамиз. Онгли, билимли одамларни олди-қочди гаплар билан алдаб бўлмайди. У ҳар бир нарсани ақл, мантиқ тарозисига солиб кўради. Ўз фикр-ўйи, холосасини мантиқ асосида қурган киши етук одам бўлади” .

Чуқур таҳлилга, мантиққа асосланмаган бир ёқлама фикр одамларни ҷалғитади. Фақат баҳс-мунозара, таҳлилга асосланган тўғри холосаларгина ҳақиқатни билишга йўл очади.

Баҳс, мунозара юритишнинг, чин фикрларни исботлай билишнинг, хато фикрларни рад этишининг ўзига хос қонун-қоидалари мавжуд. Бу қоидаларни билиш ҳар бир инсонга, шу жумладан, талабаларга чин фикрни хато фикрдан ажрата билиш, тўғри тафаккурлаш маданиятини шакллантириш имконини беради

### **Ўрта асрларда мантиқ илмнинг тараққиёти**

Бу даврда мантиқий билимларнинг ривожланиши кўпроқ Ўрта ва Яқин Шарқ, шунингдек, Ўрта Осиёда кечади. Қадимги Гретсия давлати, кейинроқ Рим империясининг таназзулга юз тутиши билан илм, фан, маданият Мисрда гуркираб ривожлана бошлайди.

Маълумки, ВИ-ВИИ асрлар антик даврнинг эмирилиши ва феодал ижтимоий муносабатларнинг юзага келиши даври ҳисобланади. Бу даврда Яқин, Ўрта Шарқ, Марказий Осиё мамлакатлари маданий ҳаётида Уйғониш даври бўлади.

Мазкур давр ишлаб чиқаришнинг юқори даражада ривожланиши ва шунга мувоғик фан, маданиятнинг ҳам юксалиб бориши билан характерланади. Ақл, тафаккур масаласи фақат аниқ фанларнинг эмас, балки фалсафа фанининг ҳам баҳс мавзуига айланди. Шунинг учун Уйғониш даврининг кўпгина файласуф, мутафаккирлари ўзларининг мантиққа доир асарларини яратдилар.

Ўрта Осиёлик қомусий олим Абу Наср Форобий (873-950) биринчилардан бўлиб Аристотел, Порфирийларнинг мантиққа оид асарларига изоҳ ёзади. Абу Али ибн Сино ўзининг таржимаи ҳолида Аристотелнинг асарларини қайта-қайта ўқиганлиги, лекин фақат Форобийнинг унга ёзган изоҳини («Метафизика тезислари») топиб ўқиганидан сўнггина, уларнинг маъносига тушунганлиги ҳақида ёзади.<sup>6</sup>

Шунингдек, Форобий «Мантиқа кириш», «Ақл ҳақида», «Шартли ҳукмлар» каби асарларини яратади. У ўзининг ушбу асарларида мантиқ фанининг предмети, унинг аҳамияти, тушунчалардан ҳукм ва ҳукмлардан хулоса чиқариш (силлогизм) ҳақида фикр юритади. Форобий шунингдек тўғри фикр юритишнинг асосий усул ва воситалари - исботлаш, мунозара-баҳс, индуксия вао дедуксиялар ҳақида ҳам батафсил тўхталади.

Форобийдан сўнг мантиқ илмининг ривожланишига катта ҳисса қўшган мутафаккир Абу Али ибн Сино (980-1037) ҳисобланади. Форобийнинг мантиқ илмига оид асарларини чуқур ўрганган Ибн Сино ўзининг «Мантиқ», «Донишнома» каби рисолаларини яратди. Шунингдек унинг табобат илмига оид «Китоб аш-шифо» асарининг бир боби мантиққа бағишлиланган бўлиб, у 9 қисмдан ташкил топгандир.

Ўрта аср мантиқий фикрлар тарққиётига озарбайжонлик Бахманёр, арабистонлик Ибн Рушд ва эронлик Насриддин Тусий, Фахриддин Розий, хуросонлик Саъдуддин Тафтазоний каби файласуф, олимлар катта ҳисса қўшганлар.

### **Абу Райхон Беруний мантиқ илми ҳақида**

Абу Райхон Беруний (973-1048й.й.) Ўрта асрларнинг буюк қомусий олимиdir. Абу Райхон Беруний мантиққа оид асарлар ёзмаган бўлса ҳам, унинг қонун-қоидаларидан, исботлаш усулларидан ўзининг илмий-амалий фаолиятида кенг фойдаланган, мантиқ илмининг билиш жараёнидаги аҳамиятини юқори баҳолаган. Беруний шундай деб ёзади: “Инсон нутқа эга бўлган ва ўзининг мухолифлари билан дунёвий ва охират ишлари ҳақида баҳс-мунозара юритганлиги сабабли ўз сўзларида “мезонга” мухтоҷ бўлди. Гап ўз зоти билан ростни ҳам, ёлғонни ҳам ўз ичиға олиш эҳтимоли борлигидан мезон ёрдамида уни изчил текшириш ва шу йўсинда унинг

<sup>6</sup>Қаранг: Материалы по истории прогрессивной общественно-философской мысли в Узбекистане Т.: "Фан", 1976, с.278.

шубҳали ерини тўзатиш керак бўлган. Зероки, бу билан мубоҳасаларда сўзлардан тузилган силлогизмларнинг кишини адаптирувчи ёлғони ҳам, ҳақиқатни очувчи рости ҳам аён қилинган. Инсон шу мезонни топди. У мантиқ дейилади”.<sup>1</sup>

Мутафаккир мантиқ илмининг билиш жараёнидаги ўрнига юқори баҳо беради. У ўз даври уламоларининг мантиқ илмига бўлган салбий муносабатини қўйидагича изоҳлайди: “...Мантиқ Аристотелга мансуб бўлиб, унинг қараш ва эътиқодларидан эса исломга мувофиқ келмайдиганлари қурилган эди, чунки унинг қарашлари назарий билимдан бўлиб, диндан эмас эди... Ҳа, мантиқ юнонлар тилига ўхшаш алфозда ёзилган ва иборалари янги давр олимларига маълум бўлганига хилоф. Шунинг учун мантиқни тушуниш масаласи ўз-ўзидан нозик бўлиб, у яна қалтислашяпти, шу сабабли улар ундан узоқлашяптилар.... Улар ҳақлидирлар, жиноят эса таржимонлар томонидан қилинган. Ҳақиқатан ҳам агар у исмлар арабчага таржима қилинса ва «Кириш китоби», «Категориялар», «Иборалар», «Қиёс ва Исбот» деб айтилса эди, ҳамма уларни эътиroz билдирмай қабул қилишга шошилган бўларди»<sup>7</sup>.

Абу Райҳон Беруний табиатшунос олим сифатида илмий методга катта аҳамият беради. Берунийнинг буюк хизматларидан бири табиат ва жамиятни билишнинг илмий методини ишлаб чиққанлигидадир. Беруний илмий методининг асосий принциплари “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” асарида келтирилган. Булар қўйидагилар:

- ақлни бекорчи фикрлардан тозалаш;
- тажрибага асосланиш;
- билишни, аввало, предметни ташкил этувчи элементлардан бошлаш;
- ҳиссий билишга асосланган дедуксиядан фойдаланиш;
- мантиқий фикрлаш: анализ қилиш ва умумлаштириш;
- кузатиш, таққослаш, қиёслаш орқали ҳақиқатни аниқлаш;
- маълум нарсадан номаълумга, яқиндагидан узоқдагига қараб фикр юритиш;
- узоқ ўтмишни билиш учун предмет, ҳодисанинг тарихи ва у ҳақида бошқаларнинг берган маълумотларини ўрганиш.

Беруний Р.Декарт ва Ф.Беконлардан аввалроқ илмий билиш методини яратиш зарурлигини таъкидлаган ва унинг асосий қоидалари ҳамда принципларини ишлаб чиққан. Берунийнинг бу масалага оид фикрлари Фарб файласуфлариникига нисбатан кенг қамровлилиги билан ажралиб туради.

<sup>1</sup>. Абу Райҳон Беруний. Геодезия. -Т., 1982. -Б.64

<sup>7</sup> Абу Райҳон Беруний.Геодезия// Танланган асарлар. Т.З. -Т.: Фан, 1982.-Б. 64-65.

## **НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ**

1. Хукмларнинг сон ва сифат жиҳатдан бирлашган таснифи. **Таянч иборалар:** якка ёки жузъий тасдиқловчи хукмлар, умумий тасдиқ хукмлар, умумий инкор хукмлар.
2. Хукмларнинг предикат мазмунига кўра бўлиниши. **Таянч иборалар:** мавжудлик хукми, хусусият хукми, муносабат хукмлари.
3. Мураккаб хукмлар ва уларнинг турлари. **Таянч иборалар:** мураккаб хукмлар, кушувчи хукмлар, шартли хукмлар, айирувчи ёки дизъюнктив хукмлар.
4. Хукмлар орасидаги муносабат (мантиқий квадрат). **Таянч иборалар:** қарама-қарши хукмлар, бир-бирига зид муносабатлар, куйи қарама-қарши муносабатлар, буйсунувчи муносабатдаги хукмлар.
5. Мантиқий хulosса ва унинг таърифи. **Таянч иборалар:** мантиқий хulosса, асос, асосли натижа, хulosанинг чинлиги.
6. Хulosса чиқаришнинг икки асосий тури. **Таянч иборалар:** воситасиз хulosса, мантиқий квадрат, алмаштириш, айлантириш, предикатга қарама-қарши қўйиши.
7. Дедуктив хulosса чиқариш ва унинг турлари. **Таянч иборалар:** индукция, дедукция, силлогизм, хulosса чиқариш йўллари, силлогизм таркиби.
8. Дедуктив хulosса чиқаришнинг аҳамияти. **Таянч иборалар:** билиш, индукция, дедукция, ривожланиш, кашфиёт, тараққиёт, янгилик.
9. Сигишмайдиган муносабатлар. **Таянч иборалар:** қарама-қарши хукмлар, бир-бирга зид муносабатлар, умумий тасдиқ, умумий инкор, жузъий тасдиқ.
10. Индуктив хulosалаш ва унинг турлари. **Таянч иборалар:** якка, хусусий, умумий, хulosса чиқариш, индукция, тажриба, тўлиқ, тўлиқсиз индукция, оммавий индукция, илмий индукция, ўхшатиш ва тафовут методлари.

**3-Мавзу: Тафаккур қонунларига риоя қилиш – билишда ҳақиқатга эришиш шарти.**

### **РЕЖА:**

- 1.АЙНИЯТ ҚОНУНИ**
- 2.НОЗИДЛИК ҚОНУНИ**
- 3.УЧИНЧИСИ – ИСТИСНО ҚОНУНИ**
- 4.ЕТАРЛИ АСОС ҚОНУНИ**

Тафаккурни таснифлашда Ғарб олимларининг қарашлари. Европоцентризм таъсири.

Мазкур фан умуман тафаккурни эмас, балки унинг асосий шакллари ва қонунларини ўрганади. Тафаккурнинг ушбу жиҳатини ўрганиш тўғри, мантиқий фикр юритишнинг зарурий шартидирки, бусиз ҳақиқат, чин билимларга эришиб бўлмайди.

«Ҳақиқат нима, унга қандай қилиб эришилади?», «Ҳақиқатнинг мезони нима?» деган саволларга жавоб топиш учун барча даврларда файласуф, мантиқшунослар бош қотириб келганлар ва бунда, асосан, масаланинг эчимига идеалистик ва материалистик қарашдан туриб ёндашганлар.

Объектив идеализмнинг асосчиси Платон (Афлотун) ҳақиқатни фикрнинг «ғоялар дунёси»нинг «соя»си бўлган буюм, предметларга мувофиқ келишидир, деб тавсифлайди. «Ким агар буюм қандай бўлса, шунга - мувофиқ гапирса,- деб ёзади файласуф,- у ҳақиқатни айтган ва аксинча бўлса, ёлғон, хато гапирган бўлади».<sup>8</sup>

Аристотел(Арасту) ўз салафининг фикрини янада конкретлаштиради: «Кимки йўқ нарсанинг мавжудлиги ҳақида гапирса ёлғонни, лекин мавжуд нарсани бор, мавжуд бўлмаган нарсани йўқ, деб тасдиқласа, ҳақиқатни айтган бўлади».<sup>9</sup> Платон ва Аристотел томонидан берилган ҳақиқатнинг (мумтоз) таърифи то хозиргача фалсафа, мантиқда ўз аҳамиятини йўқотмасдан таянч таъриф сифатида қўлланилиб келинмоқда. Олмон файласуфи И. Кант ўз вақтида ҳақиқатга Платонча ва Аристотелча қарашнинг чекланганлиги ва бу бўйича унинг (ҳақиқатнинг) энг умумий, ишончли мезонини белгилаб бўлмаслигини таъкидлаган эди. Чунки, унингча, бундай қараш ҳақиқат мезони деб қабул қилинган амалиётни фақат тажрибий-емпирик билимларга нисбатан қўллаш мумкин бўлгани ҳолда, уни априор, (лот. арриори- бошланғич), тажрибадан ташқари билимларга нисбатан қўллаб бўлмайди. «Ҳақиқат нима?- деб ёзади у, - бу файласуфларни боши берк кўчага киритган, уларни мантиқан бир доирада айлантирган кўхна ва азалий савол. Ҳақиқатнинг номинал таърифига кўра (платонча, арастуча таъриф- изоҳ бизники) у билимнинг предметга мос, мувофиқ келишидир. Лекин энг муҳим масала- бу ҳар қандай билим учун энг умумий ва ишончли мезонни топиш бўлмоғи керак".<sup>10</sup>

<sup>8</sup> Платон.В 3-х т. Т.1.М.; 1968, с. 417

<sup>9</sup> Аристотель. Соч.в.4 томах, Т.1, М; 1976, с.141

<sup>10</sup>Иммануил Кант. Критика чистого разума. Растов на Дону. «Феникс»,1999,с.92

Еътироф этиш керакки, гарчи Кант масалага ўзининг субъектив идеалистик қарашидан туриб ёндашган бўлса-да, лекин у кўп жиҳатли ҳақиқат феноменининг моҳиятини платонча, арастуча таъриф тўлиқ очиб беролмаслигини англаб этган эди.

Ҳозирги глобаллашув даврида умумжаҳон ва минтақавий миқёсдаги ижтимоий муаммолар эчими тафаккур орқали эришиладиган ҳақиқатнинг моҳиятини, унинг мезоний ўлчовларини қадриятлилик доирасида ҳал этишни тақозо этмоқда. Зотан “ҳақиқат маънавий-ахлоқий ўлчовларда баҳоланилмаса, қадрланмаса, ўз вазифасини бажараолмайди, ҳақиқий ижтимоий мазмунини намоён қилаолмайди”<sup>11</sup>.

Ҳақиқатнинг қадриятлилик (аксиологик) жиҳати унинг эзгулик, гўзаллик ахлоқий-естетик мезоний тушунчалари ва тамойиллари билан ўзаро бирлиқда маънавият тизимининг таркибий қисми, уни юксалтирувчи куч сифатида амал қилиши жараёнида намоён бўлади. Бу ўринда Президентимизнинг қуидаги дастуриламалий аҳамиятга молик фикрини келтириб ўтиш жоиздир: ”Қаерда... юксак ақл –идрок ва тафаккур хукмон бўлса, ўша эрда маънавият қудратли кучга айланади”<sup>12</sup>.

Тафаккур мураккаб, кўп жиҳатли жараён бўлиб, уни тадқиқ этиш билан бир қатор фанлар (гносеология, тилшунослик, психология, кибернетика, физиология ва б.) шуғулланади. Формал мантиқ бошқа фанлардан фарқли равишдатада тафаккурнинг шаклларини ва уларнинг ўзаро муайян тамойиллар асосида боғланиш - қонунларини ўрганади. Аниқроқ қилиб айтганда, назарий-мантиқий билишнинг шакллари, усуслари ва уларнинг асосини ташкил этувчи қонунлар формал мантиқнинг предметидир.

Тафаккурни бундай, яъни формал тузилиши жиҳатидан ўрганиш тўғри муҳокама, фикр юритишнинг зарурий шартидирки, бу эса чин билимларга, ҳақиқатга эришишнинг дастлабки босқичи ҳисобланади.

Назарий билиш, ҳақиқат муаммоси диалектик ва математик мантиқнинг ҳам тадқиқот обьекти бўлиб, ушбу умумийлик мазкур фанларнинг формал мантиқ билан ўзаро муносабатини белгилайди. Арасту асос солган формал мантиқ негизида ХУИИ-ХИХ асрларда юзага келган янги мантиқий системалар, жумладан, математик ва диалектик мантиқда назарий билиш, ҳақиқат масаласи янгича усул, тамойиллар бўйича талқин қилинади. Ва бу формал мантиқнинг ривожланиши учун муҳим рол ўйнайди.

<sup>11</sup> Билиш фалсафаси (гносеология). Т., «Университет», 2005, 245-бет

<sup>12</sup>Ислом Каримов. Юксак маънавият- енгилмас куч. Т., “Маънавичт”, 2008, 116-бет.

Гегел томонидан ишлаб чиқилған диалектик мантиқ тафаккурни пайдо бўлиш, ривожланишда, унинг шакллари мазмуни ва қонунлари бирлигida ўрганади.

Формал мантиқ тафаккур шаклларини тўғри фикрлаш мақсадини кўзда тутган ҳолда, турли хил мазмунга эга бўлган фикр қисмлари тарзида, умумий

таркибий тузилишда ўрганади. Масалан, тушунча ва ҳукм конкрет мазмун бирлигida эмас, балки муайян структуравий тузилишидаги фикр шакли сифатида олиб қаралади ва бунда уларда қандай предмет англашилаётганлиги фикран соқит қилинади. Диалектик ва формал мантиқ усул, тамойиллари ва қонунларини ўзаро бирликда олиб қараш ва уларни билиш жараёнида қўллаш чин билимларга, хақиқатга эришишнинг энг самарали йўлидир.

ХВИИИ асрда европа мамлакатларида илмий-техника тараққиётининг юз берганлиги, айниқса механика ва математика фанларининг амалиёт билан боғлиқ ҳолда ривожланиши анъанавий мантиқ негизида янги - математик мантиқ йўналишининг юзага келишига замин тайёрлади.

Немис файласуфи, математиги Г.Лейбнитс (1646-1716) математик ҳисоблаш методини ишлаб чиқади ва уни мантиқка тадбиқ қиласди.

Ҳисоблаш - бу белги-символлар билан фикрлаш қоидаларининг тизими бўлиб, Лейбнитс улар орқали тафаккур шаклларига (тушунча, ҳукм, хулоса чиқариш) нисбатан қўллайди ва максимал аниқлик даражасида мантиқий мухокама юритиш усулларини аниқлашга муваффақ бўлади.

Бу ўринда шу нарсани таъкидлаш жоизки, аслида математик мантиқнинг илк асосчиси IX асрларда яшаб ижод этган юртдошимиз, мутафаккир Муҳаммад ал-Хоразмийдир (780-850). У «Ал-жабр ва ал-муқобала ҳисоби ҳақида қисқача китоб» номли асарида ҳисоблашнинг алгебравий (алгоритмли) усулларини ишлаб чиқадики, бу орадан минг йилдан зиёд вақт ўтиб кибернетика фанининг юзага келиши учун асос бўлиб хизмат қиласди. XIX асрнинг ўрталарига келиб математик мантиқ мустақил фан сифатида тўлиқ шаклланади, бунга инглиз математиги, мантиқшуноси Ж.Бул (1815-1864) ва немис файласуфи, математиги Г.Фреге (1848-1925)лар катта ҳисса қўшадилар.

Ж.Бул «Мантиқнинг математик таҳлили», «Фикр қонунларининг тадкики» номли асарларида "мантиқ алгебраси" деб аталадиган математик мантиқ системасини ишлаб чиқади.

Г.Фреге биринчи бўлиб мулоҳазалар ва предикатлар мантифининг аксиоматик тузилишининг формаллашган арифметик системасини тузади. Ва буни у икки томлик «Арифметиканинг асосий қонунлари» деган асарида баёнетади.

Бул, Фрегеларнинг математик мантиққа оид қарашлари, кейинчалик инглиз файласуф, мантиқшунослари Б.Рассел (1872-1970) ва А.Уайтхед (1861-1947)лар томонидан янада ривожлантирилади. XX асрнинг охиirlарига келиб уларнинг қарашлари негизида интуитив, конструктив, қўп моҳиятли, модалли мантиқ каби математик мантиқ йўналишлари юзага келади.

Математик мантиқнинг юзага келиши формал мантиқнинг илмий билиш методологияси вазифасини ўташ имкониятларини оширишга хизмат қилади.

Фалсафада “қонун” тушунчаси нарса ва ҳодисаларнинг муҳим, зарурый, умумий, нисбий барқарор муносабатларини ифодалайди. Мантиқ илмида эса “қонун” тушунчаси фикрлаш элементлари ўртасидаги ички, муҳим, зарурый алоқадорликни ифодалайди.

Мантиқий тафаккур икки турдаги қонунларга бўйсунади. Улар диалектика қонунлари ва формал мантиқ қонунларидир. Диалектика қонунлари объектив олам ва билиш жараёнига хос бўлган энг умумий қонунлар бўлиб, диалектик мантиқнинг ўрганиш соҳаси ҳисобланади. Формал мантиқ қонунлари эса фақат тафаккурдагина амал қиласди. Диалектика қонунлари мантиқий тафаккурни унинг мазмуни ва шакли бирлигида олиб ўрганса, формал мантиқ қонунлари эса, фикрнинг тўғри тузилиши, аник, изчил, зиддиятсиз ва асосланган бўлишини эътиборга олган ҳолда ўрганади.

Формал мантиқ қонунлари (ёки тафаккур қонунлари) дейилганда фикрлашга хос муҳим, зарурый боғланишлар тушунилади. Тафаккур қонунлари объектив воқеликнинг инсон миясида узоқ вақт давомида акс этиши натижасида вужудга келган ва шаклланган. Бу қонунлар фикрлашнинг тўғри амалга ошишини таъминлаб туради. Улар тафаккур шакллари бўлган тушунчалар, мулоҳазалар (ҳукмлар), хулоса чиқаришнинг шаклланиши ва ўзаро алоқаларини ифодалайди.

Тафаккур қонунларига амал қилиш тўғри, тушунарли, аник, изчил, зиддиятсиз, асосланган фикр юритишга имкон беради. Аниқлик, изчиллик, зиддиятлардан холи бўлиш ва асосланганлик тўғри тафаккурлашнинг асосий белгиларидир. Булар мантиқий қонунларнинг асосини ташкил этувчи белгилар бўлганлиги учун, уларнинг ҳар бирини алоҳида-алоҳида кўриб чиқамиз.

## 2. Айният қонуни

Бирор буюм ёки ҳодиса ҳақида фикр юритилганда, уларга хос бўлган

барча муҳим белгилар, қамраб олинади. Предмет ҳақидаги фикр неча марта ва қандай ҳолатда тақрорланишига қарамасдан доимий, ўзгармас ва қаттый мазмунга эга бўлади. Тафаккурга хос бўлган бу аниқлик хусусияти Айният қонунининг моҳиятини ташкил этади.

**Айният қонунига кўра, маълум бир предмет ёки ҳодиса ҳақида айтилган айни бир фикр айни бир муҳокама доирасида айни бир вақтда ўз-ўзига тенгдир.** Бу қонун формал мантиқ илмида «A–A» дир формуласи билан ифодаланади.

Айният қонуни символик мантиқ илмида, яъни **мулоҳазалар** мантиғи ва **предикатлар** мантиғида ўзига хос кўринишга эга.

Мулоҳазалар мантиғида  $a \rightarrow a$  ва  $a \leftrightarrow a$ . (Бунда,  $a$  – ҳар қандай фикрни ифодаловчи белги,  $\rightarrow$  импликация белгиси,  $\leftrightarrow$  эквивалентлик белгиси.)

Предикатлар мантиғида ( $x(P(x) \rightarrow P(x))$ ) бу ифода қуйидагича ўқилади: ҳар қандай  $x$  учун, агар  $x$  Р белгига эга бўлса,  $x$  шу белгига эга, деган фикр тўғри бўлади.

Айният қонунининг асосий талаби қуйидагича: фикрлаш жараёнида турли фикрларни айнанлаштириш ва, аксинча, ўзаро айнан бўлган фикрларга тенг эмас, деб қараш мумкин эмас. Бу мантиқий тафаккурнинг муҳим шартларидан биридир. Фикрлаш жараёнида бу қонунни билиб ёки билмасдан бузиш ҳолатлари учрайди. Баъзан бу ҳолат бир фикрнинг тилда турли хил ифодаланиши билан боғлиқ бўлади. Масалан, «диалектика қонунлари» ва «табиат, жамият ва инсон тафаккурининг энг умумий қонунлари» тушунчалари шаклига кўра турлича бўлса ҳам, мазмунан айнандир.

Тилда мавжуд бўлган омоним ва синоним сўзларнинг қўлланиши ҳам баъзан турли фикрларнинг ўзаро айнанлаштирилишига, яъни нотўғри муҳокамага олиб келади. Масалан, фалсафий нуктаи назардан ”сифат”тушунчалик ўзига хос мазмунга эга бўлса, хунарманд томонидан бу тушунча ўзгача мазмунда (яроқли, фойдали) қўлланилади. Бир тушунчага касб-хунари, ҳаётий тажрибаси, дунёқарashi турли хил бўлган шахслар томонидан турли мазмун юқлатилиши ҳам баъзан Айният қонунининг бузилишига сабаб бўлади.

Баҳс-мунозара жараёнида қандай қилиб бўлса ҳам рақибини алдаш ва ютиб чиқиши мақсадида Айният қонуни талабларини атайлаб бузувчилар софистлар деб аталади, уларнинг таълимоти эса софистика дейилади.

Шарқ адабиётида турли маънодаги бир хил сўзларни моҳирлик билан ишлатиб, гўзал шеърий мисралар яратилади. ”Туюқ” номи билан маълум бўлган бу шеърий мисралар сермаънолиги билан инсонга завқ бағишлиайди:

Кўлингдан келганча чиқар яхши от.

Яхшилик қил болам, ёмонликни от.

Насиҳатим ёд қилиб ол фарзандим,

Ёлғиз юрса чанг чиқармас яхши от.

(Фозил Йўлдош ўғли)

Юқоридаги тўртликда “от” сўзининг турли маъларда қўлланилиши Айният қонуни талабининг бузилишини эмас, балки унга риоя қилингандигини ифодалайди.

Шунингдек, ўзбек халқига хос бўлган асия санъатида Айният қонуни талабининг атайлаб бузилишини сўзларнинг ўз маъносида эмас, балки кўчма маъноларда қўлланишини кузатиш мумкин. Бу ўзига хос сўз ўйини бўлиб, унда қўлланиладиган нозик қочиримлар асия айтувчининг маҳоратини кўрсатади ва тингловчиларнинг кулгусига сабаб бўлади. Айтиш мумкинки, ҳаётда, амалиётда тушунчаларнинг турли маъноларда қўлланилиши ғаразли ёки бегараз, яхши ёки ёмон мақсадларга хизмат қилиши мумкин.

Айният қонуни предмет ва ҳодисаларнинг нисбий барқарорлигини ифода этгани ҳолда, тафаккурнинг ривожланишини, тушунчалар ва билимимизнинг ўзгариб, бойиб боришини инкор этмайди. Бу қонун фикрнинг мазмуни предмет ва ҳодисаларни тўлароқ билиб боришимиз билан ўзгаришини эътироф этади ва уни ҳисобга олишни тақозо қиласди. Айният қонуни тафаккурга, унинг барча элементлари, шаклларига хос бўлган умумий мантиқий қонундир. Бу қонуннинг талаблари тафаккурнинг ҳар бир шаклига хос бўлган конкрет қоидаларда аниқ ифодаланади. Тафаккурнинг тушунча, мулоҳаза (ҳукм), хулоса чиқариш шакллари, улар ўртасидаги муносабатлар шу қонунга асосланган ҳолда амалга ошади.

### **3. Нозидлик қонуни**

Инсон тафаккури аниқ, равshan бўлиши билан бирга, зиддиятсиз бўлиши ҳам зарур. Зиддиятсизлик инсон тафаккурига хос бўлган энг муҳим хислатлардан биридир. Маълумки, объектив воқеликдаги буюм ва ҳодисалар бир вақтда, бир хил шароитда бирор хусусиятга ҳам эга бўлиши, ҳам эга бўлмаслиги мумкин эмас. Масалан, бир вақтнинг ўзида, бир хил шароитда инсон ҳам ахлоқли, ҳам ахлоқсиз бўлиши мумкин эмас. У ё ахлоқли, ё ахлоқсиз бўлади.

Бир вақтнинг ўзида бир предметга икки зид хусусиятнинг тааллуқли бўлмаслиги тафаккурда нозидлик қонуни сифатида шаклланиб қолган. Бу қонун фикрлаш жараёнида зиддиятга йўл қўймасликни талаб қиласди ва тафаккурнинг зиддиятсиз ҳамда изчил бўлишини таъминлайди.

**Нозидлик қонуни айни бир предмет ёки ҳодиса ҳақида айтилган икки ўзаро бир-бирини истисно қилувчи (қарама қарши ёки зид) фикр бир вақтда ва бир хил нисбатда бирданига чин бўлиши мумкин эмаслиги, ҳеч бўлмаганда улардан бири, албатта, хато бўлишини ифодалайди.** Бу қонун «А ҳам В, ҳам В эмас бўла олмайди» формуласи орқали берилади. Мулоҳазалар мантиғида бу қонун қуйидаги формула орқали ёзилади:  $\neg(a \wedge \neg a)$

( формула “ а ва а эмас бўлиши мумкин эмас” деб ўқилади. )

Нозидлик қонуни қарама-қарши ва зид мулоҳазаларга нисбатан қўлланади. Бунда қарама-қарши мулоҳазаларнинг ҳар иккаласи ҳам бир вақтда хато бўлиши мумкин; ўзаро зид мулоҳазалар эса, бир вақтда хато бўлмайди, улардан бири хато бўлса, иккинчиси албатта чин бўлади. Қарама-қарши мулоҳазаларда эса, бундай бўлмайди, яъни улардан бирининг хатолигидан иккинчисининг чинлиги келиб чиқмайди. Масалан: “Арасту — мантиқ фанининг асосчиси” ва “Арасту — мантиқ фанининг асосчиси эмас”

— бу ўзаро зид мулоҳазалардир. Бу зид мулоҳазаларнинг ҳар иккаласи бир вақтда хато бўлмайди. Улардан биринчиси чин бўлганлиги учун, иккинчиси хато бўлади. Ўзаро қарама-қарши бўлган “Бу дори ширин” ва “Бу дори аччиқ” мулоҳазаларининг эса иккаласи бир вақтда, бир хил нисбатда хато бўлиши мумкин. Чунки дори ширин ҳам, аччиқ ҳамбўлмаслиги, балки шўр, bemaza ёки нордон бўлиши мумкин.

Баъзида икки қарама –қарши фикр айтилганда мантиқий зиддият бўлмаслиги мумкин. Бунда бир масала юзасидан баён қилинган қарама-қарши фикрлар турли вақтда ва турли нисбатда айтилган бўлади. Масалан: “Акмал мусобақада қатнашмади” ва “Акмал мусобақада қатнашди”. Бу мулоҳазалар турли вақтга нисбатан (бир ой аввал ёки кейин), турли муносабатда (сузиш ёки шахмат бўйича) баён қилингани туфайли бир-бирини инкор этмайди. Демак, фикрлаш жараёнида вақт, муносабат ва объект бирлигининг сақланиши Нозидлик қонунининг амал қилиши учун зарурий шарт-шароит ҳисобланади.

Мантиқ илми умуман ҳар қандай зид мулоҳазаларни таъкиқламайди, балки бир масала юзасидан бир хил вақт ва муносабат доирасида ўзаро зид, қарама-қарши мулоҳазаларни баён қилиш мумкин эмаслигини таъкидлайди.

Формал мантиқ мантиқий зиддиятлар билан реал ҳаёт зиддиятларини чалкаштириб юборишни қоралайди. Чунки булардан биринчиси тафаккурда йўл қўйиб бўлмайдиган зиддият бўлса, иккинчиси буюм, ҳодисалар тараққиётининг ички манбани ташкил қиласиган диалектик зиддиятдир. Биринчиси субъектив, иккинчиси объектив зиддиятдир.

Нозидлик қонунини билиш ва унга амал қилиш рақибнинг, сухбатдошнинг фикрларидағи мантиқсизликни аниқлаш, илмий тахлилни чукур ва изчил мантиқий асосда олиб бориш имконини беради.

#### **4. Учинчиси – истисно қонуни**

**Учинчиси истисно қонуни Нозидлик қонунининг мантиқий давоми бўлиб, фикрнинг тўлиқ мазмунини қамраб олиб, баён қилинган икки зид фикрдан биричин, бошқаси хато, учинчисига ўрин йўқ эканлигини ифодалайди.** Бу қонун «A ё B, ёки B эмас бўлади» формуласи орқали берилади. Мулоҳазалар мантиғида бу қонун қуйидаги формула орқали ёзилади:  $a \vee \neg a$

( формула “ а ёки а эмас” деб ўқилади. )

Бу қонун фикрлар ўртасидаги зид муносабатларни ифодалайди. Агарда зид муносабатлар фикрнинг тўлиқ мазмунини қамраб олмаса, икки зид белгидан бошқа белгиларнинг ҳам мавжудлиги маълум бўлса, унда “Учинчиси – истисно” қонуни амал қилмайди.

Масалан:

Талаба имтиҳонда «аъло» баҳо олди.

Талаба имтиҳонда «икки» баҳо олди.

Бу мулоҳазалар муносабатида нозидлик қонуни амал қиласи. Чунки бу мулоҳазаларнинг ҳар иккиси ҳам хато бўлиши ва талаба имтиҳонда «ўрта» ёки «яхши» баҳо олиши мумкин.

Агар, «Талаба имтиҳонда «аъло» баҳо олди» ва «Талаба имтиҳонда

«аъло» баҳо олмади» мулоҳазаларини таҳлил қилсак, унда бу мулоҳазалардан бири чин, бошқаси хато, учинчисига ўрин йўқ эканлиги маълум бўлади. Чунки «яхши», «ўрта» ва «икки» баҳолар – «аъло» баҳо эмас.

**“Учинчи-истисно” қонуни қуйидаги ҳолатларда қўлланади:**

**1. Алоҳида олинган якка буюмга нисбатан бир хил вақт ва муносабат доирасида ўзаро зид фикр билдирилганда.** Масалан:

Тошкент – Ўзбекистоннинг пойтахти.

Тошкент – Ўзбекистоннинг пойтахти эмас.

Бу мулоҳазалар биргаликда чин ҳам, хато ҳам бўла олмайди. Улардан бири чин, иккинчиси хато, учинчи мулоҳазага ўрин йўқ. “Учинчи-истисно” қонуни ўзаро зид умумий мулоҳазалар доирасида амал қилмайди. Чунки умумий мулоҳазаларда буюмлар синфига ва шу синфга мансуб ҳар бир буюмга нисбатан фикр билдирилади.

Масалан:

Ҳамма файласуфлар нотиқдир.

Ҳеч бир файласуф нотиқ эмас.

Бу мулоҳазалардан бирининг хатолигидан иккинчисининг чинлиги ҳақида хulosса чиқариб бўлмайди. Бундай ҳолатда «Баъзи файласуфлар нотиқдир» деган учинчи бир мулоҳаза чин ҳисобланади.

**2. Сон ва сифатига кўра ўзаро зид мулоҳазалар баён қилинганда,** буюм ва ҳодисаларнинг синфи ҳақида тасдиқлаб баён қилинган мулоҳаза билан, шу синф буюм ва ҳодисаларнинг бир қисми ҳақида инкор этиб баён қилинган мулоҳазалардан бири чин, иккинчиси хато, учинчисига ўрин бўлмайди.

Масалан:

Ҳамма файласуфлар табиатшуносдир.

Баъзи файласуфлар табиатшунос эмас.

Бу икки мулоҳаза бир вақтда чин ҳам, хато ҳам бўла олмайди. Улардан бири (Баъзи файласуфлар табиатшунос эмас) албатта чин, иккинчиси хато, учинчи мулоҳазага ўрин йўқ.

**Демак, Учинчи-истисно қонуни:**

**1.Икки зид якка мулоҳазаларга нисбатан.**

**2.Умумий тасдиқ ва жузъий инкор этувчи мулоҳазаларга нисбатан.**

**3.Умумий инкор ва жузъий тасдиқ мазмунидаги мулоҳазаларга нисбатан қўлланади.**

“Учинчи-истисно” қонунининг амал қилиши учун олинган зид муносабатларни ифодаловчи мулоҳазалардан бири тасдиқ, иккинчиси инкор мазмунида бўлиши ёки тушунчалардан бири ижобий ва бошқаси салбий бўлиши шарт эмас. Олинган икки тушунча ёки мулоҳаза бир-бирини ҳажм жиҳатдан тўлиқ инкор этиши кифоя. Масалан, “эркак” ва “аёл” тушунчаларининг ҳар иккиси ижобий бўлиб, “инсон” тушунчасининг тўлиқ мазмунини қамраб олувчи зид белгиларни ифодалайди.

“Учинчи-истисно” қонунида ҳам, нозидлик қонунидаги каби вақт, муносабат, объект айнанлигига риоя этиш шарт, акс ҳолда бу қонун ўз кучини йўқотади, фикрнинг изчиллигига зарар етади ва мантиқсизликка йўл

кўйилади.

“Учинчиси-истисно” қонуни, бошқа мантиқий қонунлар сингари, зиддиятли мулоҳазаларнинг чин ёки хатолигини аниқлаб беролмайди. Бунинг учун воқеа ва ҳодисаларнинг ривожланиш қонуниятларини билиш талаб қилинади. Инсон ўз билимларига асосланган ҳолда ўзаро зид мулоҳазалардан қайси бири чин ёки хато эканлигини аниқлайди. Бу қонун ўзаро зид мулоҳазалар бир вақтда чин бўлмаслигини тасдиқлади.

“Учинчиси-истисно” қонунини билиш, муҳокама юритишда тўғри хулоса чиқариш учун муҳим бўлиб, ўзаро зид қарашларни аралаштириб юборишга йўл қўймайди.

### **5. Етарли асос қонуни**

Тўғри фикрлашга хос бўлган муҳим хусусиятлардан бири асослилик, ишончлиликдир. Фикрлаш жараёнида буюм ва ҳодисалар ҳакида чин муҳокама юритибгина қолмасдан, бу муҳокаманинг чинлигига ҳеч қандай шубҳа бўлмаслиги учун уни асослаш, исботлашга ҳаракат қилинади. Бунда чинлиги аввалдан маълум бўлган ва ўзаро мантиқий боғланган мулоҳазаларга асосланилади, яъни баён қилинган фикрнинг чинлиги аввалдан маълум бўлган, чинлиги тасдиқланган бошқа бир фикр, мулоҳаза билан таққосланади. Тафаккурнинг бу хусусияти етарли асос қонуни орқали ифодаланади.

Инсон тафаккурига хос бўлган бу қонунни биринчи марта немис файласуфи ва математиги Г. Лейбниц таърифлаб берган. Унинг таъкидлашича, барча мавжуд нарсалар ўзининг мавжудлиги учун етарли асосга эга. **Ҳар бир буюм ва ҳодисанинг реал асоси бўлгани каби, уларнинг инъикоси бўлган фикр-мулоҳазалар ҳам асосланган бўлиши керак.** Етарли асос қонунининг бу талаби қуйидаги формула орқали ифодаланади: «Агар В мавжуд бўлса, унинг асоси сифатида А ҳам мавжуд».

Етарли асос қонунида тўғри тафаккурнинг энг муҳим хусусиятларидан бири бўлган фикрларнинг изчиллик билан муайян тартибда боғланиб келиш хусусияти ифодаланади. Бу қонун аввалги кўриб ўтилган қонунлар билан ўзаро боғлиқ ҳолда амал қиласи. Фикрлаш жараёнида берилган мулоҳазанинг чинлигини асослаш учун келтирилган чин мулоҳазалар **мантиқий асос**, берилган мулоҳазанинг ўзи эса **мантиқий натижা** деб юритилади.

Мантиқий асос билан объектив, реал асосни аралаштириб юбориш мумкин эмас. Асос ва натижага орасидаги мантиқий боғлиқликни сабаб ва оқибат алоқадорлигидан фарқлаш зарур. Масалан, «Бу киши bemor», деган мулоҳазани «У шифохонада даволаняпти», деган фикр билан асослаш мумкин. Аслида шифохонада даволаниш дастлабки мулоҳазанинг сабаби эмас, балки оқибатидир. Кўриниб турибдик, мантиқий асос ҳамма вақт ҳам ҳодисанинг сабаби билан мос келмайди. Фикрларнинг етарли асосга эга бўлишининг объектив манбаи фақат сабаб-оқибат муносабатинигина эмас, шунингдек, фикрнинг изчиллиги, асосланганлигини, исботланган бўлиш хусусиятларини ҳам, яъни объектив мазмуни сабаб-оқибат муносабатларидан ташқарида бўлган бошқа муносабатларни ҳам ўз ичига олади.

Фикр-мулоҳазаларни асослаш мураккаб мантиқий жараён бўлиб, унда икки ёки ундан ортиқ ўзаро боғланган муҳокамалар тизимидан фойдаланилади. Кенг маънода бирор мулоҳазани асослаш деганда, шу мулоҳазанинг чинлигини тасдиқловчи ишончли ва етарли далилларнинг мавжудлигини аниқлаш тушунилади. Бу ишончли ва етарли далилларни шартли равишда икки гурухга: эмпирик ва назарий асосларга бўлиш мумкин. Булардан биринчиси асосан ҳиссий билиш, тажрибага асосланса, иккинчиси ақлий билиш, тафаккурга таянади. Эмпирик ва назарий билимларнинг чегараси нисбий бўлгани каби, эмпирик ва назарий асослар ўртасидаги фарқ ҳам нисбийдир.

Инсоннинг шахсий тажрибаси макон ва замонда чегаралangan бўлиб, сезгилаи берган маълумот эса ҳамма вақт ҳам тўғри бўлмайди. Шунга қарамасдан, мулоҳазаларни эмпирик асослашнинг аҳамияти катта, чунки билиш жонли ҳиссий мушоҳададан - бевосита кузатишдан бошланади. Ҳиссий тажриба инсонни ташқи олам билан боғлаб туради. Назарий билим эса эмпирик базиснинг устқурмаси ҳисобланади.

Умумий-чин мулоҳазалар сифатида фанларнинг қонун-қоидалари, тушунчалар таърифи, шунингдек, аксиомалардан фойдаланилади. Буларнинг барчаси назарий асослашнинг рационал ёки демонстратив усуслари бўлиб, улар умумилмий аҳамиятга эга бўлган исботлаш методларининг асосини ташкил этади. Шунингдек, асослашнинг субъектив характерда бўлган ва бевосита тажриба натижаларига ёки назарий фикр юритишга тааллуқли бўлмаган усуслари мавжуд. Интуиция, эътиқод, авторитет ва урф-одатларга асосланиш шундай усуслар жумласига киради. Бу усуслардан кўпроқ кундалик онг даражасида фойдаланилади. **Интуиция** ҳеч қандай муҳокама ва исботларсиз тўғридан-тўғри ҳақиқатга эришиш қобилиятини ифодалайди. “Интуиция” сўзи – лотинча “интуитио” сўзидан олинган бўлиб, «диққат билан тикилиб қарайман», деган маънони билдиради. Интуиция билиш жараёнида сезиларли аҳамиятга эга бўлиб, ҳиссий ва ақлий билишдан ўзгача бир кўринишни ташкил этмайди; ўзига хос фикр юритиш, тафаккур қилиш усулини ифодалайди. Интуиция орқали инсон мураккаб ҳодисаларнинг моҳиятини, унинг турли қисмларига эътибор бермаган ҳолда, фикран яхлит қамраб, тушуниб олади. Бунда тафаккур жараёнинг алоҳида қисмлари у ёки бу даражада англанмайди ва асосан фикр юритиш натижаси – ҳақиқатгина англанган ҳолда аниқ, равshan қайд этилади. Интуиция ҳақиқатни аниқлашда етарли асос ҳисобланса-да, лекин бу ҳақиқатга бошқаларни ишонтириш учун етарли ҳисобланмайди.

**Эътиқод** – кишининг ишончини қозонган ва шунинг учун ҳам унинг фаолиятида хатти-харакатларини белгилаб берадиган, унинг дастури бўлиб хизмат қиласиган қарашлар мажмуасидан иборат. Эътиқод чинлиги исботланган мулоҳазаларга ёки танқидий таҳлил қилиб кўрилмаган, чинлиги номаълум бошланғич билимларга асосланган бўлиши мумкин. Интуиция каби эътиқод ҳам субъектив характерда бўлиб, давр ўтиши билан ўзгариб туради. Албатта, эътиқод ҳакида фикр юритганда кўр-кўронада эътиқод билан тарихий ва ҳаётий тажриба натижаси бўлган, билимга асосланган эътиқодни

фарқлаш зарур. Фақат илмий билимга асосланган эътиқодгина фикр ва мулоҳазаларнинг чинлигини аниқлашда етарли асос бўлади. Шунинг учун ҳам улар инсон қалбида мустаҳкам ўрнашиб қолади. Президентимиз И.А. Каримов: «Миллий мафкура – бу халқнинг, миллатнинг ўтда ёнмайдиган, сувда чўкмайдиган ўлмас эътиқодидир<sup>13</sup>», - деганда айнан шуни назарда тутган эди.

**Авторитет** (авторитас – ҳокимият, таъсир) – кенг маънода ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида бирор шахснинг ёки ташкилотнинг кўпчилик томонидан тан олинган норасмий таъсиридир. Етарли асос қонуни билан боғлиқ бўлган масалаларни ҳал қилишда “авторитет” тушунчаси обрўли, эътиборли, нуфузли манба маъносида қўлланади. Авторитетларга асосланиш деганда эса, бирор фикр, мулоҳазанинг чинлигини асослашда обрўли, эътиборли, нуфузли манбаларга мурожаат қилиш тушунилади. Нуфузли манба сифатида алоҳида шахсларнинг фикр ва мулоҳазалари, муқаддас диний китоблардаги битиклар, хусусан, “Қуръон”да ёзилган сура ва оятлар, халқ мақоллари ва ҳикматли сўзлардан фойдаланилади.

Авторитетларнинг амал қилиш доираси ва давомийлиги турли хил бўлади. Вақт ўтиши ёки амал қилиш доирасининг ўзгариши авторитетларнинг мавқеини тушириб юбориши мумкин.

Кенг доирада амал қиласидиган ва доимий, мунтазам бўлган авторитетларгина фикр-мулоҳазаларнинг чинлигини аниқлаш учун етарли асос бўлади. Бундай авторитетлар тарихий шароит ва сиёсий ўзгаришларнинг таъсирида ўз қадр-қимматини йўқотмайди, вақт синовига бардошли бўлади. Умумисоний маънавий маданият хазинасидан жой олган буюк мутафаккирларнинг ҳикматли сўзлари, умумисоний-ахлоқий қадриятлар, халқларнинг ижтимоий-тарихий тажрибасини акс эттирган мақоллар фикр-мулоҳазаларнинг чинлигини асослашда етарли далил ҳисобланади.

Авторитетларга асосланиш билан **авторитар тафаккурни** ўзаро фарқлаш зарур. Авторитарлик – асосланганликнинг ўзгарган, бузилган кўриниши бўлиб, унда мулоҳаза юритиш ва унинг чинлигини аниқлаш вазифаси авторитетлар зиммасига юкланди.

Авторитар тафаккурлашга мойил киши бирор муаммони ўрганишдан аввал ўзини «асосий мулоҳазалар йигиндиси» билан чеклаб қўяди. Бу мулоҳазалар йигиндиси тадқиқотнинг асосий йўналишини белгилаб беради ва кўпинча аввалдан маълум бўлган натижани келтириб чиқаради. Дастребаки асос бўлган фикрлар тизими намуна сифатида қабул қилинади ва бошқа фикрлар унга бўйсундирилади. Агар асосий мулоҳазаларнинг деярли барчаси авторитетлар томонидан айтилган бўлса, унинг давомчиларига бу фикрларни тушунтириш ва изоҳлаш қолади, холос. Бу янгиликлардан ва ижодийликдан маҳрум бўлган фикр юритиш усули бўлиб, диалектик тафаккурга зиддир. Авторитетлар, нуфузли манбалар, жамият аъзолари, хусусан, ёшларда

<sup>13</sup> Каримов И.А. Миллий истиколол мафкураси-халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончdir: FIDOKOR газетаси мухбири саволларига жавоблар.-Т.: Ўзбекистон. 2000, 30-б.

миллий мафкура ва миллий фояни шакллантиришда асосий омиллардан биридир. Шу ўринда матбуотнинг, айниқса, радио ва телевидениенинг у ёки бу манбанинг авторитет деб тан олинишидаги роли эътиборлидир. Бу ҳақда И. Каримов: «Бизнинг матбуотимиз, телевидениемиз ҳам тарихга оид мақолалар чоп этганда, кўрсатувлар тайёрлаганда бир кишининг фикрини ягона ҳақиқат сифатида қабул қилинишига йўл қўймаслиги даркор. Муайян масалада турли фикрларни бериш, баҳс орқали ҳақиқат ойдинлашувига эришиш лозим<sup>14</sup>», деб таъкидлаган.

Авторитетлар масаласи мураккаб ва кўп кирралидир. Шу сабабдан фикр-мулоҳазаларнинг чинлигини асослашда авторитет ҳисобланган фикрлардан конкрет шароитга мос равишда, меъёрга амал қилган ҳолда фойдаланиш зарур.

**Урф-одат** авлоддан авлодга мерос бўлиб ўтадиган ва муайян жамият ёки ижтимоий груп томонидан қабул қилинган бир хил шаклдаги хатти-ҳаракат, хулқ-атвор усули бўлиб, кишиларнинг турмуш тарзи ва фикр юритишига маълум даражада таъсир кўрсатади. Урф-одатларга асосланган ҳолда фикр юритиш ва ҳаракат қилиш кўпинча кишиларнинг турмуши, ахлоқий меъёrlар ва халқ маросимлари доирасида намоён бўлади. Миллий гоя ва миллий мафкура урф-одатлар орқали ҳам жамият аъзоларининг онгига сингиб боради. Жамият ёки ижтимоий груп томонидан бирор шахс ёки воқеа-ҳодисага нисбатан бўлган муносабат муайян урф-одатлар билан асосланади. Бунда бирор хатти-ҳаракатни асослаш учун «урф-одатларимизга кўра...», деб фикр юритилади.

Фикр-мулоҳазаларни асослаш мураккаб мантиқий жараён бўлиб, унда бир ёки ундан ортиқ ўзаро боғланган муҳокамалар системасидан фойдаланилади. Мулоҳазаларнинг чинлигини асослаш тафаккурнинг энг муҳим хусусиятларидан бири бўлиб, фикрларимизнинг мантиқли, тартибли, ишонарли бўлишини таъминлайди.

Шундай қилиб, тўғри тафаккурнинг юқорида кўриб ўтилган қонунларининг ҳар бири чин билимга эришиш учун хизмат қиласди. Бу қонунлар тафаккур жараёнида алоҳида-алоҳида ёки бирин-кетин эмас, балки бир вақтда, биргаликда фикрлар боғланишининг характеристига қараб амал қиласди. Айният қонунига кўра, фикрлаш жараёнида ҳар бир мулоҳаза қатъий мазмунга эга бўлиши, айнан шу фикр доирасида ўзгармаслиги талаб қилинади. Бу талабнинг бузилиши фикрда мантиқий зиддиятларни келтириб чиқаради. Зид мулоҳазаларнинг чин ёки хатолигини аниқлаш уларни мантиқий асослашни тақозо этади.

Демак, бу қонунларнинг талаблари бир-бирини тўлдирган ҳолда мантиқий тафаккурнинг чин бўлишини таъминлайди.

<sup>14</sup> Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Мулоқот., 1998.5-сон, 15-б.

## НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Индуктив хуросалашнинг илмий-амалий аҳамияти. **Таянч иборалар:** индуктив билиш, индуктив кузатиш, тажриба, эксперимент, натижа, янгилик, амалиёт.
2. Индуктив хуроса чиқаришнинг тўлиқ ва тўлиқсиз шакллари. **Таянч иборалар:** индуктив хуросалаш таснифи, тўлиқ хуросалаш, тўлиқсиз хуросалаш, синф, гурӯҳ, тур, индукция шартлари, статик индукция, ўхшатиш методи, тавофут методи.
3. Айлантириш орқали хуроса чиқариш. **Таянч иборалар:** айлантириш, алмаштириш, қисқартирилган алмаштириш, соф ва кенгайтирилган алмаштириш.
4. Муаммоларни ечиш йўллари ва уларнинг ҳаётий аҳамияти. **Таянч иборалар:** муаммолар моҳияти, муаммолар таснифи, тажриба, амалиёт, кашфиёт, синаш, кузатиш, хуроса, якун.
5. Предикатга қарама-қарши қўйиш. Таянч иборалар. Қарама-қаршилик, қисман мослик, бўйсуниш муносабати.
6. Тўлиқсиз индукция ва уларнинг шартлари. **Таянч иборалар:** индукция, тасодиф, зиддиятсиз холатлар, статистик умумлаштириш, оммавий индукция, илмий индукция принциплари, танлаш, рад қилиш принциплари, эҳтимолликни ифодаланиши.
7. Тафовут методи ва ўхшатиш методлари. Уларнинг боғланиш шартлари. **Таянч иборалар:** тафовут, айният, зиддият, тафовут холати, тафовут қоидаси, тафовут методи схемалари.
8. Мантиқий квадрат ва хуроса чиқариш. **Таянч иборалар:** қарама-қарши, зидлик, бўйсуниш, муносабат.
9. Воситали ва воситасиз хуроса чиқариш ва унинг шартлари. **Таянч иборалар:** хуроса, натижа, асос, мантиқий квадрат, алмаштириш, предикат, айлантириш.
10. Шартли силлогизм ва унинг турлари. **Таянч иборалар:** силлогизм, асос, қатъий, соф, тасдиқловчи, модус, конструктив, деструктив.
11. Қисқартирилган қатъий силлогизмлар. Уларнинг ўзига хослиги. **Таянч иборалар:** силлогизм-энтимема, катта асос, кичик асос, хуросаси қолдирилган энтилемалар.
12. Мураккаб силлогизмлар. Уларнинг ижтимоий моҳияти. **Таянч иборалар:** полисиллогизм-мураккаб силлогизм, прогрессив. Регрессив. Эпихейрема, ўрта термин, соритлар.
13. Хукм терминлари, уларнинг таърифлари ва моҳияти. **Таянч иборалар:** хукм, субъект, предикат, боғловчи аниқ белги, янги белги, кесим элементлари.
14. Хукм элементлари. Уларнинг илмий аҳамияти. **Таянч иборалар:** эга, кесим, субъект, предикат, боғловчи.

**4-Мавзуу: Далилларга таянган холда фикр юритиш-илмий билишнинг мантиқий асоси. Мантиқий парадокс.**

**РЕЖА:**

- 1.Далиллаштириши ва ишонч-эътиқоднинг шаклланиш жараёни*
- 2. Исботлаш, унинг маркиби ва турлари.*
- 3. РАДДИЯ. РАД ЭТИШ УСУЛЛАРИ.*

Мантиқий парадокс. Илмий муаммо тушунчаси. Мантиқий таҳлил ва унинг структураси. Мантиқий боғлиқлик.

**Далиллаштириш ва ишонч-эътиқоднинг  
шаклланиш жараёни**

Мантиқ фани тўғри фикр юритиш қонун-қоидалари, шакллари билан биргаликда фикрнинг асосланилган бўлишлиги масаласи билан ҳам шуғулланади. Шунга кўра мантиқ фанида фикрнинг асосланилиши, далиллаш маҳсус мавзуи ҳисобланилади.

Далиллаш тўғри фикр юритиш ва шу орқали чин билим, ҳақиқатга эришишнинг муҳим қонуниятидир. Оддий муҳокама юритишдан тортиб илмий - назарий билимларга эришиш мана шу қонуният, тамойилларга риоя қилишни талаб этади. Далиллаш қуйидаги бир-бири билан боғлиқ вазифаларни бажаради:

- 1) фикрнинг хато ва чинлигини асослаш ;
- 2) ҳақиқатга эришиш;
- 3) эътиқодни шакллантириш;
- 4) кишиларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш.

Далиллаш чин билимларга эришиш, илмий назарияларни шакллантиришнинг усули бўлиш билан биргаликда муайян қараш, ғояларни кишилар эътиқоди, фаолиятлари мотивига айлантиришнинг муҳим воситаси бўлиб ҳисобланади. Шунга кўра далиллаш жараёнида ижтимоий, психологик лингвистик омиллар муҳим роль ўйнайди.

Далиллашда тафаккурнинг қонун-қоидалари ва шаклларининг тамойиллари ўзаро бирликда қўлланилади ва бу асосан фикрнинг чин ёки хатолигини асослашга қаратилган бўлади.

### **Далиллаш деб мухокама, илмий тахмин, қарашларни бевосита ва воситали асословчи мантикий усулга айтилади.**

Далиллаш янги назарий билимларнинг ҳосил қилиниши ҳамда кишиларда иймон-эътиқод, дунёқарашнинг шаклланишида муҳим роль ўйнайди. Дарҳақиқат, ҳар қандай илмий назариялар асосланилган билимлар тизимиdir. Шунингдек, ҳеч бир эътиқод, дунёқараш йўқки, у далиллашни тақозо этмаган бўлсин.

Маълумки, ҳар қандай назарий билимлар тизими- фанлар текширилаётган нарса, ҳодисанинг сабабини аниқлаш орқали юзага келади. Абу Наср Форобий ўзининг «Ихсо ал-улум» («Илмларнинг келиб чиқиши») номли рисоласида ҳар бир фан соҳаси, илмий билимлар оламдаги субстанция (жавҳар) ва (ораз) сабабларини далиллаш эҳтиёжи юзага келгандан кейин шаклланишлигини таъкидлайди.<sup>15</sup>

Далиллаш, айниқса, кишиларда иймон-эътиқод, дунёқарашини шакллантиришда белгиловчи роль ўйнайди. Эътиқод -бу кишиларнинг у ёки бу ғоя, қарашлар хақидаги тасаввурлари, фаолиятларининг ички мотивига, туйғусига айланган, ботинлашган билимларидир..

Эътиқод кишиларнинг ор-номуси, иймони билан боғлиқдир. Шунинг учун кўплаб кишилар ўз эътиқодлари йўлида қурбон бўлишни шараф деб биладилар. Эътиқод асосини ташкил этувчи қараш, ғоялар шунчалик чин ва хатолик мезони билан ўлчанмайди, чунки улар кишилар учун қадриятли аҳамиятга молик бўлади. Шунга кўра улар кишилар томонидан ҳиссий билиш ҳамда онги, тафаккури ўз-ўзига қаратилиши даражасида идрок этилади. Эътиқод ҳар қандай дунёқарашнинг негизи ҳисобланади. Шунга кўра у диний, фалсафий ва назарий эътиқодларга ажралади. Лекин эътиқод

<sup>15</sup> Қаранг: «Форобий Абу Наср..Илмларнинг келиб чиқиши тўғрисида. //Фозил одамлар шахри.Тошкент, Абдулла Қодирий номли халқ мероси нашриёти. 1993, 175-бет.

қандай шакл, кўринишида бўлмасин, унинг шаклланиши бевосита мантиқий омил билан шартланган бўлади.

Коммунистик мафкура ҳомийлари узоқ йиллар мобайнида диний эътиқодга қарши кураш олиб бордилар ва бунда унга фан, илмни қарши кўйдилар. Аникроғи, фандан худонинг йўқлигини асословчи восита сифатида фойдаланишга уринадилар.

Лекин кишилик тарихида фан динга зид бўлмаган, балки ўзаро диалектик бирликда ривожланган, шаклланган.

Германиялик олим Динард инсоният маданиятига улкан ҳисса қўшган 290 нафар олимнинг фикрини ўрганиб чиқиб, қуйидагини аниқлаган: 290 кишидан 20 киши ҳеч бир аниқ эътиқодга эришмаган, 242 киши худога ишонувчи, факат уларнинг 20 таси дин билан қизиқмаганлар.

Хозирги замон фани микро ва макроолам сарҳадига қанчалик чуқур кириб борар экан, унинг мўъжизаларига янада кўпроқ дуч келмоқда. Баъзи илм аҳллари бундай мўъжизалар олдида лол қолганлари ҳолда, ўзларининг эътиқодларини ҳам ўзгартирадилар-дахрийликдан қайтиб Худонинг бараҳақлигига иймон келтирадилар. Бу ўринда инсоният тарихида биринчи бўлиб Ой сатҳига қадам қўйган америкалик астронавт Нейл Армстронгнинг насронийликдан кечиб мусулмонликни қабул килганини кўрсатиш характерлидир. (Бу ҳақида батафсил қаранг; "Илоҳий мўъжизалар". Тошкент, "Чўлпон", 1995, 26 -бет.)

Кишиларимизда, хусусан, ёшларда миллий ғояни иймон-эътиқод даражасида шакллантириш талаб этиладики, бу мураккаб вазифанинг бажарилишида далиллаш мантиқий усули энг муҳим восита бўлиб хизмат қиласди. Бугунги кунда миллий ғоя, мафкурани ҳар бир жамият аъзосининг қалби ва онгига сингдириш, дунёқарашига айлантириш муҳим вазифалардан ҳисобланади.

И.А Каримов «Туркистон» газетасининг мухбири саволларига берган жавобида мафкура, маънавиятнинг моҳиятини изоҳлаб берар экан, бунда энг муҳими мустақиллик ғоясини кишилар онги ва қалбига сингдириш эканлигини алоҳида таъкидлайди. Зотан, деб кўрсатади Президентимиз, мустақиллик ғояси асосида иймон-эътиқодли, мустақил фикрловчи, фидокор комил инсон маънавиятини шакллантириш муаммоси ётади.<sup>16</sup>

---

<sup>16</sup> Қаранг: «Туркистон» газетаси, 1999, 2-феврал, 1-бет.

Мазкур вазифа барча ижтимоий институтлар, давлат ва нодавлат ташкилотлари, ўрта ва олий мактаб ва бошқа тизимлар фаолиятининг ўзаро ҳамкорлигига амалга ошириладики, бунда далиллаш тамойилига асосланиш талаб этилади. Чунки ҳар қандай ғоя, қарашларнинг чин, ҳақиқатлиги далиллаб берилгандагина улар кишиларнинг ишонч, эътиқодига, фаолиятининг мотиви, мақсадига айланадилар.

Исботлаш ва рад этиш далиллашнинг мантиқий асосини ташкил этади. Бунда фақат мантиқий жиҳат ҳисобга олингани ҳолда далиллашнинг бошқа (ижтимоий, психологик, лингвистик) омиллари фикран соқит қилинади. Шунинг учун у ёки бу қараш, ғоялар, гарчи мантиқан асосланиб берилса-да, кишиларнинг эътиқодларига айланмаслиги мумкин ва, аксинча, мантиқан асосланмаган билимлар кишилар амалий фаолиятлари учун дастуриламал сифатида амал қилиш мумкин.

## 2§. Исботлаш, унинг таркиби ва турлари.

**Исботлаш** деб берилган ҳукмнинг чинлиги бошқа чин ҳукмлар ёрдамида асосланувчи мантиқий усулга айтилади. Бунда берилган ҳукмнинг чинлиги келтирилган далил- ҳукмларнинг чинлигидан мантиқан келтириб чиқарилади.

Исбот уч таркибий элементдан ташкил топган бўлади: **тезис, асослар(аргументлар), намойиш этиш -исботлаш усули.**

**Тезис** (грекча тхесис- қоида, фикр) -бу чинлиги асосланиши талаб этиладиган муҳокамадир. Тезис сифатида назарий ва амалий аҳамиятга молик муаммовий ҳукмлар олинади. Бундай аҳамиятга эга бўлмаган, шунингдек, аксиоматик тарздаги муҳокамаларни исботлашнинг кераги бўлмайди. Масалан: "Балиқ сувда яшайди", «Амударё-Марказий Осиёдаги дарё» ҳукмларини тезис сифатида қабул қилиб бўлмайди. Агар уларни "Окун балиғи чучук сувда яшайди», «Амударёнинг суви йил сайин камайиб бормоқда» ҳукмларига айлантиrsак, улар тезис мақоматини олади.

Тезис исбот этишнинг бош элементи ҳисобланади, чунки исботлашнинг сўнгти мақсади- берилган тезиснинг чинлигини асослашга қаратилган бўлади. Тезисни аниқ ифодалаш, илгари суриш, ва уни асослай билиш мантиқий фикр юритишнинг муҳим шарти ҳисобланади. Муҳокама юритишдаги ноаниқлик, мавҳумлик, зиддиятлилик кўпгина ҳолларда ана шу шартнинг бузилиши натижаси ўлароқ содир бўлади. Ифодаланётган фикр мазмуни ва муҳокама тизимида тутган мавқеига қўра тезис бош ва иккинчи даражали бўлади.

Бош тезис — бу муҳокама тизимидағи исбот этилиши талаб этиладиган асосий фикр бўлиб, унинг мазмуни иккинчи даражали тезисларнинг асосланиши орқали очилади. Иккинчи даражали тезис деб бош тезисга бўйсунувчи ва чинлиги мустақил тарзда асосланиши талаб этадиган муҳокамага айтилади. Иккинчи даражали тезислар муайян, концепция, нуқтаи-назарларнинг асосланишида илгари сурилади. Ва бунда улар бош тезисни асослаш учун хизмат қиласди. Мисол тариқасида И.Каримовнинг 25 июль 1996 йил Вазирлар маҳкамасида сўзлаган нутқини олиб қарайлик. Мазкур нутқда илгари сурилган бош тезис: "Ўзбекистон Республикасида туб бурилиш юз берди ва унинг иқтисодиётида жадал ўсиш даври бошланди" қуйидаги иккинчи даражали тезисларнинг асосланиши орқали исбот этилади.

1. Иқтисодиётизни муваффакиятли ислоҳ этишнинг энг муҳим натижаси бўлмиш мустаҳкам макроиқтисодий барқарорликка эришилди.
2. Миллий валютамиз, сўмимиз мустаҳкамланди.
3. Хусусийлаштириш жараёни чуқурлашди ва кенгайди.
4. Мўлжалланган инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш натижасида иқтисодиётда таркибий ўзгаришлар юз берди.<sup>17</sup>

Муҳокама юритишида бош тезисни белгилаш ва ундан иккинчи даражали тезисларни келтириб чиқариш исбот этиш жараёнининг зарурий шартидир.

Далил (*лотинча аргументум*) мантиқий асос- тезиснинг чинлигини асословчи муҳокамалардир. Далилда тезисда ифодаланёттан натижа, оқибатнинг мантиқий асоси кўрсатилади. Масалан: "Аристотель-дуалист файласуф" (тезис), "Чунки у моддий ва руҳий субстанция (жавҳаларни) тенг аҳамиятга эга бўлган ибтидолар деб ҳисоблайди". (аргумент).

---

<sup>17</sup>Қаранг: "Халқ сўзи" газетаси, 26 июль, 1996 йил, 1-бет.

Исботлашда аргумент вазифасини амалиётда аниқланган билимлар ўтайди. Шунга кўра фактлар, тарифлар, қоидалар, аксиома, постулатлар, илмий назариялар аргументлар сифатида келтирилади.

Фактлар-бу чинлигига ҳеч қандай шак-шубҳа бўлмаган билимлардир. Рус физиологи П.П.Павлов фактларнинг илмий билишдаги роли ҳақида шундай деб ёзган: "Фактлар олим учун ҳаводир. Усиз парвоз қилиш мумкин эмас". Фактлар ашёвий, рақамли (статистик маълумотлар) ва бошқа шаклларда бўлади.

Фактлар инкор этишда ҳам муҳим далил ҳисобланади. Исботда берилган тезиснинг чинлиги кўпинча инкор - рад орқали кўрсатилади, бунда асосан фактларга мурожат этилади. Бу ҳақида кейинроқтўхталамиз.

Исбот этиш ўз моҳиятига кўра муҳокамалардан янги муҳокамаларга мантиқан ўтиш ҳисобланади, бунда уларнинг таъриф-қоидалар тарзидаги ҳукмлар бўлишилиги талаб этилади. Масалан: "Вертикал бурчаклар тенг" деган теорема (тезисни) исботлашда биринчи галда "Вертикал бурчак" тушунчасининг таърифига: "Агар икки бурчакдан бирининг томонлари иккинчи томонларининг тўлдирувчи ярим тўғри чизиқлари билан бўлса, бу икки бурчак вертикал бурчак дейилади"га таянилади.

Аксиома (грекча ахиома-шуҳбасиз), постулат (лотинча постулатум - талаб даражаси) ўзгармас ҳақиқат даражасидаги билимлардир. Шунинг учун улардан исбот этишда асосий далиллар сифатида қўлланилади. Аксиома, постулатлар амалиётда қайта-қайта синаб кўрилган, умумий қоида сифатида қабул қилинган билимлардир. Ҳар бир фан ўз аксиома, постулатларига эга бўлиб, (масалан, математикада аксиомалар вазифасини чинлиги исботланган формулалар, геометрияда теоремалар ўтайди) улар воситасида яна янги формула ва теоремалар ҳосил қилинади.

Ижтимоий фанлар соҳасида кишилик тараққиётининг барча этапларида синалган ва умумий қонуният мақоматини олган тамойиллар аксиомалар сифатида қабул қилинади. Масалан: "Бозор иқгисоди-жамият тараққиётининг бош омили", деган тамойил аксиоматик характерига эга бўлиб, у бугунги кунда собиқ социалистик мамлакатлар ўзларининг тараққиётини мазкур тамойил асосида амалга ошироқдалар.

**Исботлаш усули – демонстрация** тезис билан аргументлар ўртасидаги мантиқий алоқадан иборат. У хulosа чиқариш шаклида бўлади, яъни тезис аргументлардан хulosа сифатида мантиқан келтириб чиқарилади.

Исботлашнинг икки тури мавжуд: бевосита исботлаш, бавосита исботлаш. **Бевосита исботлашда** тезиснинг чинлиги тўғридан-тўғри аргументлар билан асосланади, унда тезисга зид бўлган ҳукмлардан фойдаланилмайди. Тезис кўп ҳолларда якка ҳодисани ифода қилиб келади ва маълум бир умумий билимдан, масалан, қонундан аргумент сифатида фойдаланилиб, унинг чинлиги асосланади. Масалан, «Ўзбекистон – мустақил давлатдир», деган ҳукм (тезис)нинг чинлиги «Ўзбекистоннинг мустақил давлат деб эълон қилиниши, унинг халқаро миқёсда эътироф этилиши» каби асослар ёрдамида исботланади.

**Бавосита исботлашда** эса тезиснинг чинлиги унга зид бўлган ҳукмнинг (антитетиснинг) хатолигини кўрсатиш орқали асосланади. Антитетис қандай шаклда ифодаланган бўлишига қараб апагогик исботлаш ва айирувчи исботлаш фарқ қилинади. **Апагогик исботлаш** тезис (а) ва антитетис (а) ўртасидаги муносабатга асосланади. Масалан, «Материя ҳаракатсиз мавжуд эмас», деган ҳукмнинг чинлигини асослаш учун унга зид бўлган «Материя ҳаракатсиз мавжуд», деган ҳукм олинади.

Апагогик исботлашда антитетис топилиб (1-босқич), вақтинча чин деб қабул қилинади ва ундан маълум бир натижа келтириб чиқарилади (2-босқич), сўнгра бу натижаларнинг хатолиги кўрсатилади (3-босқич) ва демак, тезиснинг чинлиги исботланади. Масалан, «Материя ҳаракатсиз мавжуд», деган ҳукм чин бўлса, «Моддий предметлар структурасиз мавжуд», деган фикр (антитетисдан келиб чиқсан натижа) ҳам чин бўлади. Бизга маълумки, моддий предметлар таркибсиз (уни ташкил қилувчи элементлар ва уларнинг ўзаро алоқасисиз) мавжуд эмас. Демак, «Материя ҳаракатсиз мавжуд», деган фикр хато, шу тариқа «Материя ҳаракатсиз мавжуд эмас», деган фикрнинг чинлиги асосланади.

**Айирувчи исботлашда** тезис соф айирувчи ҳукмнинг (кучли дизъюнкциянинг) бир аъзоси бўлиб, унинг чинлиги бошқа аъзоларининг (антитетиснинг) хатолигини кўрсатиш орқали асосланади. Масалан, “Жиноятни ё А, ё В, ё С шахслар содир этган”, деган фикр текширилиб, «Жиноятни В шахс ҳам, С шахс ҳам содир этмаган”лиги аниқланади ва шу тариқа «Жиноятни А шахс содир қилган», деган ҳукмнинг чинлиги асосланади. Бу мисолда айирувчи исботлаш айирувчи – қатъий силлогизмни инкор этиб, тасдиқловчи модуси бўйича қурилган. Айирувчи исботлашда барча муқобил вариантлар тўлиқ олингандагина холоса чин бўлади, яъни тезис исботланади.

### **3. Раддия. Рад этиши усуллари.**

**Раддия** – исботни бузишга қаратилган мантиқий амал.

Бирорта фикрнинг чинлигини рад этиш айни пайтда унга зид бўлган фикрнинг хатолигини кўрсатишдан иборат бўлганлиги учун раддияни исботлашнинг хусусий кўриниши, деб ҳисоблаш мумкин. Раддия ҳам исботлаш каби тезис (рад қилиниши лозим бўлган ҳукм), аргументлар (тезисни рад қилувчи ҳукмлар) ва демонстрация (рад этиш усули) дан ташкил топган бўлади. Раддия бирорта масалани муҳокама қилиш, яъни баҳс,

мунозара жараёнида учрайди. Баҳс қатнашчиларидан бири маълум бир тезисни илгари суриб, уни ҳимоя қиласа (пропонент), бошқаси унга қарши чиқади (оппонент). Ҳал қилинмаган, мунозарали масалалар бўйича олиб бориладиган баҳслар **полемика** ҳисобланиб, унда қарама-қарши тезислар асосланибина қолмай, балки танқидий анализ ҳам қилинади.

Раддия уч хил усул билан амалга оширилади:

И Тезисни рад этиш

ИИ Аргументларни рад этиш

ИИИ Демонстрацияни рад этиш.

### ***И. Тезисни рад этиши.***

Тезисни рад этишнинг қўйидаги усуллари мавжуд:

1. Фактлар орқали рад этиш. Бу энг ишончли ва самарали усулдир. Бунда бўлиб ўтган воқеалар, статистик маълумотларга асосланиб тезис рад этилади. Масалан, «Совет даврида Ўзбекистон тўлақонли мустақил республика бўлган», деган тезисни рад этиш, яъни унинг нотўғри эканлигини исботлаш учун тарихий фактларга асосланамиз. Ўша даврда республика раҳбарияти бирорта муҳим масалани Москванинг рухсатисиз ҳал қила олмаганлигига далиллар келтириб, тезисни рад этамиз.

2. Тезисдан келиб чиқадиган натижаларнинг хатолигини (ёки зиддиятли эканлигини) қўрсатиш орқали рад этиш. Бунда тезисдан келиб чиқадиган натижаларнинг чин эмаслиги асослаб берилади. Бу усул «бемаънилика олиб келиш», деб аталади. Рад этилаётган тезис вақтинча чин деб тан олинади, ундан келиб чиқадиган натижалар аниқланаби, бу натижаларнинг ҳақиқатга зид, нотўғри эканлиги исботланади. Чин асосдан хато натижа келиб чиқмайди, акс ҳолда бу bem'aъniliq bўлади. «Бемаънилика олиб келиш» усулининг формуласи қўйидагича( $a \rightarrow b \rightarrow ((a \rightarrow b) \rightarrow a)$ )

3. Тезисни антитезисни исботлаш орқали рад этиш. Рад этилаётган тезисга зид бўлган янги тезис (антитетис) олинади ва исботланади. Учинчиси истисно қонунига мувофиқ, антитетиснинг чинлигидан тезиснинг хатолиги келтириб чиқарилади. Масалан, Президентимиз И.А. Каримов «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» номли мақоласида «Амир Темур буюк саркарда бўлган ва ёвузликлар қилган», деган тезисни шундай рад этади: «Инсон бир пайтнинг ўзида ҳам бунёдкор, ҳам ёвуз бўлиши мумкин эмас. Не-не мадрасаю масжидлар, олий кошоналарни қурган, не-не олиму фузалоларнинг бошини силаган, Куръони каримни ёд билган инсон ёвуз бўлмайди. Қонхўр одам «Куч – адолатда», дейиши мумкинми?»

### ***ИИ. Аргументларни рад этиши.***

Тезисни исботлаш учун оппонент томонидан келтирилган аргументлар танқид қилиниб, уларнинг хатолиги ёки тезисни исботлаш учун етарли эмаслиги аниқланади.

Аргументларнинг хатолиги тезиснинг ҳам хато эканлигини исботламайди, бунда тезис чин бўлиши ҳам мумкин:

Аргументларни рад этиш орқали тезиснинг исботланмаганлиги асослаб берилади.

### ***ИИИ. Исботлаш усулини танқид қилиши орқали рад этиши.***

Рад этишнинг бу усулида исботлашда йўл қўйилган хатолар аниқланади. Бунда рад этилаётган тезиснинг чинлиги уни асослаш учун келтирилган аргументлардан бевосита келиб чиқмаслиги асослаб берилади. Исботлаш усулида йўл қўйилган хато аниқланганда тезис рад этилмайди, уни қайта исботлаш талаб қилинади.

Рад этишнинг юқорида кўрсатилган усуллари кўпинча биргаликда, бир-бирини тўлдирган ҳолда қўлланади.

#### ***4. Исботлаш ва рад этиши қоидалари, улар бузилганда келиб чиқувчи мантиқий хатолар***

##### **Тезисга алоқадор қоидалар:**

1. Тезис мантиқан аниқ ва равshan бўлиши керак. Бу қоида бузилса, исботлаш ёки рад этиш ўзининг аниқ предметига эга бўлмай қолади, уни амалга оширишга уриниш беҳуда иш ҳисобланади.

2. Тезис исботлаш ёки рад этиш давомида бошидан охиригача ўзгармаслиги керак. Бу қоида бузилса, «тезисни алмаштириш» деган хато келиб чиқади.

##### **Аргументларга нисбатан қоидалар:**

1. Тезисни асослаш учун келтирилган аргументлар чин ҳукмлар бўлиши ва бир-бирига зид бўлмаслиги лозим.

2. Аргументлар тезисни асослаш учун етарли бўлиши керак.

3. Аргументлар тезисдан мустақил ҳолда чинлиги исботланган ҳукмлар бўлиши лозим.

##### **Исботлаш усулининг қоидаси:**

1. Тезис аргументлардан мантиқий тарзда келиб чиқадиган хulosса бўлиши лозим. Бунинг учун исботлаш ёки рад этишда хulosha чиқариш қоидаларига риоя қилиш зарур.

Исботлаш ва рад этиши қоидаларининг бузилиши мантиқий хатоларга олиб келади ва улар уч турга бўлинади:

##### **И. Исботланаётган тезисга алоқадор хатоликлар:**

1. Тезисни алмаштириш. Тезис исботлаш ёки рад этиш давомида ўзгармаслиги шарт, деган қоиданинг бузилиши тезиснинг алмаштирилишига сабаб бўлади. Тезис атайлаб ёки билмасдан бошқа тезис билан алмаштирилади ва бунда янги тезис исботланади ёки рад этилади. Тезис мазмунининг торайиши ёки кенгайиши ҳам баҳс жараёнида тезиснинг ўзгаришига олиб келади. Масалан, республикамиз тараққиёти учун миллий мафкура, миллий ғоянинг аҳамияти тўғрисидаги тезисни исботлаш давомида умуман жамиятга мафкура керакми ёки йўқми, деган масалани исбот этишга ҳаракат қилинса, унда тезиснинг мазмuni кенгайиб кетади ва тезис алмашинади.

2. Инсоннинг шахсий сифатини баҳона қилиб тезисни алмаштириш. Баҳс жараёнида мавзудан четга чиқиб, оппонентнинг шахсий, ижтимоий ҳаёти, яхши фазилатлари ёки камчилклари хусусида фикр юритиб, шу асосда тезисни исботланган ёки рад этилган, деб таъкидлаш тезиснинг

алмашинишига сабаб бўлади. Бундай хатога атайлаб йўл қўйилади. Тингловчиларнинг ҳис-туйғуларига таъсир қилиш орқали исботланмаган тезиснинг чин деб қабул қилинишига уриниш ҳам тезисни алмаштириш ҳисобланади.

3. Ортиқча ёки кам исботлашга уриниш натижасида тезиснинг алмашиниши. Фикр ортиқча исботланса, берилган тезис ўрнига ундан кучлироқ тезисни исботлашга ҳаракат қилинади. Агар А ҳодисадан В келиб чиқса, лекин В ҳодисадан А келиб чиқмаса, унда А ҳодисани ифодаловчи тезис В ҳодисани ифодаловчи тезисдан кучлироқ бўлади. Масалан, «А шахс биринчи бўлиб жанжални бошламаган» деган тезис (В) ўрнига, «А шахс умуман жанжал бўлган ерда йўқ эди» деган тезисни (А) исботлашга ҳаракат қилинади. Иккинчи тезисни исботлаб бўлмайди, чунки А шахснинг жанжалда қатнашганлигини кўрган гувоҳлар бор.

### **ИИ. Аргумент (асос)ларга тааллуқли хатолар:**

1. Асосларнинг хатолиги. Тезис исботланганда ёки рад этилганда хато аргументларга чин деб асосланиш натижасида атайлаб ёки билмасдан мантиқий хатога йўл қўйилади. Масалан, қадимги грек файласуфи Фалес ўз таълимотини ҳамма нарса сувдан пайдо бўлган, деган фикрга асосланиб яратган.

2. Асосларни аввалдан тахминлаш шаклидаги хато. Тезис исботланмаган аргументларга асосланса, бундай аргументлар тезиснинг чинлигини исботламайди, балки тезиснинг чинлиги тахминланади, холос.

3. «Айланма исбот этиши» деб номланувчи хато. Тезиснинг чинлиги аргументлар орқали, аргументларнинг чинлиги тезис орқали исботланса мантиқий хатога йўл қўйилади. Масалан, «Сўзнинг қудрати фикр билан ўлчанади», деган тезисни «Фикрнинг қудрати сўз билан ўлчанади», деб исботласак, юқорида айтилган хатога йўл қўйилади.

### **ИИИ. Исботлаш усули (демонстрация) билан боғлиқ хатолар.**

1. «Ёлғон (сохта) исботлаш». Агар тезис уни исботлаш учун келтирилган аргументлардан бевосита келиб чиқмаса, мантиқий хатога йўл қўйилади. Бунда тезисга алоқадор бўлмаган аргументларга асосланилади. Масалан, «А шахс ёмон одам», деган тезис «Тунда ёмон одамларгина кўчада юради», «А шахс кўчада тунда юрибди» деган аргументлар билан асосланса, фикр юзаки (сохта) исботланган бўлади.

2. Шартланган фикрдан шартланмаган фикрга ўтиш. Муайян вақт, муносабат доирасида чин бўлган (шартланган) фикрни, доимий, ўзгармас чин фикр деб қабул қилиш натижасида мантиқий хатога йўл қўйилади.

3. Хулоса чиқариш қоидаларининг бузилиши билан боғлиқ бўлган хатолар:

а) дедуктив хулоса чиқаришда учраши мумкин бўлган мантиқий хатолар. Бу ҳақда дедуктив хулоса чиқариш мавзусида батафсил маълумот берилган;

б) индуктив хулоса чиқаришда учраши мумкин бўлган мантиқий хатолар. Булар «шошиб умумлаштириш» ва «ундан кейин, демак, шунинг учун», деб аталувчи хатоликлардир. Масалан, бир-икки талабанинг дарсга

масъулиятсизлик билан муносабатда бўлишини умумлаштириб, «ҳамма талабалар масъулиятсиз», деб таъкидлаш хатодир;

в) аналогияда учраши мумкин бўлган мантиқий хатолар. Булар «ёлғон аналогия» билан боғлиқ хатолардир. Унда тасодифий белгининг зарурий деб олиниши, фақат биргина ўхшаш белгига асосланиши ёки мутлақо таққослаб бўлмайдиган ҳодисаларнинг ўзаро таққосланиши натижасида фикрда чалкашликлар юзага келади.

Мантиқий хатолар тафаккур қонунларини бузиш, хулоса чиқариш қоидаларига амал қилмаслик натижасида юзага келади. Мантиқ тарихида исботлаш жараёнида атайлаб (қасдан) хатога йўл қўювчилар – **софистлар**, уларнинг таълимоти эса **софизм** (грек. – айёрлик) деб аталади. Фикр юритиш жараёнида билмасдан мантиқий хатога йўл қўйилса, **паралогизм** дейилади. Чинлигини ҳам, хатолигини ҳам бирдай исботлаш мумкин бўлган фикрлар эса **парадокс** деб аталади.

**Далилларга доир қоидаларетарли асос қонунининг талблари билан белгиланади.** Бу шу билан изоҳланадки, исбот ва рад этиш бу берилган муҳокаманинг чин ёки хатолигини асослашдир.

1. Далилларчинлиги амалиётда аниқланган билимлар бўлиши зарур. Хато далиллар билан тезисни исбот ва рад этиб бўлмайди. Мазкур қоиданинг бузилиши иккита мантиқий хатоликка олиб келади: "асосий янгилишиш" ва "асосни олдиндан пайқаш".

"Асосий янгилишиш" (лот: етгог тундаментаис) хатолигининг моҳияти шундаки, келтириладиган далиллар хато, нотўғри бўлади. Масалан, Клавдий Птоломей (эрамизгача 90-160 йиллар) дунёning тузилиши ҳақидаги

қарашларини "Куёш Ер атрофида айланади", "Ер ҳаракатсизdir", деган далиллар билан асослайди.

"Асосни олдиндан пайқаш" (лотинча петитио принсиби) шундай мантиқий хатоликки, унда айрим таникли, номдор шахсларнинг (авторитетларнинг) фикрлари, ҳали тўласинча тасдиқланмаган фактлар, кишилар орасида юрган мишиш гаплар далиллар сифатида келирилади.

2. Далиллар тезисни етарли даражада асослай олмоғи зарур. Мазкур қоиданинг бузилиши "келиб чиқмайди", деган (лот. поп сегуиур) деган мантиқий хатоликка олиб келади. Бунда келтириладиган далиллар муайян даражадаги чин билимлар бўлса-да, лекин улар тезисни тўлиқасослаб бераолмайди. Масалан: Ҳозирги пайтда кечеётган жаҳон- иқтисодий инқирознинг сабабларини айрим Ғарб мутахассис, экспертлари асосан молия-банк тизимида йўл қўйиладиган нуқсон, камчиликлардир, деб

асослашга ҳаракат қылмоқдалар. Лекин мазкур инқирозни келтириб чиқарған бошқа бир қанча омиллари борлигини Президентимиз кўрсатиб беради.<sup>18</sup>

**3. Далилларнинг чинлиги мустақил, тезисга боғлиқ бўлмаган ҳолда исбот этиладигаи бўлиши керак.** Ушбу қоиданинг бузилиши натижасида "фикрнинг бир доирада айланиши" (лот. сирсулус итжосус) деган мантиқий хатолик юзага келади. Ушбу хатоликнинг моҳияти тезиснинг далиллардан, далилларнинг эса тезисдан келтириб чиқаришлиги билан изоҳланади Масалан, "Фейербах- материалист" деган тезис "Материализм идеализмга муқобил фалсафий оқим. Фейербах ана шу оқим вакилидир" тарзида асосланиладиган бўлса, фикрнинг бир доирада айланишига йўл қўйилган бўлади.

Материализмнинг фалсафий оқим сифатидаги тамойиллари кўрсатилган пайтдагина мазкур тезис мустақил исбот этилган бўлади.

**Исботлаш усулига(намойиш этишга) оид қоидалар.** Юқорида кўриб ўтганимиздек, исботлаш усули далилларнинг тезис билан мантиқий боғланиши усули бўлиб, мазкур боғланиш хulosса чиқариш шаклида бўлади. Шунга кўра хulosса чиқаришнинг умумий ва хусусий қоидалари намойиш этишга ҳам оид қоидалар ҳисобланади. Масалан, "Эҳтимол" сўзи мустақил сўздир", деган тезисни: "Агар сўзлар мустақил бўлса, унда гап бўлаги бўлиб келади. "Эҳтимол" сўзи гап бўлаги ўрнида келади", деган далиллар бўйича исбот этиб бўлмайди. Чунки бунда шартли-қатъий хulosса чиқаришнинг "натижани тасдиқлашдан асосни тасдиқлашга ўтиш мумкин эмас" деган қоидаси бузилган.

Исботлаш усулида хulosса чиқариш қоидаларига амал қилмаслик асосан икки хил мантиқий хатоликка йўл қўйишга олиб келади. 1. Жузъийликнинг хусусиятини умумийликка кўчириш, яъни асослардан шошилиб хulosса чиқариш. 2. Асосдаги атамаларнинг кенгайтирилиши (лот.: қуатернио терминорум).

Биринчи хил хатолик "мантиқий квадрат" бўйича чиқариладиган хulosса қоидаси, яъни бўйсунувчи жузъий ҳукмларнинг чинлигидан бўйсундирувчи умумий ҳукмларнинг чинлиги келтириб чиқармаслик керак, деган қоида бузилганда, шунингдек, тўлиқсиз индукция қўлланилганда рўй беради. Бунга мисол қилиб Гидлян ва Иванов деган кимсаларнинг 80-йилларнинг охирларида Республикамиздаги баъзи туманлардаги пахта

<sup>18</sup> Қаранг: Ислом Каримов. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Т., "Ўзбекистон", 2009, 5-бетлар.

тайёрлаш давлат режасини тўлдириш масаласи билан боғлиқ камчиликларни аниқлаш асосида "ўзбеклар иши" деган тухмат билан халқимизнинг номини қора қилмоқчи бўлганликларини келтириш мумкин. Бунда улар баъзи раҳбарларнинг бу борадаги айбини бутун бир халқнинг айби сифатида кўрсатишга ҳаракат қилган эдилар.

Намойиш этишдаги иккинчи хатоликка асослардаги атамаларнинг ҳажман кенгайтирилиши ёки торайтирилиши, турли маънода қўлланиши натижасида йўл қўйилади. Масалан, "фан" тушунчаси шу тарзда қўлланилганда муҳокама юритишда шундай хатолик келиб чиқади. Бунда муҳокама юритиш қуидагича бўлиши мумкин::

1. Фан ижтимоий онг шаклидир. Космология- фандир. Демак, космология ижтимоий онг шаклидир.

2. Фан-ижтимоий онг шакли. Санъат- ижтимоий онг шакли. Демак, санъаг фандир.

Ушбу муҳокама хулосалари хатодир, чунки космология ижтимоий ҳаётга алоқаси бўлмаган илм соҳасидир. Шунингдек, санъат фандан фарқ қиласиган ижтимоий онг шаклидир.

Исботлаш ва инкор этиш жараёнида у ёки бу мантиқий хатоликка билмаган ҳолда ва қасдан, англашилган тарзда йўл қўйилади.

**Паралогизм.** (юон. парапогисмост- нотўғри мулоҳаза) муҳокама юритишда англамасдан, бехосдан йўл қўйиладиган хатоликдир. Бундай хатолик мантиқий қонун-қоидаларнинг бузилиши туфайли рўй беради. Халқимиз аввал-азалдан сермулоҳазалик, теран мушоҳада юритишни кишининг энг муҳим фазилати сифатида баҳолаб келганлар. "Олдин ўйла, кейин сўйла", "Етти ўлчаб бир кес", "Ўйламай гапирган оғримасдан ўлади", "Овсар дўстдан зийрак душман афзал" каби халқ мақоллари шу боис яратилгандир.

**Софизм** (юон. сопхиса-айёрлик) мантиқий ҳийла бўлиб, бунда уйдурма, ёлғонлар чин, ҳақиқат тарзида кўрсатилади. Бунда софистлар мантиқнинг қонун, қоидалари ва усулларидан устакорлик билан фойдаланадилар. Бундан кўзда тутилган мақсад- ўз муҳолифларини қасдан мантиқий хатоликка, зиддиятли фикр юритишга- йўл қўйдиришdir.

Бу ўринда қадимги грек софистларининг мулоҳазаларидан айrim намуналар келтирамиз. "Бу кучукнинг болалари бор, демак, у ота. Аммо бу

сенинг кучугинг, Демак, у сенинг отанг. Сен уни ураётирсан, демак, сен ўз отангни ураётирсан".

"Үғри ёмон (кераксиз) нарсани олишни истамайди. Яхши нарсани олиш яхшидир. Демак, үғри яхшилик истайди." ва ҳакозо.

Софизмнинг асосий тамойиллари дастлаб қадимги Гречиядаги "диалектик мактаб" вакиллари- Протагор, Георгий, Продик ва бошқалар томонидан ишлаб чиқилади. Улар фалсафанинг асосий мақсади ҳақиқатни англаш, бунга эса баҳс-диалог асосида эришилади, деган принципга таянадилар. Лекин бу принцип кейинчалик унтилади ва "баҳс баҳс учун", деган тамойилга айланади. Софизмнинг асосий тамойиллари кейинчалик дорматизм (грекча -тидогма-ақида, қарор), эклектика ( грекча еклектикос -танламоқ) деб аталадиган оқимларнинг юзага келишида асос бўлиб хизмат қиласиди.

**Парадокс** (грекча рара -карши ва доха-фикр) зиддиятли мулоҳаза бўлиб, у бир пайтнинг ўзида ҳам чин, ҳам хато фикр сифатида англашилади. Мазкур зиддиятни формал мантиқ воситалари билан ҳал қилиб бўлмайди. Масалан, мантиқ илмида эрамизгача ИВ асрда яшаган қадимги грек. файласуфи, милетлик Евбулид томонидан илгари сурилган "Ёлғончи" номи билан аталадиган парадоксни олиб қарайлик.

Бир киши шундай дейди: "Мен ёлғон гапираётирман". Хўш у ёлғон гапираётирми, ёки рост? "У ҳам рост, ҳам ёлғон гапирди", деб айтиш мумкин. Дарҳақиқат, у агар алдаётган, ёлғон гапираётган бўлса, демак, у ёлғончи. Агар у алдамаётган бўлса, яъни ёлғон гапираётганлигини тан олаётган бўлса, унинг гапи ростдир.

Шунингдек , "бу ҳукм хатодир", десак, агар у ҳақиқатдан хато бўлса, хато, хатолиги чин бўлса чиндир.

Парадоксларнинг сабаби шуки, муҳокамалардаги атама (субъект ва предикат) ларнинг ҳажм ва мазмuni ноаниқ бўлади.

"Мен ёлғон гапираётирман" муҳокамасини олиб қарайлик. Бунда "ёлғон гапириш" тушунчасининг мазмuni ноаниқдир. Чунки у кишининг нима ҳақида ёлғон гапираётганлиги номаълумдир.

Агар бу аниқ кўрсатиладиган, конкретлаштириладиган бўлса, мазкур муҳокаманинг ҳеч қандай парадокслиги қолмайди.

Масалан, кимдир: "Мен Ой Ернинг табиий йўлдоши десам, хато (ёлғон) гапирган бўламан" деса, ҳақиқатдан мавжуд нарсани инкор этаётганлигини эътироф этиши маъносида унинг фикри чинdir.

Лекин у: "Мен Ой Ернинг табиий йўлдоши, деб ёлғон гапираётирман", деб айтса, унинг фикри хатодир. Чунки у мавжуд реалликни инкор этмоқда.

"Бу ҳукм хатодир", деган мулоҳазани ҳам худди шу тарзда- унинг атамаларини ҳажм ва мазмун жиҳатидан конкретлаштирилса, у ҳолда пародокслик бўлмайди.

Шуни таъкидлаш керакки, қадимданоқ файласуфлар парадоксларнинг сабабини аниқлашга ва уларни ҳал этишнинг мантиқий усувлари устида бош қотирганлар. Масалан, стоиклик мантиқшунос Хрисипп (эрэмизгача 281-208 йиллар) "Ёлғончи" парадоксига бағишлиб учта рисола ёзади. Ривоятларга кўра қадимги грек мантиқшунослари Диодор Кронос ва Филет Косскийлар ушбу парадокс ечими билан бутун умр шуғулланадилар ва бунга эриша олмагач, ҳаётларини ўз жонларига қасд қилиш билан тугатадилар.

Ҳозирги пайтда парадоксларни ечишнинг баъзи усувлари топилган бўлиб, улар асосан диалектик мантиқ тамойилларига таянилади.

Парадокслар фан соҳасидаги антиномияларни (грекча анти- қарама-қарши, ҳомос- қонун) ҳал этишга йўналтиради ва шу жиҳатдан билишда муҳим роль ўйнайди. Маълумки антиномиялар фикр юритишдаги зиддиятлар бўлиб, унинг ечими билиш жараёни таракқиётининг муҳим омили ҳисобланади. Мазкур зиддиятлар эса диалектик мантиқ тамойиллари асосида ҳал этилади. Масалан, қўйидаги антиномияларни формал мантиқнинг нозидлик ва учинчиси мустасно қонунининг талаблари бўйича ҳал этиб бўлмайди.

1) Оламнинг вақтда бошланиши бор ва у фазода чегараланган. Оламнинг вақтда бошланиши йўқ ва у фазода чегараланмаган.

2) Нарса, ҳодисалар доимий ўзгаришда. Нарса, ҳодисалар нисбий барқарорликда, ўзгаришсиз мажуд.

## НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

- Хукм турлари, уларнинг таърифи ва таснифи. **Таянч иборалар:** мураккаб, содда, мавжудлик, атрибутив-аниқловчи, муносабат, якка,

жузъий, умумий хукмлар, зарурий, бирлаштирувчи, айиравчы, шартли, шартсиз.

2. Таққосланадиган ва таққосланмайдиган хукмлар. Уларнинг боғланиш шартлари. **Таянч иборалар**: хукм, субъект ва предикат жиҳатлари.
  3. Сифишидиган ва сифишмайдиган хукмлар. Уларнинг ўзаро муносабатлари. **Таянч иборалар**: қарама-қарши хукмлар, чин ва хато хукмлар, зид муносабат.
  4. Алоҳида умумий белгилар. Мухим ва муҳим бўлмаган белгилар. Уларнинг нисбатлари. **Таянч иборалар**: буюмларнинг ўхшашлиги ва фарқи, хусусиятлари, умумий, якка, конкрет, моҳият, инъикос, объектив, сўз, тушунча.
  5. Таққослашнинг чинлигини топиш шартлари ва аҳамияти. **Таянч иборалар**: реал боғланиш, қиёслаш белгиси, бир хил белги, муҳим аҳамиятли белгилар, анализ, синтез, абстракциялаш.
  6. Тушунчаларнинг мазмуни ва ҳажми, уларнинг изоҳи. **Таянч иборалар**: нисбатли тушунча, нисбатсиз тушунча, нисбатдош тушунчалар мазмуни, тушунчалар ҳажми.
  7. Конкрет ва абстракт тушунчаларнинг таърифи ва таҳлили. **Таянч иборалар**: тушунча, тушунча мазмуни, реал буюм, конкрет, объектив, инъикос.
  8. Нисбатли ва нисбатсиз тушунчалар. Уларнинг мазмуни ва ифодалаш шартлари. **Таянч иборалар**: тушунча мазмуни, нисбатли тушунча, нисбатсиз тушунчалар, алоқадорлик, объективлик, инъикос.
  9. Тафаккур шакллари ва мантикий қонунлар. **Таянч иборалар**: Тафаккур, тафаккур шакли, тўғри тафаккур, чин фикр,
  10. Тафаккур қонунларининг умумий тавсифи. **Таянч иборалар**: қонун тушунчаси, тафаккур қонунлари, тафаккур қонунларининг хусусияти, тафаккурнинг ажралмас хислати.
  11. Айният қонуни. **Таянч иборалар**: Айният тушунчаси, айнанлаштириш, айният ва тафаккур, айният ва символлар.
  12. Зиддият қонуни. **Таянч иборалар**: Зиддият ва зиддиятсизлик. Зиддият ва нозидликни белгиларда ифодаланиши. Фикр ва зиддият.
- Учинчиси истисно қонуни. **Таянч иборалар**: Сон ва сифат. Истисно ва символлар

**5-Мавзу: Илмий муаммо тушунчаси. Мантикий таҳлил ва унинг структураси. Мантикий боғлиқлик.**

#### **РЕЖА:**

**1.Муаммо ва унинг тафаккур жараёнида тутган ўрни**

## **2. Фараз(гипотеза) ва унинг турлари**

Мантиқни ўрганишда манбалардан фойдаланиш масалалари. Маънавий ҳаётда мантиқниинг тутган ўрни.

### ***Муаммо ва унинг тафаккур жараёнида тутган ўрни***

Билишнинг мақсади қайд қилинган ҳодисаларнинг моҳиятини тушунтиришдан иборат. Буни ҳамма вақт ҳам мавжуд тасаввурлар, принциплар ёрдамида амалга ошириб бўлмайди. Билиш жараёнида маълум бир зиддиятлар, биринчи навбатда, мавжуд билимларимизнинг эришган даражаси билан янги билиш вазифаларини ҳал қилиш зарурияти ўртасида зиддият келиб чиқади, муаммоли вазият пайдо бўлади. Бундай зиддиятлар, айниқса, кундалик ҳаётимизда мураккаб вазифаларни ҳал қилиш, фанда эса туб бурилишлар даврида яққол намоён бўлади. Масалан, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида вужудга келадиган жуда кўп муаммоларни ечиш учун янгича ёндашиш тақозо этилади. Масалан, табиатшунослик фанида XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида радиоактивлик ҳодисасининг қайд қилиниши, электроннинг кашф этилиши, нурланишнинг квант хусусиятга эгалигининг асосланиши ва шу каби кашфиётлар натижасида муаммоли вазият вужудга келган. Унинг моҳиятини табиатшуносликнинг, биринчи навбатда, физиканинг мавжуд қонун ва принципларининг янги қайд қилинган ҳодисаларни тушунтириш учун етарли эмаслигига, деб билмоқ зарур.

Шуни ҳам айтиш керакки, илмий билишда муаммоли вазиятни фан тараққиётининг ички эҳтиёжлари ҳам келтириб чиқариши мумкин. Масалан, ҳозирги пайтда фанда синергетика ғоялари ва методларини тушунтириш, математикада аксиоматиканинг имкониятлари ва қўлланиш соҳаларини аниқлаш билан боғлиқ бўлган вазифаларни ҳал қилиш зарурияти бунга мисолдир.

Демак, муаммоли вазият мавжуд илмий тасаввурлар билан қайд қилинган янги фактлар ўртасидаги зиддиятнинг пайдо бўлиши ёки ана шу илмий тасаввурлар етарли даражада тизимга солинмаганлиги, яхлит бир таълимот сифатида асосланмаганлиги натижасидир.

Мана шундан келиб чиқиб, **муаммоли вазият** билиш тараққиётининг турли босқич ва бўғинларида олам ҳамда уни билиш ҳақидаги мавжуд тасаввурларни, билиш методи ва воситаларини ўзгартиришнинг объектив заруриятидан иборат, дейиш мумкин.

### ***Муаммони қўйши ва ҳал этиши***

Муаммоли вазиятни таҳлил қилиш янги муаммони юзага келтиради.

**Муаммо** – жавоби бевосита мавжуд билимда бўлмаган ва ечиш усули номаълум бўлган саволдир.

Шунинг учун ҳам муаммони қўйиш ва ҳал қилиш мавжуд билимларни қайта ишлаш, баъзи ҳолларда эса, ҳатто, улар доирасидан четга чиқиши, янгича ечиш усули, методларини қидириб топишни тақозо этади. Қандай муаммоларни илгари суриш ва муҳокама қилиш хусусиятини амалий фаолиятимиз ва билишимиз эҳтиёжлари белгилаб беради.

Муаммони муваффақиятли ҳал қилишнинг зарур шартларидан бири уни тўғри қўйиш ва аниқ баён қилишдан иборат. Тўғри қўйилган савол, В. Гейзенберг айтганидек, муаммони ечишнинг ярмидан кўпроғини ташкил этади.

Муаммони тўғри қўйиш учун муаммоли вазиятни аниқ тасаввур қилишнинг ўзи етарли эмас. Бунинг учун муаммони ҳал қилишнинг турли хил усуллари ва воситаларини ҳам олдиндан кўра билиш керак.

Муаммоларни қўйища кишиларнинг ҳаётий тажрибаси, билимлари ва қобилияти муҳим аҳамиятга эга бўлади. Одатда, кўп ҳолларда янги муаммолар илмий билишнинг у ёки бу соҳасининг йирик мутахассислари, бой тажрибага эга ва чуқур билимли олимлар томонидан илгари сурилади ҳамда улар баъзан узоқ йиллар давомида тадқиқ қилинади. Буни, масалан, миллний гоя ва миллний мафкурани яратиш муаммосининг қўйилиши ва тадқиқ этилиши мисолида кўриш мумкин. Жаҳон тажрибасига мурожаат қилсак, «миллатнинг мафкураси бир эмас, балки бир неча авлоднинг умри давомида ишлаб чиқилиши ва такомилга эришувига гувоҳ бўлишимиз мумкин»<sup>19</sup>.

Уни шакллантириш учун кучли истеъдод ва «ёрқин тафаккур»га эга бўлган Конфуций, Махатма Ганди, Форобий, Баҳоуддин Нақшбанд каби буюк зотлар заҳмат чекканлар<sup>20</sup>.

Ҳозирги пайтда эса биринчи Президентимиз И.А. Каримов таъкидлаганидек, «Миллний гоя, миллний мафкурани ишлаб чиқиш, уни шакллантириш учун ҳар қайси миллатнинг энг илғор вакиллари, керак бўлса, мутафаккирлари, зиёлилари меҳнат қилиши лозим»<sup>21</sup>.

Муаммоли вазиятни таҳлил қилишга турли хил томондан ёндашиш мумкин бўлганлиги учун ҳам ҳал қилиниши лозим бўлган вазифа турли хил муаммолар тарзида баён қилиниши мумкин. Бунда баъзи муаммолар асосий вазифани ифода қилса, баъзилари бу вазифанинг айрим томонларини акс эттиради ва шунинг учун ҳам жузъий хусусиятга эга бўлади. Кўп ҳолларда бир-бири билан боғланиб кетган мана шундай жузъий муаммолар ҳал қилингандан кейингина асосий муаммони аникроқ баён қилиш ва ечиш имконияти вужудга келади.

Муаммоларни тўғри қўйиш ва баён қилиш уларни ечишдан кам аҳамиятга эга эмас. Муаммони тўғри қўйиш учун унинг илмий билиш

<sup>19</sup> И.А. Каримов. Миллний истиқол мафкураси – ҳалқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончdir. // Асарлар тўплами. 8- жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2000, 25-бет.

<sup>20</sup> Қаранг. Ўша ерда.

<sup>21</sup> Қаранг. Ўша ерда.

тараққиётида тутган ўрни ва аҳамиятини тўғри баҳолаш, уни ҳал қилишнинг методларини топиш зарур. Бу амалда қўйилиши мумкин бўлган турли хил муаммолар ичидан энг муҳими ва тўғрисини танлаб олишни билдиради. Муаммони танлаш маълум бир даражада тадқиқотнинг умумий йўналиши ва хусусиятларини белгилаб беради.

Охир-оқибатда қайси муаммони қўйиш амалий фаолиятимиз эҳтиёжларига боғлик. Чунки фақат амалий фаолиятдагина кишиларнинг эҳтиёжлари ва мақсадлари билан уларни ҳал қилиш воситалари ўртасидаги зиддият яққол намоён бўлади, илмий изланиш предмети аниқланади ва шу асосда билиш олдига конкрет вазифалар қўйилади.

Илмий муаммо, одатда, маълум бир назария доирасида вужудга келади

Назария кейинчалик илгари суримиши мумкин бўлган муаммони умумий ҳолда белгилаш ва уни тўғри танлашга ёрдам беради. Шунингдек, ҳар бир муаммо маълум бир назария ёрдамида ҳал қилинади. Баъзи ҳолларда эса муаммо мавжуд назарияни модификация қилиш ва муаммони ечишга мослаштиришни талаб қиласди.

Муаммони ечиш учун қўйидаги дастлабки тайёргарлик ишлари амалга оширилади:

- а) мавжуд назариялар доирасида тушунтириб бўлмайдиган факт ва ҳодисаларни аниқлаш;
- б) муаммони ҳал қилиш ғоялари ва методларини таҳлил қилиш ҳамда уларга баҳо бериш;
- в) муаммони ҳал қилиш тури, мақсади, олинган натижани текшириш ўйларини белгилаш;
- г) муаммонинг негизи билан уни ечиш учун илгари сурилган ғоялар ўртасидаги алоқанинг хусусиятларини кўрсатиш.

Бу дастлабки ишлар амалга оширилгандан кейин бевосита муаммони ечишга киришилади.

Шуни алоҳида қайд қилиб ўтиш керакки, муаммонинг ечилиши нисбий хусусиятга эга. Бошқача айтганда, муаммонинг мутлақ тўла ечимини топиш қийин. Чунки ўрганилаётган ҳодисанинг барча томонларини қамраб олиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам илмий изланиш давомида янги муаммолар вужудга келиши мумкин бўлиб, у мавжуд муаммони бошқача талқин қилишни тақозо этади. Бунга мисол қилиб И. Ньютон томонидан жисмларнинг ўзаро тортишиши муаммосининг қўйилишини кўрсатиш мумкин. Бутун олам тортишиш қонунини кашф қилиб, у фақат тортишувчи жисмлар ўртасидаги миқдорий алоқаларнигина топганлигини уқтириб ўтган эди.

А. Эйнштейннинг нисбийлик назарияси жисмларнинг ўзаро тортишиши муаммосини бошқача талқин қиласди ва бу муаммо ҳақидаги тасаввурларимизни маълум бир даражада кенгайтиради. Жисмларнинг ўзаро тортишишининг табиати, амалга ошиш механизми ҳозиргача тўла очиб берилмаган. Бошқача айтганда, муаммо узил-кесил ҳал бўлмаган.

Баъзи ҳолларда муаммоларнинг ечимини узоқ вақтгача топиб бўлмайди. Масалан, рак касалининг сабабини ўрганиш билан боғлик муаммо

ҳозиргача тўла ҳал бўлмаган.

Бу, албатта, айрим муаммолар бутунлай ечимига эга эмас, деган фикрни билдиримайди, балки уларни мавжуд методлар, воситалар ёрдамида ечиб бўлмасликни қўрсатади холос, ва шу тариқа ечишнинг янги воситаларини кидириб топишга ундейди. Демак, муаммо ҳал қилинмагунча илмий изланиш давом этади.

**МУАММО-** бу ижтимоий эҳтиёж натижаси ўлароқ юзага келадиган масалалар кўлами бўлиб, уларнинг ечими муайян соҳа учун назарий ва амалий аҳамиятга молик бўлади. Муаммо шунга кўра қўйидаги хусусиятларга эга бўлган масаладир.

1. Мавжуд қоида, усууллар билан бевосита ҳал қилиб бўлмайди.
2. Ҳал этилиши баъзи назария ва қарашларни (концепцияларни) янгича талқин этиш, ўзгартириш, аниқлик киритишни тақозо этади.
3. Ҳал этилиши фан-техника, ижтимоий ҳаёт соҳасида туб ўзгаришларни ва шунга мувофиқ янги муаммоларни юзага келтиради.

Муаммолар бирданига англаб олинмайди, уларнинг назарий масала сифатида шаклланиши муайян вақт - даврни ўз ичига олади. Бу пировардида мавжуд баъзи назария, концепцияларни ўзгартиришни тақозо этади. Масалан, кишилар сабабчиси бўлган ҳозирги экологик муаммолар ўтган аср охирларидан бошланган бўлиб, факат асримизнинг иккинчи ярмидан бошлаб унинг ҳал этилиши зарурлиги англаб олинди. Бу эса «Биз табиатдан хайр-эҳсон кутиб ўтирмаймиз, уни ўз хоҳишимиз билан ўзгартирамиз», деган моддийунчилик қарашни бекор қилишга олиб келди.

Муаммоларнинг муайян масалалар-тизими сифатида ифодаланиш шакли савол ҳисобланади. Дарҳақиқат, муаммолар ўз моҳиятига кўра у ёки бу тарзда қўйилган саволлар бўлиб, улар заруран ўз жавобини, ечимини талаб этади.

Мантиқда савол деб ҳал этилиши зарур бўлган масалага доир фикрга айтилади. Савол сўроқ гапларда ифодаланади, лекин ҳар қандай сўроқ гаплар мантиқий саволни ифодаламайди.

Барча муайян назарий ва амалий аҳамиятга молик муаммога жавоб топишга қаратилган сўроқ гапларгина мантиқий савол ҳисобланади. Савол муаммони ифодалаш ва уни ҳал этишга қаратилган билишнинг шакли бўлиб, методологик аҳамиятга эгадир.

Барча фанлар билимлар тизими сифатида ўз муаммоларини қўйиш орқали ривожланадики, улар мантиқий саволлар тарзида ифодаланади. Масалан, фалсафанинг азалий муаммолари «Оlamning асосида нима ётади?», «Вақт ва фазо нима?», «Инсон ким, унинг моҳиятини нима ташкил этади?» деган саволлар тарзида тузилади. Ва ана шу саволларга берилган жавобларга кўра фалсафий оқим, таълимотлар юзага келади.

Ўзбекистонинг келажаги ана шундай саволларга қандай жавоб беришимизга боғлиқ. Булар қўйидагилардир: хавфсизликни қандай сақлаб қолиш лозим?, Барқарорликни қандай таъминлаш даркор? Тараққиёт йўлидан событқадам ривожланишига нималар ҳисобига эришиш мумкин? Булар стратегик муаммолар бўлиб ҳар қандай мустақил давлат энг аввало, ана шу муаммоларга эътибор бериб келган ва бундан буён ҳам эътибор беражак». <sup>22</sup>

Савол билиш жараёнида муаммо, гипотезаларни илгари суришда муҳим роль ўйнайди. Шунинг учун оддий муҳокама юритиш ҳамда илмий тадқиқот ишларида мантиқий саволга мурожаат этилади.

**Мантиқий савол** – бу инсон билимидаги иккиланиш, ноаниқликларни бартараф этишга ҳамда тадқиқ этилаётган обьектлар ҳақида тўлиқ билим олишга қаратилган фикрдир. Саволлар тузулишига кўра икки хил бўлади: ечимга доир ва тўлдиришга доир саволлар. Қўйилган муаммоларнинг ҳал этилиш йўлларини аниқлашга қаратилган савол ечимга доир савол ҳисобланади. Масалан, «Мафкуравий таъсирлар салбий оқибатларга олиб келмаслиги учун нима қилиш керак?» (Ислом Каримов). Тўлдиришга доир савол – бу берилган муқобил /альтернатив/ хукмлар гурухига тўғри /чин/ жавоб топишга қаратилган саволдир.

Савол мантиқий таркибга эга, яъни у ўзида муайян билимни ифодалайди. Масалан, «Ким биринчи бўлиб Американи кашф этган?», деган саволдан «Маълум бир давргача Америка қитъаси кишиларга номаълум бўлган, ушбу қитъа бирор кишининг сайди- ҳаракати билан кашф этилган», деган фикр англашилади.

Савол мантиқий таркибига кўра икки хил бўлади: ечимга ва тўлдиришга доир савол. **Ечимга доир саволда** муайян муаммони ҳал этиш имкониятларининг бир-бирини истисно этувчи ҳолат, вариантлари илгари

<sup>22</sup> Каримов И.А.Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: Хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Тошкент: “Ўзбекистон”, 1997,7-8-бетлар.

сурилади. Масалан: "Инсоният ер юзида ўзи бунёд этган цивилизацияни келажакда сақлаб қола оладими ёки йўқми ?".

**Тўлдиришга доир саволда** муаммонинг ечими учун энг муҳим омилни аниқлаб олишга дикқат -эътибор қаратилади. Бунга мисол қилиб Президентимизнинг юқорида зикр қилинган асарида мамлакатимиз тараккӣётининг- стратегик йўналиши, унинг кафолатларини мантиқий саволларни қўйиш - билан белгиланади ва уларнинг омиллари тинчлик барқарорлик ва жуғрофий -сиёсий мувозанатни сақлаб қолиш, унга эришиш ана шундай омиллардан бири эканлиги кўрсатиб берилади.<sup>23</sup>

Саволларнинг мантиқий таркибини аниқлаш ва уларни грамматик шаклда ифодалай билиш муаммоларни илгари суриш ва уларнинг ечимини топишда муҳим роль ўйнайди.

Муаммолар ўз миқёси ва аҳамиятига кўра турли даражаларда бўлиб, ҳар хил усул, йўллар орқали ечилади, шулардан уч хилини кўрсатиш мумкин:

1. Мавжуд назария, ғоя, қарашлар доирасида ечиладиган муаммолар. Мазкур муаммо тури ечими ижтимоий ҳодисаларни ҳал этишда кенг кўлланилади. Масалан, бугунги кунда миллий истиқлол ғоясини кишиларимизнинг қалби ва онгига сингдириш муаммоси кун тартибидаги долзарб вазифа ҳисобланади. Буни амалга ошириш учун эса, энг аввало, «Ғоя нима, унинг қандай турлари бор?», «Ғоянинг киши қалби ва онгига таъсир кўрсатиш, сингдиришнинг қандай восита, усуслари бор?» деган саволларни кўндаланг қўйишни ва уларга батафсил, илмий жавоблар топиш талаб этилади.

2.Бир қатор назариялар орқали амалга ошириладиган муаммолар ечими. Масалан, мамлакатимизда ўзига хос моделдаги фуқаролик жамияти асосларини барпо этиш муаммосининг ечими шу ҳақидаги мавжуд таълимотлар доирасида талқин қилинади, чунки бунда фуқаролик жамияти ҳақидаги қарашлар, таълимотларга таянилгандир.

3.Янги назариялар яратилиши тақозо этадиган муаммолар ечими Масалан, мустақилликни сақлаш ва мустаҳкамлашга қаратилган «Миллий истиқлол ғояси» таълимоти-назарияси ана шундай муаммо ечими таҳлилининг натижасидир.

---

<sup>23</sup> Қаранг: Ўша жойда, 9- бет.

Муайян қоидаларга амал қилинадиган пайтдагина муаммолар ечими усули билиш шакли вазифасини ўтайди. Булар:

1. Савол одоб доирасида иғвогарликсиз, тўғри қўйилиши керак.
2. Аниқловчи саволларнинг альтернатив жавобларни назарга олиш лозим.
3. Савол қисқа, лўнда ва аниқ бўлиши керак.
4. Мураккаб айирувчи саволларда барча альтернативалар кўрсатиб ўтилишилозим.
5. Савол риторик тарзда тузилмаслиги зарур. Чунки риторик саволлар фикрпредметининг хусусиятини ўзига хос тасдиқ тарзида ифодаловчи фикр шаклидир

Мантиқий саволлар, айниқса, таълим-тарбия жараёнида муҳим роль ўйнайди. Чунки ўқувчи, талабаларни фан асосларини ўрганишга жалб этиш, қизиқтиришнинг зарур шарти бўлган дарсларда муаммовий вазиятларни юзага келтириши мантиқий саволларни тузиш орқали амалга оширилади.

### **Фараз(гипотеза) ва унинг турлари**

Муаммоларнинг ечими қандай усулда бўлмасин, фараз-гипотезаларни илгари суришни талаб этади. **Гипотеза** (юононча ҳипотхесиа-фараз, тахмин) билиш жараёни, муаммоларни ҳал этишда юзага келадиган илмий аҳамиятга эга бўлган эҳтимолли фикр бўлиб, тадқиқ этилаётган ҳодисанинг сабаби, хусусиятларини аниқлашга қаратилгаи бўлади. **Фараз** фикр шакли сифатида қўйидаги белгиларга эга:

1. Билиш тараққиётнинг шакли эканлиги. Барча фанлар соҳасида билмасликдан (нисбий билимдан) билишга, мутлақ ҳақиқатга ўтиш жараёни фаразларни илгари суриш ва уларнинг чин ёки хатолигини асослаш тарзида кечади.
2. Ҳодисаларнинг сабаб ва оқибат боғланишларини аниқлаш, мавжуд фактик материалларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш бўйича илгари сурилишлиги, шу маънода фараз- бу ҳар қандай тахмин бўлмасдан, муайян илмий асосга эга бўлган эҳтимолли билимлардир.
3. Фаразларнинг амалиётда тасдиқланиши янги билимларни ҳосил қиласида ва унинг негизида яна бошқа илмий тахминлар илгари сурилади.

4. Фаразларни илгари суришнинг мантиқий асосини аналогия бўйича хулоса чиқариш ташкил этади.

Тадқиқ объектига кўра фараз икки турга ажратилади: умумий ва хусусий.

**Умумий фараз** деб муаммо даражасидаги табиий ва ижтимоий ҳодисаларнинг сабаб ва оқибат боғланишларини аниқлашга қаратилган илмий тахминга айтилади. Академик А.Г.Опарин (1894-1980) томонидан илгари сурилган Ерда ҳаётнинг пайдо бўлиши ҳақидаги, шунингдек, Қуёш тизимидағи планеталарнинг келиб чиқиши, Ердан бошқа планеталарда органик материянинг борлиги ва бошқа шу каби илмий тахминлар умумий фаразлар ҳисобланади.

**Хусусий фараз** айрим нарса-ҳодисаларнинг юзага келиши, хусусиятлари ҳақидаги илмий тахминдир. Ҳар бир фан соҳасида тадқиқ этилаётган обьект бўйича у ёки бу тарздаги тахминлар қилинадики, улар ўз кўлами ва аҳамиятига кўра хусусий фаразлар саналади. Масалан, медиклар бедаво касалликларниг сабабини аниқлаш бўйича фаразларни олга сурадилар ва шу бўйича тадқиқот ишлари олиб борадилар. Суд-текширув ишларида кенг қўлланиладиган версия-тахминлар тузишда ҳам мантиқий фараз тамойилларига таянилади. Фаразларнинг ишончли илмий назарияларга айланишида мантиқий тасдиқлаш (исботлаш) усули муҳим роль ўйнайди. Фаразнинг мантиқий тасдиқлаш усули-бу унинг асосий мазмунини натижга сифатида дедуктив йўл билан келтириб чиқариш ва уни кейинчалик фактлар билан солиштириш, тажриба, экспериментлар ўтказиш, яъни индуктив методлар воситасида асослашдир.

Бунга мисол килиб Қуёш системасида Нептун планетасининг кашф этилишини келтириш мумкин. Номаълум планета ҳақидаги гипотеза И.Кеплернинг планеталар ҳаракати орбитаси ва бутун дунё тортилиш қонуни асосида илгари сурилади ва кейинчалик тадқиқотчилар томонидан ушбу планетанинг Қуёш тизимидағи ўрни (Қуёшдан 4500 млн. км узоқлиқдалиги, диаметри- 30100 км, атмосфера таркиби CH<sub>4</sub> H<sub>2</sub>) аниқланилди.

Назарий тадқиқотларнинг мақсади эмпирик тадқиқот давомида ўрнатилган фактларни тушунтириш, башорат қилиш ва системалаштиришга имкон берадиган қонун ва принципларни аниқлашдан иборат.

Методологияда "фараз"- "гипотеза" атамаси икки маънода ишлатилади:  
1) Билимнинг мавжудлик шакли сифатида муаммолилик, ишончсизликни

ифодалаши; 2) Фояларни тушунтириб берувчи, шакллантирувчи ва асословчи метод сифатида қонун, назарияларни ўрнатишга элтувчи йўл

Гипотеза структураси билан танишиш бу метод тўғрисида яхши тасавур беради. Faраз билиш методи сифатида бир қанча босқичлардан иборат бўлади.

1) илгари сурилган тахминга тааллукли фактлар, эмпирик далиллар билан танишиш;

2) ўрганилаётган ҳодисалар сабабларини индуктив методлар билан аниқлаш;

3) илгари сурилган фаразни унга дахлдор бошқа фаразлар билан такқослаш ва эҳтимолга яқинини танлаш;

4) илгари сурилган фаразни тажрибада, экспериментал эмпирик текшириб кўриш ва индуктив ва дедуктив методлар ёрдамида унинг чин ёки хатолигини кўрсатиш.

Фанлардаги, айниқса, аниқ фанлардаги илмий назариялар, кашфиётлар гипотеза босқичларининг якуний хулосалари ҳисобланади.

Гипотеза услубининг умумий тузилиши тамойилларини яхши билиш фан ривожига хизмат қиласидиган фаразларни илгари суриш ва уларнипг чин хатолигини аниқлашга ёрдам беради.

Ижтимоий ҳаёт соҳасида фаразлар муайян муаммолар ва уларни келтириб чиқарувчи сабаблар ҳамда ҳал этилишининг йўл-йўрикларини чуқур таҳлил этилиши асосида илгари сурилади. Бу орқали жамият тараққиёти йўналиши ҳақида башоратлар қилинади.. Бунга мисол тариқасида Президентимиз Республикализнинг ҳозирги кундаги ички имкониятларини, салоҳиятларини, ҳалқаро нуфузини чуқур таҳлил қилиши асосида унинг келажаги ҳақидаги илгари сурган илмий фаразни келтириш мумкин. Аминманки, деб башорат қиласи у, мамлакатимиз XXI асрда жаҳон иқтисодиёти, маданияти ва сиёсатида муносиб ўрин олади.<sup>24</sup>

**Назария** илмий билимлар тизими бўлиб, фараз-гипотезалар негизида шаклланади. Назария- бу чинлиги, ҳақиқатлиги илмий жиҳатдан тўлиқасосланган ва амалиётда текширилган, тасдиқланилган,

<sup>24</sup> Қаранг: И.Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.: «Ўзбекистон», 1997, 15-бет.

тизимлаштирилганбилимлар мажмуудир. Ҳар қандай фанлар назарияларга таянади. Назарияда тадқиқ этиладиган объектлар, моделлар, яъни идеаллаштирилган тарзда акс эттирилади.

Бунда мавхум атама, тушунча, формуласалар ҳосил қилинади. Объектларни идеаллаштириш ижтимоий фанларда ҳам қўлланилади. Масалан, фалсафа, иқтисодий назария фанлари энг умумий тушунчакатегориялар билан иш кўрадилар. Масалан: «макон», «замон», « борлиқ», «ҳаракат», «қиймат», «товар» ва бошқалар. Назариялар ўзида билимларни қай даражада, усулда умумлаштириш, идеаллаштириш характеристига кўра дедуктив ва нодедуктив (индуктив) турларга ажратилади. Дедуктив назариялар мавжуд назария, аксиома, қоидалар асосида шаклланадиган илмий билимлар тизимиdir. Масалан, И.Кеплер (1571-1630) планеталар ҳаракати(орбитаси)га доир қонунларини бутун дунё тортилиш "қонунига таянган, ундан келиб чиқкан ҳолда кашф этади.

Ислом Каримовнинг мустақил Ўзбекистон Республикаси тараққиёти масаласига оид назарий -методологик аҳамиятга молик "ўзбек модели"тамойиллари жамият тараққиёти қонуниятларига асосланган тарзда ишлаб чиқилгандир. Президентимиз Ш.Мирзиёев томонидан ишлаб чиқилган Ҳарактлар стратегияси ҳам ана шу жамият тараққиёти қонуниятларига асослангандир.

Индуктив назариялар бевосита эмпирик тажриба, экспериментлар асосида шаклланади. Бунда индуктив методлардан фойдаланилади ва нарса, ҳодисаларнинг аниқланилган энг муҳим белги, хусусиятлари умумлаштирилди ва қонуниятлари очиб берилади. Аниқфналар, хусусан, физика, химия, биология каби фанларнинг қонунлари моҳиятан индуктив назариялар хисобланади. Масалан, Ом қонунини олиб қарайдиган бўлсак, у эмпирик тадқиқотларнинг натижаси ўлароқ кашф этилгандир. Дарҳақиқат, занжирнинг бир қисмидаги ток учун шу қисм кучланишига тескари пропорционал, деган хulosани дедуктив йўл билан чиқариб бўлмайди.

Мантиқ билимларни тизимлаштиришда метод вазифасини ўтайди. Билимларнинг тизимлилиги - бу энг аввало уларнинг ғоят аниқ, лўнда таърифларда ифодаланиши билан изоҳланиладики, бу тафаккурнинг қонун, шакллари ва барча мантиқий усувларга қатъий риоя қилишни талаб этади.

Ҳар бир назария, қонун моҳиятан мантиқий хulosса чиқаришнинг якуни бўлиб, улар илмий таърифларда ифодаланади. Мантиқ фанининг билиш жараёнида тутган йўли, назарий-методологик функцияси бугунги фан-

техника, ахборот технология даврида янада ошиб бормоқца. Энг мұхими - мантиқ илми ҳозирги глобаллашув даврида фан, техника ютуқларини гуманистик мақсадлар учун йўналтиришга, маънавиятни англаб олишига хизмат қиласидиган фан мақоматини олмоқда.

## НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Етарли асос қонуни. **Таянч иборалар:** Исбот ва ишонч. Интуиция. Эътиқод. Авторитар тафаккур. Етарли асос қонунини белгиларда ифодаланиши.
2. Мураккаб ҳукмлар. **Таянч иборалар:** Ҳукм терминлари, конъюктив ҳукмлар, айирувчи (дизъюнктив) ҳукмлар, шартли ҳукмлар.
3. Тушунчанинг турлари. **Таянч иборалар:** якка тушунчалар, умумий тушунчалар, абстракт, мавҳум тушунчалар.
4. Тушунчалар ўртасидаги муносабатлар. **Таянч иборалар:** таққосланадиган тушунчалар, таққосланмайдиган тушунчалар, сифишадиган тушунчалар, сифишмайдиган тушунчалар, мослик, буйсуниш.
5. Оддий ҳукмлар. **Таянч иборалар:** Оддий ҳукмлар, тасдиқ ҳукмлар, инкор ҳукмлар, якка ҳукмлар, жузъий ҳукмлар, умумий ҳукмлар.
6. Ҳукмларнинг модаллиги. **Таянч иборалар:** модал ҳукмлар, зарурий ҳукмлар, воқеий ҳукмлар, аподиктик ҳукмлар.
7. Силлогизмнинг умумий қоидалари: **Таянч иборалар:** Силлогизм терминлари, катта термин, кичик термин, ўрта термин.
8. Силлогизм аксиомаси. **Таянч иборалар:** атрибутив, силлогизм терминлари, миқдор ва сифат.
9. Силлогизм таркиби. **Таянч иборалар:** Хulosса асослари, хulosса терминлари, катта асос, кичик асос.

#### **IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАТЕРИАЛЛАРИ (жами 10 соат)**

Амалий машғулотлар ижтимоий фан йўналиши бўлганлиги сабабли семинар тарзида ўtkазилади ҳамда қуйида бериладиган саволлар ва уларнинг жавобларини замонавий педагогик технологияларини қўллаган ҳолда бажаришни тақазо этади.

##### **1- амалий машғулот: Тафаккур — мантиқ фанининг ўрганиш объекти.**

**РЕЖА:**

- 1. Тафаккур - мантиқ илмининг ўрганиш объекти**
- 2. Тафаккур шакли ва тафаккур қонуни тушунчалари**

Жаҳоннинг илфор олий таълим масканларида тафаккурни ўрганиш ва ўқитиш тажрибалари. Ўзбекистонда тафаккурни қиёсий ўрганиш муаммолари.

##### **1. Тафаккур - мантиқ илмининг ўрганиш объекти**

Мантиқ (логика) энг қадимги фанлардан бири бўлиб, унинг асосчиси юнон файласуфи Аристотелдир. логос атамаси грек тилида «фикр», «сўз», «ақл», «қонуният» каби маъноларни ифодалайди. “Мантиқ” атамаси логика терминига эквивалент хисобланади. Мантиқ (логика) атамаси қўйидаги маъноларда қўлланади: биринчидан, объектив олам қонуниятларини ифодалашда (масалан, «объектив мантиқ», «нарсалар мантиғи» каби ибораларда); иккинчидан, ҳар бир инсоннинг ўзига хос тафаккурлаш усулини, фикрлар ўртасидаги алоқадорликни англатишида (масалан, «субъектив мантиқ» иборасида) ва учинчидан, тафаккур шакллари ва қонунларини ўрганувчи фан маъносида.

Мантиқ илмининг ўрганиш объектини тафаккур ташкил этади. «Тафаккур» ҳам арабча сўз бўлиб, ўзбек тилидаги «фикрлаш», «ақлий билиш» сўзларига teng маъноли тушунча сифатида қўлланилади. Тафаккур билишнинг юқори босқичидир. Билиш воқеликнинг, шу жумладан, онг ҳодисаларининг инсон миёсида субъектив, идеал образлар шаклида акс этишидан иборат. Билиш жараёнининг асосини ва охирги мақсадини амалиёт ташкил этади. Билиш мураккаб, зиддиятли, турли хил даражаларда ва шаклларда амалга ошадиган жараёндир. Бу жараённи шартли равишда икки босқичга бўлиш мумкин: ҳиссий билиш ва ақлий билиш. Ҳиссий билиш (сезги органлари воситасида билиш) унинг дастлабки босқичи бўлиб, унда инсон сезги органлари ёрдамида предмет ва ҳодисаларнинг ташқи хусусиятлари ва муносабатлари ҳақида маълумотларни олади. Сезги, идрок ва тасаввур ҳиссий билиш шакллари хисобланади.

Ҳиссий билишга хос бўлган умумий хусусиятлар қўйидагилардан иборат:

6. Ҳиссий билишда объект (воқелик) субъектга (инсоннинг сезги органларига) бевосита таъсир этади.

7. Ҳиссий билиш шакллари: сезги, идрок ва тасаввур предметнинг ташқи хусусиятлари ва муносабатларини акс эттиради.
8. Ҳиссий билиш шакли предметнинг яққол образини хосил қиласади.
9. Ҳиссий билиш хар бир конкрет инсоннинг сезиш қобилияти билан боғлиқ тарзда ўзига хос хусусиятга эга бўлади.
10. Ҳиссий билиш билишнинг дастлабки ва зарурий босқичи ҳисобланади, усиз билиш мавжуд бўла олмайди. Чунки, инсон ташқи олам билан сезги органлари орқали боғланган бўлиб, билишнинг кейинги босқичида сезгилари берган маълумотларга таянади.

Ҳиссий билиш имкониятлари чегараланган бўлиб, унда мавжуд предметлар ўртасидаги алоқадорлик ўрганилмайди, предметларнинг умумий ва якка, муҳим ва номухим, зарурий ва тасодифий хусусиятлари фарқ қилинмайди, моҳияти аниқланмайди. Ҳиссий билиш тафаккур (ақлий билиш) билан узвий боғлиқ.

Тафаккур ёрдамида буюм ва ҳодисаларнинг моҳиятини тушунишга эришилади. Тафаккур билишнинг юқори босқичи - рационал (лотинча ратио – ақл) билиш бўлиб, унда предмет ва ҳодисаларнинг умумий, муҳим хусусиятлари аниқланади, улар ўртасидаги ички, зарурий алоқалар, яъни қонуний боғланишлар акс эттирилади. Ақлий билиш, тафаккурлаш қўйидаги асосий хусусиятларга эга:

5. Тафаккурда воқелик мавҳумлашган ва умумлашган ҳолда инъикос қилинади. Умумий белгиларни аниқлаш предметлар ўртасидаги муносабатлар ва боғланиш усусларини ўрнатишни тақозо этади. Турли хил предметлар фикрлаш жараёнида ўхшаш ва муҳим белгиларига кўра синфларга бирлаштирилади ва шу тариқа уларнинг моҳиятини тушуниш, уларни характерлайдиган қонуниятларни билиш имконияти туғилади. Масалан, “ўсимлик” тушунчасида барча ўсимликлар битта мантиқий синфга бирлаштирилиб, уларга хос муҳим, умумий хусусиятлар (масалан, хужайрадан ташкил топганлиги) билиб олинади.

6. Тафаккурда мавжуд билимларга таянган ҳолда янги билимлар хосил қилиниши мумкин. Тафаккурнинг мазкур хусусияти, айниқса, хулоса чиқаришда аниқ намоён бўлади. Фикрлаш бунда предмет ва ҳодисалар ўртасидаги алоқадорликка асосланади. Масалан, об-ҳавонинг ўзгаришига қараб олинадиган хосил миқдори ҳақида фикр юритиш мумкин. Демак, тафаккурда борлиқ нафақат бевосита, балки билвосита ҳам акс эта олади.

7. Тафаккур инсоннинг ижодий, конструктив фаолиятидан иборат. Билиш жараёни борлиқда реал мавжуд бўлмаган нарсаларни фикрда яратиш, тушунчаларни шакллантириш, турли хил формал системаларни қуриш орқали амалга ошади. Натижада предмет ва ҳодисаларнинг энг мураккаб хусусиятларини ўрганиш, ҳодисаларни олдиндан кўриш, башоратлар қилиш имконияти вужудга келади.

8. Тафаккур тил билан узвий боғлиқдир. Фикр идеал ҳодисадир. У фақат тилда – моддий ҳодисада (товуш тўлқинлари, график чизиқлари, қўл ҳаракатларида) реаллашади, бошқа кишилар бевосита қабул қила оладиган, ҳис этадиган шаклга киради ва одамларнинг ўзаро фикр алмасиши воситасига айланади.

Билиш жараёнида ҳиссий ва ақлий билиш ўзаро таъсирлашиб, бир-бирини тўлдиради, бойитади.

## **2. Тафаккур шакли ва тафаккур қонуни тушунчалари**

Тафаккур тушунча, ҳукм (мулоҳаза) ва хулоса чиқариш шаклида мавжуд бўлади.

Инсон билиш жараёнида буюм ва ҳодисалар, уларнинг сифат, хусусиятлари ҳақида тушунчалар хосил қиласиди, фикр-мулоҳаза юритади, уларни мантиқий боғлаб, хулосалар хосил қиласиди. Бу жараённи тушуниш учун тафаккур шакли ва тафаккур қонуни нима эканлигини билиб олиш зарур.

**Тафаккур шакли фикрнинг мазмунини ташкил этувчи элементларнинг боғланиш усули, унинг структураси (тузилиши)дир.** Фикрлаш элементлари деганда, предметнинг фикрда ифодаланган белгилари ҳақидаги ахборотлар тушунилади. Масалан, “менинг онам” тушунчасида бизни дунёга келтирган, боқиб катта қилган, тарбиялаган аёл акс этади. Агар тушунча (менинг онам) акс эттираётган предметни А билан, унда фикр қилинаётган муҳим белгиларни, яъни фикрлаш элементларини а, в, с,..., н билан белгиласак, тушунчанинг мантиқий структурасини А (а, в, с,..., н) шаклида символик тарзда ифодалаш мумкин.

Ҳукм (мулоҳаза)ларда предмет билан унинг хоссаси, предметлар ўртасидаги муносабатлар, предметнинг мавжудлиги ҳақидаги фикрлар тасдиқ ёки инкор шаклда ифода этилади. Масалан, “Хунарли киши – хор бўлмас” деган ҳукмда предмет (хунарли киши) билан унинг хоссаси (хор бўлмас) ўртасидаги муносабат қайд этилган. “Адҳам Каримнинг укаси”деган ҳукмда иккита предмет (Адҳам ва Карим) ўртасидаги муносабат қайд этилган. Мазмун жиҳатдан турли хил бўлган бу ҳукмлар тузилишига кўра бир хилдир: уларда предмет ҳақидаги тушунча (С) билан предмет белгиси ҳақидаги тушунча (П) ўртасидаги муносабат қайд этилган, яъни Р нинг С га хослиги тасдиқланган. Умумий ҳолда ҳукмнинг мантиқий тузилишини С—Р формуласи ёрдамида ифода этиш мумкин. Тушунча ва ҳукмни фарқлашда уларнинг шакли эътиборга олинади. Масалан: аълочи ўқувчи(тушунча) ва ўқувчи аълоцидир (ҳукм).

Хулоса чиқаришда ҳам унинг мазмунини ташкил этувчи элементларнинг боғланиш усули мавжуд бўлиб, унга кўра ўзаро мантиқан боғланган ҳукмлардан янги бир ҳукмни хосил қилиш мумкин.

Масалан, Хунарли киши ҳаётда ўз ўрнини топади. Дўстимнинг ҳунари бор.

Демак, дўстим ҳаётда ўз ўрнини топади.ёки Ақлли инсонлар аввал ўйлаб, кейин гапирадилар Демак, аввал ўйлаб, кейин гапирадиганлар ақлли инсонлардир.

Бу хулоса чиқариш йўллари турлича бўлишига қарамасдан, бир хил мантиқий структурага эга. Ҳар иккаласида ҳам хулоса чиқариш учун асос бўлиб хизмат қилаётган ҳукмлардан хулоса мантиқий боғлиқлик мавжуд бўлгани сабаб хосил қилинди.

Юқоридаги мисоллар тафаккур шакли фикрнинг конкрет мазмунига нисбатан мустақил ҳолда мавжуд бўлишини ва ўзига хос қонуниятларга эгалигини кўрсатади. Шунинг учун ҳам мантиқ илмида тафаккур шакли алоҳида олиб

ўрганилади.

Фикрнинг чин бўлиши ва шакл жиҳатдан тўғри қурилиши ишончли билимга эришишнинг зарурий шартларидан биридир. Ўзи ифода қилаётган предметга мувофиқ келувчи фикр чин ҳисобланади (масалан, пахта-юмшоқ). Предметга мос келмайдиган фикр хато фикрdir (масалан, сув – суюқлик эмас»). Фикрнинг тўғри ёки хато бўлиши унинг мазмунига тегишли хусусиятдир.

Фикрнинг чин бўлиши формал жиҳатдан тўғри қурилган бўлишига ҳам боғлиқ. Бу хусусият фикрнинг шаклига тааллуқли бўлиб, тафаккурда ҳосил бўладиган турли хилдаги мантиқий амалларда ўз аксини топади. Фикр чин бўлиб, шаклига кўра хато бўлиши, ва аксинча, фикр хато бўлиши, лекин шаклига кўра тўғри тузилган бўлиши мумкин.

**Тафаккур қонуни муҳокама юритиш жараёнида қатнашаётган фикрлаш элементлари ўртасидаги мавжуд зарурий алоқалардан иборат.** Фикрни тўғри қуришга тафаккур қонунлари талабларига риоя қилгандагина эришиш мумкин.

Бу талабларга биринчи навбатда, уларнинг муайян принциплар, қоидалар тарзида, яъни тўғри тафаккур принциплари сифатида амал қилиниши киради. Тўғри тафаккур принципларининг бузилиши муҳокаманинг нотўғри қурилишига сабаб бўлади. Бунда, чин фикрлардан хато хулоса чиқиши (масалан, “Дўконга мол келди. Мол – уй хайвони. Демак, дўконга уй хайвони келди.”) ёки хато қурилган муҳокамадан чин хулоса чиқиши мумкин. Тафаккур шакли ва қонунларини билиш ва улардан тўғри фойдаланиш билиш жараёнининг самарали бўлишини тъминлайди.

**Формал мантиқнинг предмети, муаммолари** унинг фалсафий фан эканлиги билан белгиланади. Шу боис фалсафанинг азалий муаммоси ҳисобланмиш одам ва олам муносабати билан боғлиқ билиш, ҳақиқат, унга эришиш масаласи мантиқ фанининг ҳам асосий муаммоларидан бири ҳисобланади.

Мазкур фан умуман тафаккурни эмас, балки унинг асосий шакллари ва қонунларини ўрганади. Тафаккурнинг ушбу жиҳатини ўрганиш тўғри, мантиқий фикр юритишнинг зарурий шартидирки, бусиз ҳақиқат, чин билимларга эришиб бўлмайди.

«Ҳақиқат нима, унга қандай қилиб эришилади?», «Ҳақиқатнинг мезони нима?» деган саволларга жавоб топиш учун барча даврларда файласуф, мантиқшунослар бош қотириб келганлар ва бунда, асосан, масаланинг эчимиға идеалистик ва материалистик қарашдан туриб ёндашганлар.

Объектив идеализмнинг асосчиси Платон (Афлотун) ҳақиқатни фикрнинг «ғоялар дунёси»нинг «соя»си бўлган буюм, предметларга мувофиқ келишидир, деб тавсифлайди. «Ким агар буюм қандай бўлса, шунга -мувофиқ гапирса,- деб

ёзди файласуф,- у ҳақиқатни айтган ва аксинча бўлса, ёлғон, хато гапирган бўлади».<sup>25</sup>

Аристотел(Арасту) ўз салафининг фикрини янада конкретлаштиради: «Кимки йўқ нарсанинг мавжудлиги ҳақида гапирса ёлғонни, лекин мавжуд нарсани бор, мавжуд бўлмаган нарсани йўқ, деб тасдиқласа, ҳақиқатни айтган бўлади».<sup>26</sup> Платон ва Аристотел томонидан берилган ҳақиқатнинг (мумтоз) таърифи то ҳозиргача фалсафа, мантиқда ўз аҳамиятини йўқотмасдан таянч таъриф сифатида қўлланилиб келинмоқда. Олмон файласуфи И. Кант ўз вақтида ҳақиқатга Платонча ва Аристотелча қарашнинг чекланганлиги ва бу бўйича унинг (ҳақиқатнинг) энг умумий, ишончли мезонини белгилаб бўлмаслигини таъкидлаган эди. Чунки, унингча, бундай қараш ҳақиқат мезони деб қабул қилинган амалиётни фақат тажрибий-емпирик билимларга нисбатан қўллаш мумкин бўлгани ҳолда, уни априор, (лот. априори- бошланғич), тажрибадан ташқари билимларга нисбатан қўллаб бўлмайди. «Ҳақиқат нима?- деб ёзди у, - бу- файласуфларни боши берк кўчага киритган, уларни мантиқан бир доирада айлантирган кўхна ва азалий савол. Ҳақиқатнинг номинал таърифига кўра (платонча, арастуча таъриф- изоҳ бизники) у билимнинг предметга мос, мувофиқ келишидир. Лекин энг муҳим масала- бу ҳар қандай билим учун энг умумий ва ишончли мезонни топиш бўлмоғи керак".<sup>27</sup>

Еътироф этиш керакки, гарчи Кант масалага ўзининг субъектив идеалистик қарашидан туриб ёндашган бўлса-да, лекин у кўп жиҳатли ҳақиқат феноменининг моҳиятини платонча, арастуча таъриф тўлиқ очиб бераолмаслигини англақ этган эди.

Ҳозирги глобаллашув даврида умумжаҳон ва минтақавий миқёсдаги ижтимоий муаммолар эчими тафаккур орқали эришиладиган ҳақиқатнинг моҳиятини, унинг мезоний ўлчовларини қадриятлилик доирасида ҳал этишни тақозо этмоқда. Зотан “ҳақиқат маънавий-ахлоқий ўлчовларда баҳоланилмаса, қадрланмаса, ўз вазифасини бажараолмайди, ҳақиқий ижтимоий мазмунини намоён қилаолмайди”<sup>28</sup>.

Ҳақиқатнинг қадриятлилик (аксиологик) жиҳати унинг эзгулик, гўзаллик ахлоқий-естетик мезоний тушунчалари ва тамойиллари билан ўзаро бирлиқда маънавият тизимининг таркибий қисми, уни юксалтирувчи куч сифатида амал

<sup>25</sup> Платон.В 3-х т. Т.1.М.; 1968, с. 417

<sup>26</sup> Аристотель. Соч.в.4 томах, Т.1, М; 1976, с.141

<sup>27</sup>Иммануил Кант. Критика чистого разума. Растов на Дону. «Феникс»,1999,с.92

<sup>28</sup> Билиш фалсафаси (гносеология). Т., «Университет», 2005, 245-бет

қилиши жараёнида намоён бўлади. Бу ўринда Президентимизнинг қуйидаги дастуриламалий аҳамиятга молик фикрини келтириб ўтиш жоиздир: ”Қаерда... юксак ақл –идрок ва тафаккур ҳукмрон бўлса, ўша эрда маънавият қудратли кучга айланади”.<sup>29</sup>

Тафаккур мураккаб, кўп жиҳатли жараён бўлиб, уни тадқиқ этиш билан бир қатор фанлар (гносеология, тилшунослик, психология, кибернетика, физиология ва б.) шуғулланади. Формал мантиқ бошқа фанлардан фарқли равишдататакурнинг шаклларини ва уларнинг ўзаро муайян тамойиллар асосида боғланиш - қонунларини ўрганади. Аниқроқ қилиб айтганда, назарий-мантиқий билишнинг шакллари, усуллари ва уларнинг асосини ташкил этувчи қонунлар формал мантиқнинг предметидир.

Тафаккурни бундай, яъни формал тузилиши жиҳатидан ўрганиш тўғри муҳокама, фикр юритишнинг зарурӣ шартидирки, бу эса чин билимларга, ҳақиқатга эришишнинг дастлабки босқичи ҳисобланади.

Назарий билиш, ҳақиқат муаммоси диалектик ва математик мантиқнинг ҳам тадқиқот обьекти бўлиб, ушбу умумийлик мазкур фанларнинг формал мантиқ билан ўзаро муносабатини белгилайди. Арасту асос солган формал мантиқ негизида ХУИИ-ХИХ асрларда юзага келган янги мантиқий системалар, жумладан, математик ва диалектик мантиқда назарий билиш, ҳақиқат масаласи янгича усул, тамойиллар бўйича талқин қилинади. Ва бу формал мантиқнинг ривожланиши учун муҳим рол ўйнайди.

Гегел томонидан ишлаб чиқилган диалектик мантиқ тафаккурни пайдо бўлиш, ривожланишда, унинг шакллари мазмуни ва қонунлари бирлигida ўрганади.

Формал мантиқ тафаккур шаклларини тўғри фикрлаш мақсадини кўзда тутган ҳолда, турли хил мазмунга эга бўлган фикр қисмлари тарзида, умумий

таркибий тузилишда ўрганади. Масалан, тушунча ва ҳукм конкрет мазмун бирлигida эмас, балки муайян структуравий тузилишидаги фикр шакли сифатида олиб қаралади ва бунда уларда қандай предмет англашилаётганлиги фикран соқит қилинади. Диалектик ва формал мантиқ усул, тамойиллари ва қонунларини ўзаро бирликда олиб қараш ва уларни билиш жараёнида қўллаш чин билимларга, ҳақиқатга эришишнинг энг самарали йўлидир.

ХВИИИ асрда эвропа мамлакатларида илмий-техника тараққиётининг юз берганлиги, айниқса механика ва математика фанларининг амалиёт билан

<sup>29</sup>Ислом Каримов. Юксак маънавият- енгилмас куч. Т., “Маънавичт”, 2008, 116-бет.

боғлиқ ҳолда ривожланиши анъанавий мантиқ негизида янги - математик мантиқ йўналишининг юзага келишига замин тайёрлади.

Немис файласуфи, математиги Г.Лейбнитс (1646-1716) математик ҳисоблаш методини ишлаб чиқади ва уни мантиққа тадбиқ қиласди.

Ҳисоблаш - бу белги-символлар билан фикрлаш қоидаларининг тизими бўлиб, Лейбнитс улар орқали тафаккур шаклларига (тушунча, ҳукм, хулоса чиқариш) нисбатан қўллайди ва максимал аниқлик даражасида мантиқий муҳокама юритиш усулларини аниқлашга муваффақ бўлади.

Бу ўринда шу нарсани таъкидлаш жоизки, аслида математик мантиқнинг ilk асосчиси IX асрларда яшаб ижод этган юртдошимиз, мутафаккир Муҳаммад ал-Хоразмийдир (780-850). У «Ал-жабр ва ал-муқобала ҳисоби ҳақида қисқача китоб» номли асарида ҳисоблашнинг алгебравий (алгоритмли) усулларини ишлаб чиқадики, бу орадан минг йилдан зиёд вақт ўтиб кибернетика фанининг юзага келиши учун асос бўлиб хизмат қиласди. XIX асрнинг ўрталарига келиб математик мантиқ мустақил фан сифатида тўлиқ шаклланади, бунга инглиз математиги, мантиқшуноси Ж.Бул (1815-1864) ва немис файласуфи, математиги Г.Фреге (1848-1925)лар катта ҳисса қўшадилар.

Ж.Бул «Мантиқнинг математик таҳлили», «Фикр қонунларининг тадкики» номли асарларида "мантиқ алгебраси" деб аталадиган математик мантиқ системасини ишлаб чиқади.

Г.Фреге биринчи бўлиб мулоҳазалар ва предикатлар мантиғининг аксиоматик тузилишининг формаллашган арифметик системасини тузади. Ва буни у икки томлик «Арифметиканинг асосий қонунлари» деган асарида баёнетади.

Бул, Фрегеларнинг математик мантиққа оид қарашлари, кейинчалик инглиз файласуф, мантиқшунослари Б.Рассел (1872-1970) ва А.Уайтхед (1861-1947)лар томонидан янада ривожлантирилади. XX асрнинг охирларига келиб уларнинг қарашлари негизида интуитив, конструктив, қўп моҳиятли, модалли мантиқ каби математик мантиқ йўналишлари юзага келади. Математик мантиқнинг юзага келиши формал мантиқнинг илмий билиш методологияси вазифасини ўташ имкониятларини оширишга хизмат қиласди. Ҳозирги давр, ахборот-технология тизимининг тобора такомиллашиб бориши формал мантиқнинг ушбу вазифасининг аҳамиятини «Куч- билим ва тафаккурда»(И.А.Каримов) деган тамойилни ҳайтга тадбиқ қилишда янада долзарб қилиб қўймоқда.

Формал мантиқнинг вазифалари унинг ўзига хос амалий-назарий аҳамиятга эга бўлган фалсафий фан эканлиги билан белгиланади. Шунга кўра мазкур фан назарий-методологик ва меъёрий (норматив) – праксиологик(юнон.практикос-фаолиятли)) вазифаларни ўтайди. Булар:

1. Талабаларни мантиқ фани асосларини ўзлаштиришга эришиш орқали уларда ўзликни англаш эътиқоди, мустақиллик дунёқарашини шакллантириш.
2. Талабаларни Шарқ, хусусан, Марказий Осиё мутафаккирларининг жаҳон фалсафий-мантиқий фикри тараққиётiga қўшган ҳиссасини англатиш, уларнинг таълимотларини чуқур эгаллашга йўналтириш билан уларда миллий ғуур, ифтихор туйғуларини хосил қилдириш.
3. Талабаларда миллий мустақиллик ғоямизга ёт бўлган ҳозирги мафкуравий хатар, бузғунчи ғояларга қарши туриш қобилияти -мафкуравий иммунитетни шакллантириш ва бунинг учун мантиқий исботлаш ва рад этиш назариясининг тузилиши, тамойилларини ўзлаштиришларига эришиш.
4. Талабаларда тўғри фикрлашнинг мантиқий шакллари, қонун-қоидаларидан илмий билиш методлари сифатида қўллай билиш ва улардан бошқа фанларни ўзлаштиришда фойдаланиш малакасини ҳосил қилиш.

## **Юқоридаги матндан берилган саволларга жавоб ёзинг**

### **САВОЛЛАР**

1. Мантиқ фанининг предмети. **Таянч иборалар:** қонун, тил, тафаккур, тушунча, хукум, хулоса.
2. Билиш ва унинг асосий босқичлари. **Таянч иборалар:** билиш, хиссий билиш ва ақлий билиш, тафаккур ва тил.
3. Мантиқ фанининг фалсафий билимлар тизимида тутган ўрни. **Таянч иборалар:** онтологик, гносеологик, формал мантиқ, қонун, тафаккур, тил.
4. «Умумий мантиқ» ва «формал (соф) мантиқ» ўртасидаги ўхшашиблик ва тафовутлар, уларнинг аҳамияти. **Таянч иборалар:** мантиқ, фалсафа, боғланиш, диалектика, психология, математика.
5. Мантиқ фани ва унинг шаклланиш босқичлари. **Таянч иборалар:** қадимги Миср, Юнонистон, Хиндистон, Хитой, Аристотель, Органон, Форобий, Ибн Сино, Марказий Осиё, Бекон, Декарт.
6. Тафаккур мантиқ илмининг ўрганиш обьекти сифатида. **Таянч иборалар:** Тафаккур, сезги, идрок, тасаввур.
7. Тушунча ва унинг таърифи. Тушунчаларнинг ҳаётий аҳамияти. **Таянч иборалар:** инъикос, белги, хусусият, миқдор, сифат, яккалик, конкрет, обьективлик, сўз, анализ, синтез, абстракция.

8. Тушунчаларнинг мазмуни, ҳажми ва уларнинг ўзаро нисбатлари. **Таянч иборалар:** тушунчанинг мазмуни, ҳажми, ифодаси, буюм белгилари, ходисалар тўплами, тескари нисбат, якка ва умумий тушунча.
9. Хукм ва унинг таърифи. Хукмнинг тафаккур шаклида тутган ўрни. **Таянч иборалар:** хукм, белги, хусусият, тасдиқ, инкор, ходисалар муносабатлари ва хукм предикат, боғловчи элемент.
10. Хукмларда терминларнинг бўлиниши. **Таянч иборалар:** хукмнинг субъекти, хукмнинг предикати, хукм терминлари, эга ва кесим предикат символи, минтақавий боғловчи.
11. Хукмнинг сон жиҳатдан бўлиниши. **Таянч иборалар:** якка хукм, жузъий хукмлар, умумий хукмлар.

**Амалий машғулотни ўтказиш тартиби:**

1. Тингловчи берилган ҳар бир савол бўйича ўз фикрини баён қилади;
2. Қўйилган саволни қандай қилиб қулай ўқитиш методлари ҳақида таклиф беради;
3. Берилган таклиф бўйича бир нечта мисоллар кўрсатади;
4. Таклиф қилинаётган замонавий таълим методининг самарадорлигини исботлайди.

**2-амалий машғулот: Мантиқ фанининг фикрлаш маданиятини ўстиришдаги аҳамияти.**

**РЕЖА:**

**1.Мантиқ илмини ўрганишининг аҳамияти**

**2.Мантиқ фанининг илмий ишонч-еътиқоднинг шакланишида тутган ўрни**

**3.Ўрта асрларда мантиқ илмнинг тараққиёти**

Мантиқни ўрганишда Шарқ алломаларининг ёндашувлари. Абу Райхон Берунийнинг “Ўтмиш халқлардан қолган ёдгорликлар” асари Фалсафа соҳасида муҳим манба.

**1. Мантиқ илмини ўрганишининг аҳамияти**

Мантиқ илмини ўрганиш ҳам назарий, ҳам амалий аҳамиятга эга. Мантиқни билиш, айниқса, илм-фан билан шуғулланиш, илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш, қўпайиб бораётган илмий ахборотларни тартибли равишда ўзлаштириш, илмий масалаларнинг тузилишини тез билиб олиш учун ҳам муҳим рол ўйнайди.

Мантиқ инсон тафаккури маданиятини қўтариш ва инсониятнинг узок тажрибаси натижасида такомиллашган тафаккур шакллари, қонун ва

қоидаларини билиш учун хизмат қилади. У инсон фикрининг кетма-кет, зиддиятсиз ва асосли бўлишини таъминлайди. Мантиқ фани мазмунини чуқурроқ ўрганиш кишиларнинг ўз тафаккури ва ўзгалар тафаккури натижаларига танқидий қарааш хислатларини ривожлантиради. Тафаккурнинг бу сифатлари эса инсоннинг турли илмий ва амалий фаолияти учун катта аҳамиятга эга. Мантиқий усуллардан тўғри фойдалана олиш, таълим-тарбия жараёнида исбот ва раддиянинг мантиқий томонларини билиш инсон нутқининг асосли бўлишини таъминлаб, фикрдаги зиддиятларни очишга ёрдам беради.

Мантиқ ишонч-эътиқоднинг шаклланишида муҳим рол ўйнайди. Фактлар ва бошқа далилларга таянувчи фикр юксак ишонтириш кучига эга бўлади, кишиларда ишонч-эътиқодни мустаҳкамлайди. Билишнинг мақсади илмий асосга эга бўлган эътиқодни яратишдан иборат. Ана шунинг учун ҳам ёшларда илмий асосга эга ишонч-эътиқодни яратиш муҳим аҳамият касб этади. Мантиқан асосланган тўғри фикр ишонч-этиқодни шаклантириш воситасидир. Ишонч-эътиқод эса, инсоннинг комиллик мезонларидан бири ҳисобланади. Чуқур таҳлилга, мантиққа асосланмаган бир ёқлама фикр одамларни чалғитади. Фақат баҳс-мунозара, таҳлилга асосланган тўғри хуносаларгина ҳақиқатни билишга йўл очади.

Мантиқ инсонлар ўртасидаги турли даража ва мазмундаги муносабатларни уйғунлаштиришда, ўзаро мулоқотнинг самарадорлигини оширишда муҳим восита бўлиб хизмат қилади.

Бир қараашда ақлий мушоҳада оддий мантиқий ишга ўхшаб қўринади. Хусусан, мантиқни маҳсус ўрганмаган кишилар баъзан қизиқарли фикрларни билдиришади, баъзи олимларга қараганда ҳаётга тезроқ мослашади. Ана шунинг учун ҳам баъзан мантиқий муҳокама юритиш хислати инсонга табиатан хос, уни мантиқни ўқитиш йўли билан тарбиялаш шарт эмас, деган фикрлар учраб қолади. Бундай фикрнинг хатолигини мутахассислар ўтказган маҳсус илмий тадқиқотлар натижаси кўрсатади. Хусусан, бу борада М.Коен ва э.Моррислар билдириган мулоҳазалар эътиборга лойиқдир: “Кундалик ишларимизнинг кўпини амалга ошираётганда одатга кўра чин деб ҳисоблайдиган фикрнинг ҳақиқатлиги масаласи тўғрисида ўйлаб ўтирумаймиз. Бироқ ўз фикримизнинг чин эканлигига ҳамма вақт ҳам тўла ишонч ҳосил қила олмаймиз, чунки атроф-муҳитда кутилмагандан ўзгариш содир бўлиши ёки ўзимизнинг ўй-хаёлимиз, ё бўлмаса бошқа киши фикри таъсирида ишонган нарсамиз чинлиги ҳақида савол қўйишга мажбур бўламиз.

Бошқача айтганда, ҳақиқатлиги ўз-ўзидан равshan бўлмаган фикр-мулоҳазалар мавжуд. Агар ўқувчига эргашиб келган Сократ сояси суғурта компанияси биносига кираётганида ундан нима қилмоқчилигини сўраса, у

шундай жавоб берган бўларди: “Мен сугурта полиси олмоқчиман”. Агар соя унинг сабаби билан қизиқиб, сўраса, демак, шундай жавоб бўлиши мумкин: “Бир кун мен ўламан, шу сабабли яқинларимни таъминлашни хоҳлайман”. Агар Сократ “бир кун мен ўламан” деган мулоҳаза чин бўлса, унда “ўзинг кўрмаяпсанми, ахир”, деб айта олмайди. Гап шундаки, биз қачон ўлишимизни олдиндан билмаймиз. Лекин бироз ўйлангандан кейин, қуидагича жавоб бериш мумкин: “Сократ, барча тирик мавжудотлар бир куни ўладилар, мен эса тирик мавжудотман, демак мен ҳам бир куни ўламан”.

Юқорида келтирилган савол-жавоб мантиқнинг энг оддий ҳолатларда ҳам кераклигини тасдиқлайди” .

Мантиқ турли хил асосларнинг адекватлиги ва асословчи кучи ҳақидаги масалани тадқиқ этувчи илм соҳасидир. Лекин, анъанага кўра у кўпроқ исботнинг қандай қисмлардан ташкил топишини ўрганади. Яъни тўла ва рад этиб бўлмайдиган асосларни келтиришни талаб қиласиди. Баъзан биз бундай аосларнинг қисман бўлишини ҳам кузатамиз. Бундай ҳолларда хулоса муайян даражада эҳтимолий характерга эга бўлади .

Демак, барча кишилар фикрлайдилар, лекин тафаккурнинг қандай амалга ошишини ҳамма вақт ҳам тушуниб етмайдилар. Халқ орасидан чиққан, юксак мантиқий фикрлаш маданиятига эга, билишнинг мантиқий усулларидан онгли равишда фойдаланадиган буюк олимлар, мутафаккирлар, конструкторлар ижоди натижалари, оддий кишиларнинг кундалик тажриба асосида билдирадиган мулоҳазалари, ҳосил қиласидиган хулосаларидан (улар чин бўлган тақдирда ҳам) фарқли ўлароқ, илмий асосга эга тушунчалар, мулоҳазалар, фаразлар, ғоялар, уларнинг назарий тизими қўринишида юзага чиқади, турли масалалар йечимини гавдалантирувчи лойиҳаларда ўз аксини топади ва бутун инсоният мулкига айланади. Ал-Хоразмий яратган ҳисоблаш усуллари, илк бор Беруний илгари сурган ва кейинчалик Коперник асослаган гелиотцентрик ғоя, Гиппократ, ар-Розий, Ибн Синолар ишлаб чиққан ташҳис кўйиш ва даволаш усуллари, ал-Фарғоний, Мирзо Улуғбекларнинг астрономияга оид кашфиётлари ва бошқалар бунинг яққол ифодасидир.

Тафаккур шакллари ва қонунларини ўрганиш, улардан онгли равишда фойдаланиш фикрлаш маданиятини ўстиради, хусусан, фикрни тўғри қуриш малакасини ривожлантиради; баҳс юритишда ўзининг ва бошқаларнинг фикрига танқидий муносабатда бўлишига, сухбатдошининг мулоҳазаларидаги хатоларни очиб ташлашга ёрдам беради.

Мұхокамани түғри қуришга, формал зиддиятлар, хатоларга йўл қўймасликка эришиш, айтиш мумкинки, ўзига хос санъат – мантиқ санъати ҳисобланади. Бу санъатнинг назарий асосларини чуқур эгаллаган кишигина унинг имкониятларини амалий мұхокама юритишда намойиш қила оладилар. Бу ўринда буюк мутафаккир Форобийнинг мантиқ илмининг аҳамияти ҳақида билдирган қуйидаги фикрларининг алоҳида эътиборга лойик эканлигини таъкидлаш зарур. У шундай ёзади: “Бизнинг мақсадимиз ақлни, хатога йўл қўйиш мумкин бўлган барча ҳолларда, түғри тафаккурга етаклайдиган, унинг ёрдамида ҳар сафар хулоса чиқараётганда адашишга қарши эҳтиёт чораларини кўрсатадиган санъатни – мантиқ санъатини ўрганишдир. Унинг асосий қонун-қоидаларининг тилга бўлган муносабати грамматика санъати қоидаларининг тилини түғрилаш эҳтиёжи сабабли яратилгани, унга хизмат қилиши зарур бўлгани сингари, мантиқ ҳам тафаккур жараёнини яхши амалга ошириш мақсадида хатога йўл қўйиш мумкин бўлган барча ҳолларда ақлни түғирлаб туради” .

Түғри фикрлашнинг мантиқий шакллари ва қонунлари инсоннинг билиш ва амалий фаолиятининг барча соҳаларида қўлланиладиган универсал методологик воситалардир. Фан сифатида формал мантиқ мұхокамани түғри қуришга хос умуммантиқий қонуниятларни ўрнатиш, илмий тадқиқот медодларини ишлаб чиқишига хизмат қиласи, мураккаб мантиқий муаммоларни қўйиш ва ўчиш воситаларини беради. Бундай воситалар, одатда, фан учун илмий назариянинг структурасини шакллантиришда, унда ишлатиладиган формализмнинг моҳиятини тушунтириб беришда, формал зиддиятлар бўлса, уларни аниқлашда мухим аҳамиятга эга.

Мантиқни ўрганиш мантиқий тафаккур маданиятини шакллантириш ва ўстиришнинг самарали воситасидир. Мантиқ түғри мұхокама юритиш усулларини нафақат ишлаб чиқади, балки уларни системага ҳам солади, мұхокамада йўл қўйиладиган типик хатоларни аниқлайди ва тартибга солади. У фикрларни аниқ ифодалаш воситаларини тақдим этади. Бусиз таълимдан тортиб, илмий тадқиқот ишларигача бўлган фикрлаш фаолияти кам самара беради.

Унинг таълим соҳасидаги вазифалари ҳам жиддийдир. Ўқув жараёнининг самарадорлиги маълум бир даражада ишлатиладиган тушунчаларнинг, терминларнинг аниқ бўлишига, муаммоларнинг мантиқан түғри қўйилиши ва ҳал қилинишига, мавжуд гипотезалар структурасини

тўғри таҳлил қила олишга, аргументлаш қоидаларидан тўғри фойдаланишга боғлик.

Фан учун формал мантиқ мураккаб муаммоларни йешиш воситасини беради. Бундай воситалар, одатда, илмий назариянинг структурасини ўрганишда, унда ишлатиладиган формализмнинг моҳиятини тушунтириб беришда, формал зиддиятлар бўлса, уларни аниқлашда муҳим аҳамиятга эга.

Ҳозирги вақтда дунё миқёсида геосиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маданий ахборот-коммуникатсия соҳаларида жиддий ўзгаришлар содир бўлаётган, ғоявий кураш кескин тус олаётган, глобаллашув жараёнининг мафкуравий таъсир ўтказиш қуролига айланётган, ахборот хавфсизлиги масаласининг долзарблиги ортаётган шароитда соғлом тафаккур, тўғри фикрлаш муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, ёшларда уларнинг онгига сингдирилмоқчи бўлган турли кўринишдаги бузғунчи ғояларнинг мазмун-моҳияти, мақсадини ўз вақтида англаш қобилиятини мустаҳкамлаш, мафкуравий иммунитетини кучайтириш, фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя билан курашиш, жаҳолатни маърифат билан енгиш малакаларини ривожлантиришда мантиқий фикрлаш шакллари, қонун-қоидаларини билиш, улардан оқилона фойдаланиш яхши самара беради. Бунинг аҳамиятини биринчи Президентимиз И.А.Каримов қиёслаш асосида содда ва лўнда қилиб қуидагича тушунтирган эди: давлат чегараларининг дахлсизлигини сақлаш учун ҳарбий куч-қудрат, қуролли кучлар қанчалик зарур бўлса, ёш авлод маънавий дунёсининг дахлсизлигини сақлаш учун юксак ақл-идрок ва мантиқий тафаккур кучидан қурол сифатида фойдаланиладиган маънавий тарбия шунчалик зарур .

Мантиқ қонун-қоидаларини билиш давлат хавфсизлиги органлари ходимлари учун алоҳида аҳамият касб этади. Хусусан, ҳарбий хизматдаги командирлар учун ҳарбий бўлинмаларда интизомни сақлашда, хизматдаги ёшларнинг жанговорлик руҳини кучайтиришда, ватанпарварлик туйғусини ўстиришда ҳамда ҳарбий машқлар ва ҳарбий ҳаракатлар давомида вазиятни тўғри баҳолаш, ишончли хулоса чиқариш, қатъий қарорга келишда чуқур ўйлаш, мантиқий фикрлаш муҳим рол ўйнайди.

Мантиқий тафаккур шакллари, усулларини яхши ўзлаштириш ҳуқуқий таълим ва ҳуқуқ амалиётининг ажралмас қисмидир. Бу ҳуқуқ-тартибот ходимиининг касбий фаолияти хусусиятлари: ҳуқуқбузарлик ҳолатларини ўрганишда таърифлаш ва таснифлаш, аргументлаш ва рад этиш каби мантиқий усуллардан доимий равишда фойдаланиши билан белгиланади.

Мантиқни билиш суд версияларини қуришда, жиноятларни ҳар томонлама текширув режаларини тузишда, оператив ҳаракатлар тизимини ишлаб чиқишида, расмий хужжатларни: жиноят содир бўлган жойни кўриб чиқиши ва сўровлар, айбловчи хulosалар, мулоҳазалар ва қарорлар, билдиришномалар ва шу каби протоколларини шакллантиришда ёрдам беради.

Малакали ҳуқуқшунослар ҳар доим мантиқни билишларини амалда намойиш қилиб келганлар. Масалан, иқтидорли адвокат айбловчининг муҳокама юритишидаги хатони пайқаб, унинг қандай хатога йўл қўйганини, бундай хатонинг мантиқда кўриб чиқилиши ва қандай номланишини айтиб бериб, келтирган асослари билан суд мажлиси иштирокчиларини, шу жумладан, мантиқни ўқимаганларни ҳам қойил қолдирган.

Кейинги пайтда вужудга келган нормалар мантиғи ҳуқуқнинг кўп масалаларини соддалаштиришга, масалан, кодекслар ва норматив актлардаги зиддиятларни осон топишга, берилган норма бошқа нормалардан мантиқан келиб чиқадими ва унинг норматив актга киритилишига эҳтиёж борми, янгидан қабул қилинган норматив акт аввал қабул қилинган норматив актларни ортиқча қилиб қўймайдими ёки уни тўлдирадими ва бошқа шу каби саволлар қўйиб, жавоб излашга , уларни аниқлаштиришга имкон беради.

Юқори даражадаги мантиқий маданият раҳбар лавозимини эгаллаб турган кишилар учун жуда зарур. Хизматга доир йиғилишларда раҳбар дискуссияни ташкил этувчи, баҳс-мунозара ҳаками ролини бажаради. Аргументлаш ва танқид қилиш қоидаларини , баҳсда қўллаш мумкин ва мумкин бўлмаган усулларни билиш унга дискуссияни ҳақиқатга эришишга қараб йўналтиришга ёрдам беради.

Раҳбарнинг хизмат вазифаларидан бири бошқарув бўйича қарорлар ишлаб чиқиши ва қабул қилишdir. Мантиқдан хабардорлик раҳбарга қарорнинг ишлаб чиқилиши учун асос бўлган омилларни, қарорда хulosатарзида ифодаланган фикрнинг қандай ҳосил қилинганини тушунтиришга, бошқача айтганда, “қарор қабул қилиш мантиғини” тушунтиришга ва шу тариқа, ходимларнинг унга бўлган ишончининг пайдо бўлиши, амалиётга жорий қилишнинг зарурлигини тушуниб етишига олиб келади.

Формал мантиқ методлари тафаккур жараёнини моделлаштириш, фикрловчи қурилмалар-роботларни яратиш, компьютерлар учун дастурлар тайёрлаш, турли обектларнинг математик моделларини яратиш, ахборот технологиялари, коммуникатсия воситаларини мукаммаллаштириш каби

ишлиарда кенг қўлланилади. Бу ҳолат уларнинг замонавий функцияларининг ҳам етарлича эканлигини кўрсатади.

### **Мантиқ фанининг илмий ишонч-еътиқоднинг шаклланишида тутган ўрни**

Фактлар ва бошқа далилларга таяни б юритиладиган фикр юксак ишонтириш кучига эга бўлади, кишиларда ишонч-еътиқодни мустаҳкамлайди. Билишнинг мақсади илмий асосга эга бўлган эътиқодни яратишдан иборат. Ана шунинг учун ҳам ёшларда илмий асосга эга ишонч-еътиқодни яратиш муҳим аҳамият касб этади. Аргументлаш ишонч-еътиқодни шакллантириш воситасидир. Ишонч-еътиқод эса, инсоннинг комиллик мезонларидан бири ҳисобланади.

Ишонч-еътиқод – бу кишиларнинг хулқ-атвори ва хатти-харакатини белгилаб берадиган қарашлари ва тасаввурларидаидир.

Ватанимизнинг гуллаб-яшнаши, барқарор ривожланиши маълум бир даражада ёшларнинг чуқур билимга, мустаҳкам ишонч-еътиқодга ва, умуман, комил инсон бўлишларига боғлиқ. Бу ҳақда биринчи Президентимиз И.А.Каримов шундай деб таъкидлаган: “Комил инсон деганда биз, аввало, онги юксак, мустақил фикрлай оладиган, хулқ-атвори билан ўзгаларга ибрат бўла оладиган, билимли, маърифатли кишиларни тушунамиз. Онгли, билимли одамларни олди-қочди гаплар билан алдаб бўлмайди. У ҳар бир нарсани ақл, мантиқ тарозисига солиб кўради. Ўз фикр-ўйи, хулосасини мантиқ асосида қурган киши етук одам бўлади” .

Чуқур таҳлилга, мантиққа асосланмаган бир ёқлама фикр одамларни ҷалғитади. Фақат баҳс-мунозара, таҳлилга асосланган тўғри хулосаларгина ҳақиқатни билишга йўл очади.

Баҳс, мунозара юритишнинг, чин фикрларни исботлай билишнинг, хато фикрларни рад этишнинг ўзига хос қонун-қоидалари мавжуд. Бу қоидаларни билиш ҳар бир инсонга, шу жумладан, талабаларга чин фикрни хато фикрдан ажрата билиш, тўғри тафаккурлаш маданиятини шакллантириш имконини беради

### **Ўрта асрларда мантиқ илмнинг тараққиёти**

Бу даврда мантиқий билимларнинг ривожланиши кўпроқ Ўрта ва Яқин Шарқ, шунингдек, Ўрта Осиёда кечади. Қадимги Гретсия давлати, кейинроқ Рим империясининг таназзулга юз тутиши билан илм, фан, маданият Мисрда гуркираб ривожлана бошлайди.

Маълумки, ВИ-ВИИ асрлар антик даврнинг эмирилиши ва феодал ижтимоий муносабатларнинг юзага келиши даври ҳисобланади. Бу даврда Яқин, Ўрта Шарқ, Марказий Осиё мамлакатлари маданий ҳаётида Уйғониш даври бўлади.

Мазкур давр ишлаб чиқаришнинг юқори даражада ривожланиши ва шунга мувофиқ фан, маданиятнинг ҳам юксалиб бориши билан характерланади. Ақл, тафаккур масаласи фақат аниқ фанларнинг эмас, балки фалсафа фанининг ҳам баҳс мавзуига айланди. Шунинг учун Уйғониш даврининг кўпгина файласуф, мутафаккирлари ўзларининг мантиққа доир асарларини яратдилар.

Ўрта Осиёлик қомусий олим Абу Наср Форобий (873-950) биринчилардан бўлиб Аристотел, Порфирийларнинг мантиққа оид асарларига изоҳ ёzádi. Абу Али ибн Сино ўзининг таржимаи ҳолида Аристотелнинг асарларини қайта-қайта ўқиганлиги, лекин фақат Форобийнинг унга ёзган изоҳини («Метафизика тезислари») топиб ўқиганидан сўнггина, уларнинг маъносига тушунганлиги ҳақида ёzádi.<sup>30</sup>.

Шунингдек, Форобий «Мантиққа кириш», «Ақл ҳақида», «Шартли ҳукмлар» каби асарларини яратади. У ўзининг ушбу асарларида мантиқ фанининг предмети, унинг аҳамияти, тушунчалардан ҳукм ва ҳукмлардан хулоса чиқариш (силлогизм) ҳақида фикр юритади. Форобий шунингдек тўғри фикр юритишнинг асосий усул ва воситалари - исботлаш, мунозара-баҳс, индуксия вао дедуксиялар ҳақида ҳам батафсил тўхталади.

Форобийдан сўнг мантиқ илмининг ривожланишига катта ҳисса қўшган мутафаккир Абу Али ибн Сино (980-1037) ҳисобланади. Форобийнинг мантиқ илмига оид асарларини чуқур ўрганганди Ибн Сино ўзининг «Мантиқ», «Донишнома» каби рисолаларини яратди. Шунингдек унинг табобат илмига оид «Китоб аш-шифо» асарининг бир боби мантиққа бағишлиланган бўлиб, у 9 қисмдан ташкил топгандир.

Ўрта аср мантиқий фикрлар тарққиётига озарбайжонлик Бахманёр, арабистонлик Ибн Рушд ва эронлик Насриддин Тусий, Фахриддин Розий, хурросонлик Саъдулдин Тафтазоний каби файласуф, олимлар катта ҳисса қўшганлар.

<sup>30</sup>Қаранг: Материалы по истории прогрессивной общественно-философской мысли в Узбекистане Т.: "Фан", 1976, с.278.

## **Абу Райхон Беруний мантиқ илми ҳақида**

Абу Райхон Беруний (973-1048й.й.) Ўрта асрларнинг буюк қомусий олимидир. Абу Райхон Беруний мантиққа оид асарлар ёзмаган бўлса ҳам, унинг қонун-қоидаларидан, исботлаш усулларидан ўзининг илмий-амалий фаолиятида кенг фойдаланган, мантиқ илмининг билиш жараёнидаги аҳамиятини юқори баҳолаган. Беруний шундай деб ёзади: “Инсон нутққа эга бўлган ва ўзининг мухолифлари билан дунёвий ва охират ишлари ҳақида баҳс-мунозара юритганлиги сабабли ўз сўзларида “мезонга” муҳтож бўлди. Гап ўз зоти билан ростни ҳам, ёлғонни ҳам ўз ичига олиш эҳтимоли борлигидан мезон ёрдамида уни изчил текшириш ва шу йўсинда унинг шубҳали ерини тўзатиш керак бўлган. Зероки, бу билан мубоҳасаларда сўзлардан тузилган силлогизмларнинг кишини адаштирувчи ёлғони ҳам, ҳақиқатни очувчи рости ҳам аён қилинган. Инсон шу мезонни топди. У мантиқ дейилади”.<sup>1</sup>

Мутафаккир мантиқ илмининг билиш жараёнидаги ўрнига юқори баҳо беради. У ўз даври уламоларининг мантиқ илмига бўлган салбий муносабатини қуйидагича изоҳлайди: “...Мантиқ Аристотелга мансуб бўлиб, унинг қараш ва эътиқодларидан эса исломга мувофиқ келмайдиганлари қурилган эди, чунки унинг қарашлари назарий билимдан бўлиб, диндан эмас эди... Ҳа, мантиқ юнонлар тилига ўхшаш алфозда ёзилган ва иборалари янги давр олимларига маълум бўлганига хилоф. Шунинг учун мантиқни тушуниш масаласи ўз-ўзидан нозик бўлиб, у яна қалтислашаяпти, шу сабабли улар ундан узоқлашаяптилар.... Улар ҳақлидирлар, жиноят эса таржимонлар томонидан қилинган. Ҳақиқатан ҳам агар у исмлар арабчага таржима қилинса ва «Кириш китоби», «Категориялар», «Иборалар», «Қиёс ва Исбот» деб айтилса эди, ҳамма уларни эътиroz билдирмай қабул қилишга шошилган бўларди»<sup>31</sup>.

Абу Райхон Беруний табиатшунос олим сифатида илмий методга катта аҳамият беради. Берунийнинг буюк хизматларидан бири табиат ва жамиятни билишнинг илмий методини ишлаб чиққанлигидадир. Беруний илмий методининг асосий принциплари “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” асарида келтирилган. Булар қуйидагилар:

- ақлни бекорчи фикрлардан тозалаш;
- тажрибага асосланиш;
- билишни, аввало, предметни ташкил этувчи элементлардан бошлиш;

<sup>1</sup>. Абу Райхон Беруний. Геодезия. -Т., 1982. -Б.64

<sup>31</sup> Абу Райхон Беруний.Геодезия// Танланган асарлар. Т.З. -Т.: Фан, 1982.-Б. 64-65.

- ҳиссий билишга асосланган дедуксиядан фойдаланиш;
- мантиқий фикрлаш: анализ қилиш ва умумлаштириш;
- кузатиш, таққослаш, қиёслаш орқали ҳақиқатни аниқлаш;
- маълум нарсадан номаълумга, яқиндагидан узоқдагига қараб фикр юритиш;
- узоқ ўтмишни билиш учун предмет, ҳодисанинг тарихи ва у ҳақида бошқаларнинг берган маълумотларини ўрганиш.

Беруний Р.Декарт ва Ф.Беконлардан аввалроқ илмий билиш методини яратиш зарурлигини таъкидлаган ва унинг асосий қоидалари ҳамда принципларини ишлаб чиқсан. Берунийнинг бу масалага оид фикрлари Ғарб файласуфлариникига нисбатан кенг қамровлилиги билан ажралиб туради.

## **Юқоридаги матндан берилган саволларга жавоб ёзинг.**

### **САВОЛЛАРИ**

- 11.Хукмларнинг сон ва сифат жиҳатдан бирлашган таснифи. **Таянч иборалар:** якка ёки жузъий тасдиқловчи хукмлар, умумий тасдиқ хукмлар, умумий инкор хукмлар.
12. Хукмларнинг предикат мазмунига кўра бўлинishi. **Таянч иборалар:** мавжудлик хукми, хусусият хукми, муносабат хукмлари.
13. Мураккаб хукмлар ва уларнинг турлари. **Таянч иборалар:** мураккаб хукмлар, кушувчи хукмлар, шартли хукмлар, айирувчи ёки дизъюнктив хукмлар.
14. Хукмлар орасидаги муносабат (мантиқий квадрат). **Таянч иборалар:** қарама-қарши хукмлар, бир-бирига зид муносабатлар, куйи қарама-қарши муносабатлар, буйсунувчи муносабатдаги хукмлар.
15. Мантикий хulosса ва унинг таърифи. **Таянч иборалар:** мантикий хulosса, асос, асосли натижа, хulosанинг чинлиги.
16. Хulosча чиқаришнинг икки асосий тури. **Таянч иборалар:** воситасиз хulosса, мантиқий квадрат, алмаштириш, айлантириш, предикатга қарама-қарши кўйиши.
17. Дедуктив хulosса чиқариш ва унинг турлари. **Таянч иборалар:** индукция, дедукция, силлогизм, хulosса чиқариш йўллари, силлогизм таркиби.
18. Дедуктив хulosса чиқаришнинг аҳамияти. **Таянч иборалар:** билиш, индукция, дедукция, ривожланиш, кашфиёт, тараққиёт, янгилик.
19. Сифишмайдиган муносабатлар. **Таянч иборалар:** қарама-қарши хукмлар, бир-бирга зид муносабатлар, умумий тасдиқ, умумий инкор, жузъий тасдиқ.
20. Индуктив хulosалаш ва унинг турлари. **Таянч иборалар:** якка, хусусий, умумий, хulosса чиқариш, индукция, тажриба, тўлик, тўлиқсиз индукция, оммавий индукция, илмий индукция, ўхшатиш ва тафовут методлари.

### **Амалий машғулотни ўтказиш тартиби:**

5. Тингловчи берилган ҳар бир савол бўйича ўз фикрини баён қилади;
6. Қўйилган саволни қандай қилиб қулай ўқитиш методлари ҳақида таклиф беради;
7. Берилган таклиф бўйича бир нечта мисоллар кўрсатади;
8. Таклиф қилинаётган замонавий таълим методининг самарадорлигини исботлайди.

**З-амалий машғулот: Тафаккур қонунларига риоя қилиш – билишда ҳақиқатга эришиш шарти.**

### **РЕЖА:**

- 1.АЙНИЯТ ҚОНУНИ*
- 2.НОЗИДЛИК ҚОНУНИ*
- 3.УЧИНЧИСИ – ИСТИСНО ҚОНУНИ*
- 4.ЕТАРЛИ АСОС ҚОНУНИ*

Тафаккурни таснифлашда Ғарб олимларининг қарашлари. Европоцентризм таъсири.

Мазкур фан умуман тафаккурни эмас, балки унинг асосий шакллари ва қонунларини ўрганади. Тафаккурнинг ушбу жиҳатини ўрганиш тўғри, мантиқий фикр юритишнинг зарурий шартидирки, бусиз ҳақиқат, чин билимларга эришиб бўлмайди.

«Ҳақиқат нима, унга қандай қилиб эришилади?», «Ҳақиқатнинг мезони нима?» деган саволларга жавоб топиш учун барча даврларда файласуф, мантиқшунослар бош қотириб келганлар ва бунда, асосан, масаланинг эчимига идеалистик ва материалистик қарашдан туриб ёндашганлар.

Объектив идеализмнинг асосчиси Платон (Афлотун) ҳақиқатни фикрнинг «ғоялар дунёси»нинг «соя»си бўлган буюм, предметларга мувофиқ келишидир, деб тавсифлайди. «Ким агар буюм қандай бўлса, шунга - мувофиқ гапирса,- деб ёзади файласуф,- у ҳақиқатни айтган ва аксинча бўлса, ёлғон, хато гапирган бўлади».<sup>32</sup>

Аристотел(Арасту) ўз салафининг фикрини янада конкретлаштиради: «Кимки йўқ нарсанинг мавжудлиги ҳақида гапирса ёлғонни, лекин мавжуд нарсани бор, мавжуд бўлмаган нарсани йўқ, деб тасдиқласа, ҳақиқатни

<sup>32</sup> Платон.В 3-х т. Т.1.М.; 1968, с. 417

айтган бўлади".<sup>33</sup> Платон ва Аристотел томонидан берилган ҳақиқатнинг (мумтоз) таърифи то ҳозиргача фалсафа, мантиқда ўз аҳамиятини йўқотмасдан таянч таъриф сифатида қўлланилиб келинмоқда. Олмон файласуфи И. Кант ўз вақтида ҳақиқатга Платонча ва Аристотелча қарашнинг чекланганлиги ва бу бўйича унинг (ҳақиқатнинг) энг умумий, ишончли мезонини белгилаб бўлмаслигини таъкидлаган эди. Чунки, унингча, бундай қараш ҳақиқат мезони деб қабул қилинган амалиётни фақат тажрибий-емпирик билимларга нисбатан қўллаш мумкин бўлгани ҳолда, уни априор, (лот. арриори- бошланғич), тажрибадан ташқари билимларга нисбатан қўллаб бўлмайди. «Ҳақиқат нима?- деб ёзади у, - бу- файласуфларни боши берк кўчага киритган, уларни мантиқан бир доирада айлантирган кўхна ва азалий савол. Ҳақиқатнинг номинал таърифига кўра (платонча, арастуча таъриф- изоҳ бизники) у билимнинг предметга мос, мувофиқ келишидир. Лекин энг муҳим масала- бу ҳар қандай билим учун энг умумий ва ишончли мезонни топиш бўлмоғи керак".<sup>34</sup>

Еътироф этиш керакки, гарчи Кант масалага ўзининг субъектив идеалистик қарашидан туриб ёндашган бўлса-да, лекин у кўп жиҳатли ҳақиқат феноменининг моҳиятини платонча, арастуча таъриф тўлиқ очиб бербаолмаслигини англаб этган эди.

Ҳозирги глобаллашув даврида умумжаҳон ва минтақавий миқёсдаги ижтимоий муаммолар эчими тафаккур орқали эришиладиган ҳақиқатнинг моҳиятини, унинг мезоний ўлчовларини қадриятлилик доирасида ҳал этишни тақозо этмоқда. Зотан “ҳақиқат маънавий-ахлоқий ўлчовларда баҳоланилмаса, қадрланмаса, ўз вазифасини бажараолмайди, ҳақиқий ижтимоий мазмунини намоён қилаолмайди”<sup>35</sup>.

Ҳақиқатнинг қадриятлилик (аксиологик) жиҳати унинг эзгулик, гўзаллик ахлоқий-естетик мезоний тушунчалари ва тамойиллари билан ўзаро бирлиқда маънавият тизимининг таркибий қисми, уни юксалтирувчи куч сифатида амал қилиши жараёнида намоён бўлади. Бу ўринда Президентимизнинг қуйидаги дастуриламалий аҳамиятга молик фикрини келтириб ўтиш жоиздир: ”Қаерда... юксак ақл –идрок ва тафаккур хукмрон бўлса, ўша эрда маънавият қудратли қучга айланади”.<sup>36</sup>

<sup>33</sup> Аристотель. Соч.в.4 томах, Т.1, М; 1976, с.141

<sup>34</sup>Иммануил Кант. Критика чистого разума. Растов на Дону. «Феникс»,1999,с.92

<sup>35</sup> Билиш фалсафаси (гносеология). Т., «Университет», 2005, 245-бет

<sup>36</sup>Ислом Каримов. Юксак маънавият- енгилмас куч. Т., “Маънавичт”, 2008, 116-бет.

Тафаккур мураккаб, кўп жиҳатли жараён бўлиб, уни тадқиқ этиш билан бир қатор фанлар (гносеология, тилшунослик, психология, кибернетика, физиология ва б.) шуғулланади. Формал мантиқ бошқа фанлардан фарқли равишдатада факкурнинг шаклларини ва уларнинг ўзаро муайян тамойиллар асосида боғланиш - қонунларини ўрганади. Аниқроқ қилиб айтганда, назарий-мантиқий билишнинг шакллари, усуллари ва уларнинг асосини ташкил этувчи қонунлар формал мантиқнинг предметидир.

Тафаккурни бундай, яъни формал тузилиши жиҳатидан ўрганиш тўғри муҳокама, фикр юритишнинг зарурӣ шартидирки, бу эса чин билимларга, ҳақиқатга эришишнинг дастлабки босқичи ҳисобланади.

Назарий билиш, ҳақиқат муаммоси диалектик ва математик мантиқнинг ҳам тадқиқот объекти бўлиб, ушбу умумийлик мазкур фанларнинг формал мантиқ билан ўзаро муносабатини белгилайди. Арасту асос солган формал мантиқ негизида ХУИИ-ХИХ асрларда юзага келган янги мантиқий системалар, жумладан, математик ва диалектик мантиқда назарий билиш, ҳақиқат масаласи янгича усул, тамойиллар бўйича талқин қилинади. Ва бу формал мантиқнинг ривожланиши учун муҳим рол ўйнайди.

Гегел томонидан ишлаб чиқилган диалектик мантиқ тафаккурни пайдо бўлиш, ривожланишда, унинг шакллари мазмuni ва қонунлари бирлигida ўрганади.

Формал мантиқ тафаккур шаклларини тўғри фикрлаш мақсадини кўзда тутган ҳолда, турли хил мазмунга эга бўлган фикр қисмлари тарзида, умумий

таркибий тузилишда ўрганади. Масалан, тушунча ва ҳукм конкрет мазмун бирлигida эмас, балки муайян структуравий тузилишидаги фикр шакли сифатида олиб қаралади ва бунда уларда қандай предмет англашилаётганлиги фикран соқит қилинади. Диалектик ва формал мантиқ усул, тамойиллари ва қонунларини ўзаро бирликда олиб қараш ва уларни билиш жараёнида қўллаш чин билимларга, ҳақиқатга эришишнинг энг самарали йўлидир.

ХВИИИ асрда европа мамлакатларида илмий-техника тараққиётининг юз берганлиги, айниқса механика ва математика фанларининг амалиёт билан боғлиқ ҳолда ривожланиши анъанавий мантиқ негизида янги - математик мантиқ йўналишининг юзага келишига замин тайёрлади.

Немис файласуфи, математиги Г.Лейбнитс (1646-1716) математик ҳисоблаш методини ишлаб чиқади ва уни мантиққа тадбиқ қиласди.

Ҳисоблаш - бу белги-символлар билан фикрлаш қоидаларининг тизими бўлиб, Лейбнитс улар орқали тафаккур шаклларига (тушунча, ҳукм, хулоса чиқариш) нисбатан қўллайди ва максимал аниқлик даражасида мантиқий муҳокама юритиш усулларини аниқлашга муваффақ бўлади.

Бу ўринда шу нарсани таъкидлаш жоизки, аслида математик мантиқнинг илк асосчиси IX асрларда яшаб ижод этган юртдошимиз, мутафаккир Муҳаммад ал-Хоразмийдир (780-850). У «Ал-жабр ва ал-муқобала ҳисоби ҳақида қисқача китоб» номли асарида ҳисоблашнинг алгебравий (алгоритмли) усулларини ишлаб чиқадики, бу орадан минг йилдан зиёд вақт ўтиб кибернетика фанининг юзага келиши учун асос бўлиб хизмат қиласди. XIX асрнинг ўрталарида келиб математик мантиқ мустақил фан сифатида тўлиқ шаклланади, бунга инглиз математиги, мантиқшуноси Ж.Бул (1815-1864) ва немис файласуфи, математиги Г.Фреге (1848-1925)лар катта ҳисса қўшадилар.

Ж.Бул «Мантиқнинг математик таҳлили», «Фикр қонунларининг тадкиқи» номли асарларида "мантиқ алгебраси" деб аталадиган математик мантиқ системасини ишлаб чиқади.

Г.Фреге биринчи бўлиб мулоҳазалар ва предикатлар мантиғининг аксиоматик тузилишининг формаллашган арифметик системасини тузади. Ва буни у икки томлик «Арифметиканинг асосий қонунлари» деган асарида баёнетади.

Бул, Фрегеларнинг математик мантиққа оид қарашлари, кейинчалик инглиз файласуф, мантиқшунослари Б.Рассел (1872-1970) ва А.Уайтхед (1861-1947)лар томонидан янада ривожлантирилади. XX асрнинг охирларида келиб уларнинг қарашлари негизида интуитив, конструктив, қўп моҳиятли, модалли мантиқ каби математик мантиқ йўналишлари юзага келади. Математик мантиқнинг юзага келиши формал мантиқнинг илмий билиш методологияси вазифасини ўташ имкониятларини оширишга хизмат қиласди.

Фалсафада “қонун” тушунчаси нарса ва ҳодисаларнинг муҳим, зарурий, умумий, нисбий барқарор муносабатларини ифодалайди. Мантиқ илмида эса “қонун” тушунчаси фикрлаш элементлари ўртасидаги ички, муҳим, зарурий алоқадорликни ифодалайди.

Мантиқий тафаккур икки турдаги қонунларга бўйсунади. Улар диалектика қонунлари ва формал мантиқ қонунларидир. Диалектика қонунлари объектив олам ва билиш жараёнига хос бўлган энг умумий қонунлар бўлиб, диалектик мантиқнинг ўрганиш соҳаси ҳисобланади.

Формал мантиқ қонунлари эса фақат тафаккурдагина амал қиласы. Диалектика қонунлари мантиқий тафаккурни унинг мазмуни ва шакли бирлигиде олиб ўрганса, формал мантиқ қонунлари эса, фикрнинг тўғри тузилиши, аниқ, изчил, зиддиятсиз ва асосланган бўлишини эътиборга олган ҳолда ўрганади.

Формал мантиқ қонунлари (ёки тафаккур қонунлари) дейилганда фикрлашга хос муҳим, зарурий боғланишлар тушунилади. Тафаккур қонунлари объектив воқеликнинг инсон миясида узоқ вақт давомида акс этиши натижасида вужудга келган ва шаклланган. Бу қонунлар фикрлашнинг тўғри амалга ошишини таъминлаб турди. Улар тафаккур шакллари бўлган тушунчалар, мулоҳазалар (хукмлар), хулоса чиқаришнинг шаклланиши ва ўзаро алоқаларини ифодалайди.

Тафаккур қонунларига амал қилиш тўғри, тушунарли, аниқ, изчил, зиддиятсиз, асосланган фикр юритишга имкон беради. Аниқлик, изчиллик, зиддиятлардан холи бўлиш ва асосланганлик тўғри тафаккурлашнинг асосий белгиларидир. Булар мантиқий қонунларнинг асосини ташкил этувчи белгилар бўлганлиги учун, уларнинг ҳар бирини алоҳида-алоҳида кўриб чиқамиз.

## *2. Айният қонуни*

Бирор буюм ёки ҳодиса ҳақида фикр юритилганда, уларга хос бўлган барча муҳим белгилар, қамраб олинади. Предмет ҳақидаги фикр неча марта ва қандай ҳолатда такрорланишига қарамасдан доимий, ўзгармас ва қатъий мазмунга эга бўлади. Тафаккурга хос бўлган бу аниқлик хусусияти Айният қонунининг моҳиятини ташкил этади.

**Айният қонунига кўра, маълум бир предмет ёки ҳодиса ҳақида айтилган айни бир фикр айни бир муҳокама доирасида айни бир вақтда ўз-ўзига тенгдир.** Бу қонун формал мантиқ илмида «A–A» дир формуласи билан ифодаланади.

Айният қонуни символик мантиқ илмида, яъни **мулоҳазалар** мантиғи ва **предикатлар** мантиғида ўзига хос кўринишга эга.

Мулоҳазалар мантиғида  $a \rightarrow a$  ва  $a \leftrightarrow a$ . (Бунда,  $a$  – ҳар қандай фикрни ифодаловчи белги,  $\rightarrow$  импликация белгиси,  $\leftrightarrow$  эквивалентлик белгиси.)

Предикатлар мантиғида ( $x(P(x) \rightarrow P(x))$ ) бу ифода қуйидагича ўқилади: ҳар қандай  $x$  учун, агар  $x$  Р белгига эга бўлса,  $x$  шу белгига эга, деган фикр тўғри бўлади.

Айният қонунининг асосий талаби қуйидагича: фикрлаш жараёнида турли фикрларни айнанлаштириш ва, аксинча, ўзаро айнан бўлган фикрларга тенг эмас, деб қараш мумкин эмас. Бу мантиқий тафаккурнинг муҳим шартларидан биридир. Фикрлаш жараёнида бу қонунни билиб ёки билмасдан бузиш ҳолатлари учрайди. Баъзан бу ҳолат бир фикрнинг тилда турли хил ифодаланиши билан боғлиқ бўлади. Масалан, «диалектика қонунлари» ва «табиат, жамият ва инсон тафаккурининг энг умумий қонунлари» ва тушунчалари шаклига кўра турлича бўлса ҳам, мазмунан айнандир.

Тилда мавжуд бўлган омоним ва синоним сўзларнинг қўлланиши ҳам

баъзан турли фикрларнинг ўзаро айнанлаштирилишига, яъни нотўғри муҳокамага олиб келади. Масалан, фалсафий нуктаи назардан ”сифат” тушунчаси ўзига хос мазмунга эга бўлса, хунарманд томонидан бу тушунча ўзгача мазмунда (яроқли, фойдали) қўлланилади. Бир тушунчага касб-хунари, ҳаётий тажрибаси, дунёқараши турли хил бўлган шахслар томонидан турли мазмун юклатилиши ҳам баъзан Айният қонунининг бузилишига сабаб бўлади.

Баҳс-мунозара жараёнида қандай қилиб бўлса ҳам рақибини алдаш ва ютиб чиқиш мақсадида Айният қонуни талабарини атайлаб бузувчилар софистлар деб аталади, уларнинг таълимоти эса софистика дейилади.

Шарқ адабиётида турли маънодаги бир хил сўзларни моҳирлик билан ишлатиб, гўзал шеърий мисралар яратилади. ”Туюқ” номи билан маълум бўлган бу шеърий мисралар сермаънолиги билан инсонга завқ бағишлиайди:

Кўлингдан келганча чиқар яхши от.

Яхшилик қил болам, ёмонликни от.

Насиҳатим ёд қилиб ол фарзандим,

Ёлғиз юрса чанг чиқармас яхши от.

(Фозил Йўлдош ўғли)

Юқоридаги тўртликда “от” сўзининг турли маъларда қўлланилиши Айният қонуни талабининг бузилишини эмас, балки унга риоя қилингандигини ифодалайди.

Шунингдек, ўзбек халқига хос бўлган асия санъатида Айният қонуни талабининг атайлаб бузилишини сўзларнинг ўз маъносида эмас, балки кўчма маъноларда қўлланишини кузатиш мумкин. Бу ўзига хос сўз ўйини бўлиб, унда қўлланиладиган нозик қочиримлар асия айтувчининг маҳоратини кўрсатади ва тингловчиларнинг кулгусига сабаб бўлади. Айтиш мумкинки, ҳаётда, амалиётда тушунчаларнинг турли маъноларда қўлланилиши ғаразли ёки беғараз, яхши ёки ёмон мақсадларга хизмат қилиши мумкин.

Айният қонуни предмет ва ҳодисаларнинг нисбий барқарорлигини ифода этгани ҳолда, тафаккурнинг ривожланишини, тушунчалар ва билимимизнинг ўзгариб, бойиб боришини инкор этмайди. Бу қонун фикрнинг мазмуни предмет ва ҳодисаларни тўлароқ билиб боришимиз билан ўзгаришини эътироф этади ва уни ҳисобга олишни тақозо қиласди. Айният қонуни тафаккурга, унинг барча элементлари, шаклларига хос бўлган умумий мантиқий қонундир. Бу қонуннинг талаблари тафаккурнинг ҳар бир шаклига хос бўлган конкрет қоидаларда аниқ ифодаланади. Тафаккурнинг тушунча, мулоҳаза (ҳукм), хулоса чиқариш шакллари, улар ўртасидаги муносабатлар шу қонунга асосланган ҳолда амалга ошади.

### **3. Нозидлик қонуни**

Инсон тафаккури аниқ, равshan бўлиши билан бирга, зиддиятсиз бўлиши ҳам зарур. Зиддиятсизлик инсон тафаккурига хос бўлган энг муҳим хислатлардан биридир. Маълумки, объектив воқеликдаги буюм ва ҳодисалар бир вақтда, бир хил шароитда бирор хусусиятга ҳам эга бўлиши, ҳам эга бўлмаслиги мумкин эмас. Масалан, бир вақтнинг ўзида, бир хил шароитда

инсон ҳам ахлоқли, ҳам ахлоқсиз бўлиши мумкин эмас. У ё ахлоқли, ё ахлоқсиз бўлади.

Бир вақтнинг ўзида бир предметга икки зид хусусиятнинг тааллуқли бўлмаслиги тафаккурда нозидлик қонуни сифатида шаклланиб қолган. Бу қонун фикрлаш жараёнида зиддиятга йўл қўймасликни талаб қиласди ва тафаккурнинг зиддиятсиз ҳамда изчил бўлишини таъминлайди.

**Нозидлик қонуни айни бир предмет ёки ҳодиса ҳақида айтилган икки ўзаро бир-бирини истисно қилувчи (қарама қарши ёки зид) фикр бир вақтда ва бир хил нисбатда бирданига чин бўлиши мумкин эмаслиги, ҳеч бўлмаганда улардан бири, албатта, хато бўлишини ифодалайди.** Бу қонун «А ҳам В, ҳам В эмас бўла олмайди» формуласи орқали берилади. Мулоҳазалар мантиғида бу қонун қуйидаги формула орқали ёзилади:  $\neg(a \wedge \neg a)$

( формула “а ва а эмас бўлиши мумкин эмас” деб ўқилади.)

Нозидлик қонуни қарама-қарши ва зид мулоҳазаларга нисбатан кўлланади. Бунда қарама-қарши мулоҳазаларнинг ҳар иккаласи ҳам бир вақтда хато бўлиши мумкин; ўзаро зид мулоҳазалар эса, бир вақтда хато бўлмайди, улардан бири хато бўлса, иккинчиси албатта чин бўлади. Қарама-қарши мулоҳазаларда эса, бундай бўлмайди, яъни улардан бирининг хатолигидан иккинчисининг чинлиги келиб чиқмайди. Масалан: “Арасту — мантиқ фанининг асосчиси” ва “Арасту — мантиқ фанининг асосчиси эмас” — бу ўзаро зид мулоҳазалардир. Бу зид мулоҳазаларнинг ҳар иккаласи бир вақтда хато бўлмайди. Улардан биринчиси чин бўлганлиги учун, иккинчиси хато бўлади. Ўзаро қарама-қарши бўлган “Бу дори ширин” ва “Бу дори аччиқ” мулоҳазаларининг эса иккаласи бир вақтда, бир хил нисбатда хато бўлиши мумкин. Чунки дори ширин ҳам, аччиқ ҳамбўлмаслиги, балки шўр, bemaza ёки нордон бўлиши мумкин.

Баъзида икки қарама –қарши фикр айтилганда мантиқий зиддият бўлмаслиги мумкин. Бунда бир масала юзасидан баён қилинган қарама-қарши фикрлар турли вақтда ва турли нисбатда айтилган бўлади. Масалан: “Акмал мусобақада қатнашмади” ва “Акмал мусобақада қатнашди”. Бу мулоҳазалар турли вақтга нисбатан (бир ой аввал ёки кейин), турли муносабатда (сузиш ёки шахмат бўйича) баён қилингани туфайли бир-бирини инкор этмайди. Демак, фикрлаш жараёнида вақт, муносабат ва объект бирлигининг сақланиши Нозидлик қонунининг амал қилиши учун зарурий шарт-шароит ҳисобланади.

Мантиқ илми умуман ҳар қандай зид мулоҳазаларни таъкидламайди, балки бир масала юзасидан бир хил вақт ва муносабат доирасида ўзаро зид, қарама-қарши мулоҳазаларни баён қилиш мумкин эмаслигини таъкидлайди.

Формал мантиқ мантиқий зиддиятлар билан реал ҳаёт зиддиятларини чалкаштириб юборишни қоралайди. Чунки булардан биринчиси тафаккурда йўл қўйиб бўлмайдиган зиддият бўлса, иккинчиси буюм, ҳодисалар тараққиётининг ички манбани ташкил қиласиган диалектик зиддиятдир. Биринчиси субъектив, иккинчиси объектив зиддиятдир.

Нозидлик қонунини билиш ва унга амал қилиш рақибнинг,

сұхбатдошнинг фикрларидағи мантиқсизликни аниқлаш, илмий тахлилни чукур ва изчил мантикий асосда олиб бориш имконини беради.

#### **4. Учинчиси – истисно қонуни**

Учинчиси истисно қонуни Нозидлик қонунининг мантиқий давоми бўлиб, фикрнинг тўлиқ мазмунини қамраб олиб, баён қилинган икки зид фикрдан биричин, бошқаси хато, учинчисига ўрин йўқ эканлигини ифодалайди. Бу қонун «А ё В, ёки В эмас бўлади» формуласи орқали берилади. Мулоҳазалар мантиғида бу қонун қўйидаги формула орқали ёзилади:  $a \vee \neg a$

( формула “а ёки а эмас” деб ўқилади.)

Бу қонун фикрлар ўртасидаги зид муносабатларни ифодалайди. Агарда зид муносабатлар фикрнинг тўлиқ мазмунини қамраб олмаса, икки зид белгидан бошқа белгиларнинг ҳам мавжудлиги маълум бўлса, унда “Учинчиси – истисно” қонуни амал қилмайди.

Масалан:

Талаба имтиҳонда «аъло» баҳо олди.

Талаба имтиҳонда «икки» баҳо олди.

Бу мулоҳазалар муносабатида нозидлик қонуни амал қилади. Чунки бу мулоҳазаларнинг ҳар иккиси ҳам хато бўлиши ва талаба имтиҳонда «ўрта» ёки «яхши» баҳо олиши мумкин.

Агар, «Талаба имтиҳонда «аъло» баҳо олди» ва «Талаба имтиҳонда «аъло» баҳо олмади» мулоҳазаларини таҳлил қисак, унда бу мулоҳазалардан бири чин, бошқаси хато, учинчисига ўрин йўқ эканлиги маълум бўлади. Чунки «яхши», «ўрта» ва «икки» баҳолар – «аъло» баҳо эмас.

**“Учинчиси-истисно” қонуни қўйидаги ҳолатларда қўлланади:**

**1. Алоҳида олинган якка буюмга нисбатан бир хил вақт ва муносабат доирасида ўзаро зид фикр билдирилганда.** Масалан:

Тошкент – Ўзбекистоннинг пойтахти.

Тошкент – Ўзбекистоннинг пойтахти эмас.

Бу мулоҳазалар биргаликда чин ҳам, хато ҳам бўла олмайди. Улардан бири чин, иккинчиси хато, учинчи мулоҳазага ўрин йўқ. “Учинчиси-истисно” қонуни ўзаро зид умумий мулоҳазалар доирасида амал қилмайди. Чунки умумий мулоҳазаларда буюмлар синфига ва шу синфга мансуб ҳар бир буюмга нисбатан фикр билдирилади.

Масалан:

Ҳамма файласуфлар нотиқдир.

Ҳеч бир файласуф нотиқ эмас.

Бу мулоҳазалардан бирининг хатолигидан иккинчисининг чинлиги ҳақида хулоса чиқариб бўлмайди. Бундай ҳолатда «Баъзи файласуфлар нотиқдир» деган учинчи бир мулоҳаза чин ҳисобланади.

**2. Сон ва сифатига кўра ўзаро зид мулоҳазалар баён қилинганда,** буюм ва ҳодисаларнинг синфи ҳақида тасдиқлаб баён қилинган мулоҳаза билан, шу синф буюм ва ҳодисаларининг бир қисми ҳақида инкор этиб баён қилинган мулоҳазалардан бири чин, иккинчиси хато, учинчисига ўрин бўлмайди.

**Масалан:**

Ҳамма файласуфлар табиатшуносдир.

Баъзи файласуфлар табиатшунос эмас.

Бу икки муроҳаза бир вақтда чин ҳам, хато ҳам бўла олмайди. Улардан бири (Баъзи файласуфлар табиатшунос эмас) албатта чин, иккинчиси хато, учинчи муроҳазага ўрин йўқ.

**Демак, Учинчиси истисно қонуни:**

**1.Икки зид якка муроҳазаларга нисбатан.**

**2.Умумий тасдиқ ва жузъий инкор этувчи муроҳазаларга нисбатан.**

**3.Умумий инкор ва жузъий тасдиқ мазмунидаги муроҳазаларга нисбатан қўлланади.**

“Учинчиси-истисно” қонунининг амал қилиши учун олинган зид муносабатларни ифодаловчи муроҳазалардан бири тасдиқ, иккинчиси инкор мазмунида бўлиши ёки тушунчалардан бири ижобий ва бошқаси салбий бўлиши шарт эмас. Олинган икки тушунча ёки муроҳаза бир-бирини ҳажм жиҳатдан тўлиқ инкор этиши кифоя. Масалан, “эркак” ва “аёл” тушунчаларининг ҳар иккиси ижобий бўлиб, “инсон” тушунчасининг тўлиқ мазмунини қамраб олувчи зид белгиларни ифодалайди.

“Учинчиси-истисно” қонунида ҳам, нозидлик қонунидаги каби вақт, муносабат, обьект айнанлигига риоя этиш шарт, акс ҳолда бу қонун ўз кучини йўқотади, фикрнинг изчиллигига зарар етади ва мантиқсизликка йўл қўйилади.

“Учинчиси-истисно” қонуни, бошқа мантиқий қонулар сингари, зиддиятли муроҳазаларнинг чин ёки хатолигини аниқлаб беролмайди. Бунинг учун воқеа ва ҳодисаларнинг ривожланиш қонуниятларини билиш талаб қилинади. Инсон ўз билимларига асосланган ҳолда ўзаро зид муроҳазалардан қайси бири чин ёки хато эканлигини аниқлайди. Бу қонун ўзаро зид муроҳазалар бир вақтда чин бўлмаслигини тасдиқлади.

“Учинчиси-истисно” қонунини билиш, муҳокама юритишда тўғри хулоса чиқариш учун муҳим бўлиб, ўзаро зид қарашларни аралаштириб юборишга йўл қўймайди.

## **5. Етарли асос қонуни**

Тўғри фикрлашга хос бўлган муҳим хусусиятлардан бири асослилик, ишончлилиkdir. Фикрлаш жараёнида буюм ва ҳодисалар ҳақида чин муҳокама юритибгина қолмасдан, бу муҳокаманинг чинлигига ҳеч қандай шубҳа бўлмаслиги учун уни асослаш, исботлашга ҳаракат қилинади. Бунда чинлиги аввалдан маълум бўлган ва ўзаро мантиқий боғланган муроҳазаларга асосланилади, яъни баён қилинган фикрнинг чинлиги аввалдан маълум бўлган, чинлиги тасдиқланган бошқа бир фикр, муроҳаза билан таққосланади. Тафаккурнинг бу хусусияти етарли асос қонуни орқали ифодаланади.

Инсон тафаккурига хос бўлган бу қонунни биринчи марта немис файласуфи ва математиги Г. Лейбниц таърифлаб берган. Унинг таъкидлашича, барча мавжуд нарсалар ўзининг мавжудлиги учун етарли

асосга эга. **Ҳар бир буюм ва ҳодисанинг реал асоси бўлгани каби, уларнинг инъикоси бўлган фикр-мулоҳазалар ҳам асосланган бўлиши керак.** Етарли асос қонунининг бу талаби қуйидаги формула орқали ифодаланади: «Агар В мавжуд бўлса, унинг асоси сифатида А ҳам мавжуд».

Етарли асос қонунида тўғри тафаккурнинг энг муҳим хусусиятларидан бири бўлган фикрларнинг изчиллик билан муайян тартибда боғланиб келиш хусусияти ифодаланади. Бу қонун аввалги кўриб ўтилган қонунлар билан ўзаро боғлиқ ҳолда амал қиласди. Фикрлаш жараёнида берилган мулоҳазанинг чинлигини асослаш учун келтирилган чин мулоҳазалар **мантиқий асос**, берилган мулоҳазанинг ўзи эса **мантиқий натижа** деб юритилади.

Мантиқий асос билан объектив, реал асосни аралаштириб юбориш мумкин эмас. Асос ва натижа орасидаги мантиқий боғлиқликни сабаб ва оқибат алоқадорлигидан фарқлаш зарур. Масалан, «Бу киши бемор», деган мулоҳазани «У шифохонада даволаняпти», деган фикр билан асослаш мумкин. Аслида шифохонада даволаниш дастлабки мулоҳазанинг сабаби эмас, балки оқибатидир. Кўриниб турибдики, мантиқий асос ҳамма вақт ҳам ҳодисанинг сабаби билан мос келмайди. Фикрларнинг етарли асосга эга бўлишининг объектив манбаи фақат сабаб-оқибат муносабатинигина эмас, шунингдек, фикрнинг изчиллиги, асосланганлигини, исботланган бўлиш хусусиятларини ҳам, яъни объектив мазмуни сабаб-оқибат муносабатларидан ташқарида бўлган бошқа муносабатларни ҳам ўз ичига олади.

Фикр-мулоҳазаларни асослаш мураккаб мантиқий жараён бўлиб, унда икки ёки ундан ортиқ ўзаро боғланган муҳокамалар тизимидан фойдаланилади. Кенг маънода бирор мулоҳазани асослаш деганда, шу мулоҳазанинг чинлигини тасдиқловчи ишончли ва етарли далилларнинг мавжудлигини аниқлаш тушунилади. Бу ишончли ва етарли далилларни шартли равишда икки гуруҳга: эмпирик ва назарий асосларга бўлиш мумкин. Булардан биринчиси асосан ҳиссий билиш, тажрибага асослансан, иккинчиси ақлий билиш, тафаккурга таянади. Эмпирик ва назарий билимларнинг чегараси нисбий бўлгани каби, эмпирик ва назарий асослар ўртасидаги фарқ ҳам нисбийдир.

Инсоннинг шахсий тажрибаси макон ва замонда чегараланган бўлиб, сезгилари берган маълумот эса ҳамма вақт ҳам тўғри бўлмайди. Шунга қарамасдан, мулоҳазаларни эмпирик асослашнинг аҳамияти катта, чунки билиш жонли ҳиссий мушоҳададан - бевосита кузатишдан бошланади. Ҳиссий тажриба инсонни ташқи олам билан боғлаб туради. Назарий билим эса эмпирик базиснинг усткурмаси ҳисобланади.

Умумий-чин мулоҳазалар сифатида фанларнинг қонун-қоидалари, тушунчалар таърифи, шунингдек, аксиомалардан фойдаланилади. Буларнинг барчаси назарий асослашнинг рационал ёки демонстратив усуллари бўлиб, улар умумилмий аҳамиятга эга бўлган исботлаш методларининг асосини ташкил этади. Шунингдек, асослашнинг субъектив характерда бўлган ва бевосита тажриба натижаларига ёки назарий фикр юритишга тааллукли бўлмаган усуллари мавжуд. Интуиция, эътиқод, авторитет ва урф-одатларга асосланиш шундай усуллар жумласига киради. Бу усуллардан кўпроқ

кундалик онг даражасида фойдаланилади. **Интуиция** ҳеч қандай муҳокама ва исботларсиз түғридан-түғри ҳақиқатга эришиш қобилиятини ифодалайди. “Интуиция” сўзи – лотинча “интуитио” сўзидан олинган бўлиб, «диққат билан тикилиб қарайман», деган маънони билдиради. Интуиция билиш жараёнида сезиларли аҳамиятга эга бўлиб, ҳиссий ва ақлий билишдан ўзгача бир кўринишни ташкил этмайди; ўзига хос фикр юритиш, тафаккур қилиш усулинни ифодалайди. Интуиция орқали инсон мураккаб ҳодисаларнинг моҳиятини, унинг турли қисмларига эътибор бермаган ҳолда, фикран яхлит қамраб, тушуниб олади. Бунда тафаккур жараёнининг алоҳида қисмлари у ёки бу даражада англанмайди ва асосан фикр юритиш натижаси – ҳақиқатгина англанган ҳолда аниқ, равshan қайд этилади. Интуиция ҳақиқатни аниқлашда етарли асос ҳисобланса-да, лекин бу ҳақиқатга бошқаларни ишонтириш учун етарли ҳисобланмайди.

Эътиқод – кишининг ишончини қозонган ва шунинг учун ҳам унинг фаолиятида хатти-харакатларини белгилаб берадиган, унинг дастури бўлиб хизмат қиласиган қарашлар мажмуасидан иборат. Эътиқод чинлиги исботланган мулоҳазаларга ёки танқидий таҳлил қилиб кўрилмаган, чинлиги номаълум бошланғич билимларга асосланган бўлиши мумкин. Интуиция каби эътиқод ҳам субъектив характерда бўлиб, давр ўтиши билан ўзгариб туради. Албатта, эътиқод ҳақида фикр юритганда кўр-кўрона эътиқод билан тарихий ва ҳаётий тажриба натижаси бўлган, билимга асосланган эътиқодни фарқлаш зарур. Фақат илмий билимга асосланган эътиқодгина фикр ва мулоҳазаларнинг чинлигини аниқлашда етарли асос бўлади. Шунинг учун ҳам улар инсон қалбида мустаҳкам ўрнашиб қолади. Президентимиз И.А. Каримов: «Миллий мафкура – бу халқнинг, миллатнинг ўтда ёнмайдиган, сувда чўкмайдиган ўлмас эътиқодидир<sup>37</sup>», - деганда айнан шуни назарда тутган эди.

**Авторитет** (авторитас – ҳокимият, таъсир) – кенг маънода ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида бирор шахснинг ёки ташкилотнинг кўпчилик томонидан тан олинган норасмий таъсиридир. Етарли асос қонуни билан боғлиқ бўлган масалаларни ҳал қилишда “авторитет” тушунчаси обрўли, эътиборли, нуфузли манба маъносига қўлланади. Авторитетларга асосланиш деганда эса, бирор фикр, мулоҳазанинг чинлигини асослашда обрўли, эътиборли, нуфузли манбаларга мурожаат қилиш тушунилади. Нуфузли манба сифатида алоҳида шахсларнинг фикр ва мулоҳазалари, мукаддас диний китоблардаги битиклар, хусусан, “Қуръон”да ёзилган сура ва оятлар, ҳалқ мақоллари ва ҳикматли сўзлардан фойдаланилади.

Авторитетларнинг амал қилиш доираси ва давомийлиги турли хил бўлади. Вақт ўтиши ёки амал қилиш доирасининг ўзгариши авторитетларнинг мавқеини тушириб юбориши мумкин.

Кенг доирада амал қиласиган ва доимий, мунтазам бўлган

<sup>37</sup> Каримов И.А. Миллий истиклол мафкураси-ҳалқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончdir: FIDOKOR газетаси мухбири саволларига жавоблар.-Т.: Ўзбекистон. 2000, 30-б.

авторитетларгина фикр-мулоҳазаларнинг чинлигини аниқлаш учун етарли асос бўлади. Бундай авторитетлар тарихий шароит ва сиёсий ўзгаришларнинг таъсирида ўз қадр-қимматини йўқотмайди, вақт синовига бардошли бўлади. Умуминсоний маънавий маданият хазинасидан жой олган буюк мутафаккирларнинг ҳикматли сўзлари, умуминсоний-ахлоқий қадриятлар, халқларнинг ижтимоий-тарихий тажрибасини акс эттирган мақоллар фикр-мулоҳазаларнинг чинлигини асослашда етарли далил ҳисобланади.

Авторитетларга асосланиш билан **авторитар тафаккурни** ўзаро фарқлаш зарур. Авторитарлик – асосланганликнинг ўзгарган, бузилган кўриниши бўлиб, унда мулоҳаза юритиш ва унинг чинлигини аниқлаш вазифаси авторитетлар зиммасига юкланди.

Авторитар тафаккурлашга мойил киши бирор муаммони ўрганишдан аввал ўзини «асосий мулоҳазалар йиғиндиси» билан чеклаб қўяди. Бу мулоҳазалар йиғиндиси тадқиқотнинг асосий йўналишини белгилаб беради ва кўпинча аввалдан маълум бўлган натижани келтириб чиқаради. Дастребки асос бўлган фикрлар тизими намуна сифатида қабул қилинади ва бошқа фикрлар унга бўйсундирилади. Агар асосий мулоҳазаларнинг деярли барчаси авторитетлар томонидан айтилган бўлса, унинг давомчиларига бу фикрларни тушунтириш ва изоҳлаш қолади, холос. Бу янгиликлардан ва ижодийликдан маҳрум бўлган фикр юритиш усули бўлиб, диалектик тафаккурга зиддир. Авторитетлар, нуфузли манбалар, жамият аъзолари, хусусан, ёшларда миллый мафкура ва миллый ғояни шакллантиришда асосий омиллардан биридир. Шу ўринда матбуотнинг, айниқса, радио ва телевидениенинг у ёки бу манбанинг авторитет деб тан олинишидаги роли эътиборлидир. Бу ҳақда И. Каримов: «Бизнинг матбуотимиз, телевидениемиз ҳам тарихга оид мақолалар чоп этганда, кўрсатувлар тайёрлаганда бир кишининг фикрини ягона ҳақиқат сифатида қабул қилинишига йўл қўймаслиги даркор. Муайян масалада турли фикрларни бериш, баҳс орқали ҳақиқат ойдинлашувига эришиш лозим<sup>38</sup>», деб таъкидлаган.

Авторитетлар масаласи мураккаб ва кўп кирралидир. Шу сабабдан фикр-мулоҳазаларнинг чинлигини асослашда авторитет ҳисобланган фикрлардан конкрет шароитга мос равишда, меъёрга амал қилган ҳолда фойдаланиш зарур.

**Урф-одат** авлоддан авлодга мерос бўлиб ўтадиган ва муайян жамият ёки ижтимоий гуруҳ томонидан қабул қилинган бир хил шаклдаги хатти-ҳаракат, хулқ-атвор усули бўлиб, кишиларнинг турмуш тарзи ва фикр юритишига маълум даражада таъсир кўрсатади. Урф-одатларга асосланган ҳолда фикр юритиш ва ҳаракат қилиш кўпинча кишиларнинг турмуши, ахлоқий меъёрлар ва халқ маросимлари доирасида намоён бўлади. Миллый ғоя ва миллый мафкура урф-одатлар орқали ҳам жамият аъзоларининг онгига сингиб боради. Жамият ёки ижтимоий гуруҳ томонидан бирор шахс ёки воқеа-ҳодисага нисбатан бўлган муносабат муайян урф-одатлар билан асосланади. Бунда бирор хатти-ҳаракатни асослаш учун «урф-одатларимизга

<sup>38</sup> Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Мулоқот., 1998.5-сон, 15-б.

кўра...», деб фикр юритилади.

Фикр-мулоҳазаларни асослаш мураккаб мантиқий жараён бўлиб, унда бир ёки ундан ортиқ ўзаро боғланган муҳокамалар системасидан фойдаланилади. Мулоҳазаларнинг чинлигини асослаш тафаккурнинг энг муҳим хусусиятларидан бири бўлиб, фикрларимизнинг мантиқли, тартибли, ишонарли бўлишини таъминлайди.

Шундай қилиб, тўғри тафаккурнинг юқорида кўриб ўтилган қонунларининг ҳар бири чин билимга эришиш учун хизмат қиласди. Бу қонунлар тафаккур жараёнида алоҳида-алоҳида ёки бирин-кетин эмас, балки бир вактда, биргаликда фикрлар боғланишининг характеристига қараб амал қиласди. Айният қонунига кўра, фикрлаш жараёнида ҳар бир мулоҳаза қатъий мазмунга эга бўлиши, айнан шу фикр доирасида ўзгармаслиги талаб қилинади. Бу талабнинг бузилиши фикрда мантиқий зиддиятларни келтириб чиқаради. Зид мулоҳазаларнинг чин ёки хатолигини аниқлаш уларни мантиқий асослашни тақозо этади.

Демак, бу қонунларнинг талаблари бир-бирини тўлдирган ҳолда мантиқий тафаккурнинг чин бўлишини таъминлайди.

## **Юқоридаги матндан қўйида берилган саволларга жавоб топинг**

### **САВОЛЛАР**

1. Индуктив хulosалашнинг илмий-амалий аҳамияти. **Таянч иборалар:** индуктив билиш, индуктив қузатиш, тажриба, эксперимент, натижа, янгилик, амалиёт.
2. Индуктив хulosса чиқаришнинг тўлиқ ва тўлиқсиз шакллари. **Таянч иборалар:** индуктив хulosалаш таснифи, тўлиқ хulosалаш, тўлиқсиз хulosалаш, синф, гурух, тур, индукция шартлари, статик индукция, ўхшатиш методи, тавофут методи.
3. Айлантириш орқали хulosса чиқариш. **Таянч иборалар:** айлантириш, алмаштириш, қисқартирилган алмаштириш, соф ва кенгайтирилган алмаштириш.
4. Муаммоларни ечиш йўллари ва уларнинг ҳаётий аҳамияти. **Таянч иборалар:** муаммолар моҳияти, муаммолар таснифи, тажриба, амалиёт, кашфиёт, синаш, қузатиш, хulosса, якун.
5. Предикатга қарама-қарши қўйиш. Таянч иборалар. Қарама-қаршилик, қисман мослик, бўйсуниш муносабати.
6. Тўлиқсиз индукция ва уларнинг шартлари. **Таянч иборалар:** индукция, тасодиф, зиддиятсиз холатлар, статистик умумлаштириш, оммавий индукция, илмий индукция принциплари, танлаш, рад қилиш принциплари, эҳтимолликни ифодаланиши.
7. Тафовут методи ва ўхшатиш методлари. Уларнинг боғланиш шартлари. **Таянч иборалар:** тафовут, айният, зиддият, тафовут холати, тафовут қоидаси, тафовут методи схемалари.

8. Мантиқий квадрат ва хulosса чиқариш. **Таянч иборалар:** қарама-қарши, зидлик, бўйсуниш, муносабат.
9. Воситали ва воситасиз хulosса чиқариш ва унинг шартлари. **Таянч иборалар:** хulosса, натижа, асос, мантиқий квадрат, алмаштириш, предикат, айлантириш.
10. Шартли силлогизм ва унинг турлари. **Таянч иборалар:** силлогизм, асос, қатъий, соф, тасдиқловчи, модус, конструктив, деструктив.
11. Қисқартирилган қатъий силлогизмлар. Уларнинг ўзига хослиги. **Таянч иборалар:** силлогизм-энтимема, катта асос, кичик асос, хulosаси қолдирилган энтимемалар.
12. Мураккаб силлогизмлар. Уларнинг ижтимоий моҳияти. **Таянч иборалар:** полисиллогизм-мураккаб силлогизм, прогрессив. Регрессив. Эпихейрема, ўрта термин, соритлар.
13. Хукм терминлари, уларнинг таърифлари ва моҳияти. **Таянч иборалар:** хукм, субъект, предикат, боғловчи аниқ белги, янги белги, кесим элементлари.
14. Хукм элементлари. Уларнинг илмий аҳамияти. **Таянч иборалар:** эга, кесим, субъект, предикат, боғловчи.

**4-амалий машғулот. Даилилларга таянган ҳолда фикр юритиш-илмий билишнинг мантиқий асоси. Мантиқий парадокс.**

#### **РЕЖА:**

1. Даилилаштириши ва ишонч-эътиқоднинг шаклланиши жараёни
2. Исботлаш, унинг маркиби ва турлари.
3. РАДДИЯ. РАД ЭТИШ УСУЛЛАРИ.

Мантиқий парадокс. Илмий муаммо тушунчаси. Мантиқий таҳлил ва унинг структураси. Мантиқий боғлиқлик.

#### **Даилилаштириш ва ишонч-эътиқоднинг**

#### **шаклланиш жараёни**

Мантиқ фани тўғри фикр юритиш қонун-қоидалари, шакллари билан биргаликда фикрнинг асосланилган бўлишшлиги масаласи билан ҳам

шуғулланади. Шунга кўра мантиқ фанида фикрнинг асосланилиши, далиллаш маҳсус мавзуи ҳисобланилади.

**Далиллаш тўғри фикр юритиш ва шу орқали чин билим, ҳақиқатга эришишнинг муҳим қонуниятидир.** Оддий муҳокама юритишдан тортиб илмий - назарий билимларга эришиш мана шу қонуният, тамойилларга риоя қилишни талаб этади. Далиллаш қуйидаги бир-бири билан боғлик вазифаларни бажаради:

- 1) фикрнинг хато ва чинлигини асослаш ;
- 2) ҳақиқатга эришиш;
- 3) эътиқодни шакллантириш;
- 4) кишиларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш.

Далиллаш чин билимларга эришиш, илмий назарияларни шакллантиришнинг усули бўлиш билан биргаликда муайян қараш, ғояларни кишилар эътиқоди, фаолиятлари мотивига айлантиришнинг муҳим воситаси бўлиб ҳисобланади. Шунга кўра далиллаш жараёнида ижтимоий, психологик лингвистик омиллар муҳим роль ўйнайди.

Далиллашда тафаккурнинг қонун-қоидалари ва шаклларининг тамойиллари ўзаро бирликда қўлланилади ва бу асосан фикрнинг чин ёки хатолигини асослашга қаратилган бўлади.

**Далиллаш деб муҳокама, илмий тахмин, қарашларни бевосита ва воситали асословчи мантиқий усулга айтилади.**

Далиллаш янги назарий билимларнинг ҳосил қилиниши ҳамда кишиларда иймон-эътиқод, дунёқарашнинг шаклланишида муҳим роль ўйнайди. Дарҳақиқат, ҳар қандай илмий назариялар асосланилган билимлар тизимиdir. Шунингдек, ҳеч бир эътиқод, дунёқараш йўқки, у далиллашни тақозо этмаган бўлсин.

Маълумки, ҳар қандай назарий билимлар тизими- фанлар текширилаётган нарса, ҳодисанинг сабабини аниқлаш орқали юзага келади. Абу Наср Форобий ўзининг «Иҳсо ал-улум» («Илмларнинг келиб чиқиши») номли рисоласида ҳар бир фан соҳаси, илмий билимлар оламдаги субстанция

(жавҳар) ва (ораз) сабабларини далиллаш эҳтиёжи юзага келгандан кейин шаклланишигини таъкидлайди.<sup>39</sup>

Далиллаш, айниқса, кишиларда иймон-эътиқод, дунёқарашини шакллантиришда белгиловчи роль ўйнайди. Эътиқод -бу кишиларнинг у ёки бу ғоя, қарашлар ҳақидаги тасаввурлари, фаолиятларининг ички мотивига, туйғусига айланган, ботинлашган билимларидир. .

Эътиқод кишиларнинг ор-номуси, иймони билан боғлиқdir. Шунинг учун қўплаб кишилар ўз эътиқодлари йўлида қурбон бўлишни шараф деб биладилар. Эътиқод асосини ташкил этувчи қараш, ғоялар шунчалик чин ва хатолик мезони билан ўлчанмайди, чунки улар кишилар учун қадриятли аҳамиятга молик бўлади. Шунга кўра улар кишилар томонидан ҳиссий билиш хамда онги, тафаккури ўз-ўзига қаратилиши даражасида идрок этилади. Эътиқод ҳар қандай дунёқарашнинг негизи ҳисобланади. Шунга кўра у диний, фалсафий ва назарий эътиқодларга ажralади. Лекин эътиқод қандай шакл, қўринишда бўлмасин, унинг шаклланиши бевосита мантиқий омил билан шартланган бўлади.

Коммунистик мафкура ҳомийлари узоқ йиллар мобайнида диний эътиқодга қарши кураш олиб бордилар ва бунда унга фан, илмни қарши қўйдилар. Аникроғи, фандан худонинг йўқлигини асословчи восита сифатида фойдаланишга уринадилар.

Лекин кишилик тарихида фан динга зид бўлмаган, балки ўзаро диалектик бирликда ривожланган, шаклланган.

Германиялик олим Динард инсоният маданиятига улкан ҳисса қўшган 290 нафар олимнинг фикрини ўрганиб чиқиб, қуидагини аниқлаган: 290 кишидан 20 киши ҳеч бир аниқ эътиқодга эришмаган, 242 киши худога ишонувчи, фақат уларнинг 20 таси дин билан қизиқмаганлар.

Ҳозирги замон фани микро ва макроолам сарҳадига қанчалик чуқур кириб борар экан, унинг мўъжизаларига янада кўпроқ дуч келмокда. Баъзи илм аҳллари бундай мўъжизалар олдида лол қолганлари ҳолда, ўзларининг эътиқодларини ҳам ўзгартирадилар-дахрийликдан қайтиб Худонинг бараҳақлигига иймон келтирадилар. Бу ўринда инсоният тарихида биринчи бўлиб Ой сатҳига қадам қўйган америкалик астронавт Нейл Армстронгнинг насронийликдан кечиб мусулмонликни қабул килганини кўрсатиш

<sup>39</sup> Қаранг: «Форобий Абу Наср..Илмларнинг келиб чиқиши тўғрисида. //Фозил одамлар шахри. Тошкент, Абдулла Қодирий номли халқ мероси нашриёти. 1993, 175-бет.

характерлидир. (Бу ҳақида батафсил қаранг; "Илохий мўъжизалар". Тошкент, "Чўлпон", 1995, 26 -бет.)

Кишиларимизда, хусусан, ёшларда миллий ғояни иймон-эътиқод даражасида шакллантириш талаб этиладики, бу мураккаб вазифанинг бажарилишида далиллаш мантиқий усули энг муҳим восита бўлиб хизмат қиласди. Бугунги кунда миллий ғоя, мафкурани ҳар бир жамият аъзосининг қалби ва онгига сингдириш, дунёқарашига айлантириш муҳим вазифалардан ҳисобланади.

И.А Каримов «Туркистон» газетасининг мухбири саволларига берган жавобида мафкура, маънавиятнинг моҳиятини изоҳлаб берар экан, бунда энг муҳими мустақиллик ғоясини кишилар онги ва қалбига сингдириш эканлигини алоҳида таъкидлайди. Зотан, деб кўрсатади Президентимиз, мустақиллик ғояси асосида иймон-эътиқодли, мустақил фикрловчи, фидокор комил инсон маънавиятини шакллантириш муаммоси ётади.<sup>40</sup>

Мазкур вазифа барча ижтимоий институтлар, давлат ва нодавлат ташкилотлари, ўрта ва олий мактаб ва бошқа тизимлар фаолиятининг ўзаро ҳамкорлигига амалга ошириладики, бунда далиллаш тамойилига асосланиш талаб этилади. Чунки ҳар қандай ғоя, қарашларнинг чин, ҳақиқатлиги далиллаб берилгандагина улар кишиларнинг ишонч, эътиқодига, фаолиятининг мотиви, мақсадига айланадилар.

Исботлаш ва рад этиш далиллашнинг мантиқий асосини ташкил этади. Бунда фақат мантиқий жиҳат ҳисобга олингани ҳолда далиллашнинг бошқа (ижтимоий, психологик, лингвистик) омиллари фикран соқит қилинади. Шунинг учун у ёки бу қараш, ғоялар, гарчи мантиқан асосланиб берилса-да, кишиларнинг эътиқодларига айланмаслиги мумкин ва, аксинча, мантиқан асосланмаган билимлар кишилар амалий фаолиятлари учун дастуриламал сифатида амал қилиш мумкин.

## 2§. Исботлаш, унинг таркиби ва турлари.

<sup>40</sup> Қаранг: «Туркистон» газетаси, 1999, 2-феврал, 1-бет.

**Исботлаш** деб берилган ҳукмнинг чинлиги бошқа чин ҳукмлар ёрдамида асосланувчи мантиқий усулга айтилади. Бунда берилган ҳукмнинг чинлиги келтирилган далил- ҳукмларнинг чинлигидан мантиқан келтириб чиқарилади.

Исбот уч таркибий элементдан ташкил топган бўлади: **тезис, асослар(аргументлар), намойиш этиши -исботлаш усули.**

Тезис (грекча тхесис- қоида, фикр) -бу чинлиги асосланиши талаб этиладиган муҳокамадир. Тезис сифатида назарий ва амалий аҳамиятга молик муаммовий ҳукмлар олинади. Бундай аҳамиятга эга бўлмаган, шунингдек, аксиоматик тарздаги муҳокамаларни исботлашнинг кераги бўлмайди. Масалан: "Балиқ сувда яшайди", «Амударё-Марказий Осиёдаги дарё» ҳукмларини тезис сифатида қабул қилиб бўлмайди. Агар уларни "Окун балиғи чучук сувда яшайди», «Амударёнинг суви йил сайин камайиб бормоқда» ҳукмларига айлантиrsак, улар тезис мақоматини олади.

Тезис исбот этишнинг бош элементи ҳисобланади, чунки исботлашнинг сўнгти мақсади- берилган тезиснинг чинлигини асослашга қаратилган бўлади. Тезисни аниқ ифодалаш, илгари суриш, ва уни асослай билиш мантиқий фикр юритишнинг муҳим шарти ҳисобланади. Муҳокама юритишдаги ноаниқлик, мавҳумлик, зиддиятлилик кўпгина ҳолларда ана шу шартнинг бузилиши натижаси ўлароқ содир бўлади. Ифодаланётган фикр мазмуни ва муҳокама тизимида тутган мавқеига кўра тезис бош ва иккинчи даражали бўлади.

Бош тезис — бу муҳокама тизимида исбот этилиши талаб этиладиган асосий фикр бўлиб, унинг мазмуни иккинчи даражали тезисларнинг асосланиши орқали очилади. Иккинчи даражали тезис деб бош тезисга бўйсунувчи ва чинлиги мустақил тарзда асосланиши талаб этадиган муҳокамага айтилади. Иккинчи даражали тезислар муайян, концепция, нуқтаи-назарларнинг асосланишида илгари сурилади. Ва бунда улар бош тезисни асослаш учун хизмат қиласди. Мисол тариқасида И.Каримовнинг 25 июль 1996 йил Вазирлар маҳкамасида сўзлаган нутқини олиб қарайлик. Мазкур нутқда илгари сурилган бош тезис: "Ўзбекистон Республикасида туб бурилиш юз берди ва унинг иқтисодиётида жадал ўсиш даври бошланди" қуйидаги иккинчи даражали тезисларнинг асосланиши орқали исбот этилади.

1. Иқтисодиётимизни муваффақиятли ислоҳ этишнинг энг муҳим натижаси бўлмиш мустаҳкам макроиқтисодий барқарорликка эришилди.
2. Миллий валютамиз, сўмимиз мустаҳкамланди.

3. Хусусийлаштириш жараёни чуқурлашди ва кенгайди.

4. Мўлжалланган инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш натижасида иқтисодиётда таркибий ўзгаришлар юз берди.<sup>41</sup>

Муҳокама юритишда бош тезисни белгилаш ва ундан иккинчи даражали тезисларни келтириб чиқариш исбот этиш жараёнининг зарурий шартидир.

Далил (*лотинча аргументум*) мантиқий асос- тезиснинг чинлигини асословчи муҳокамалардир. Далилда тезисда ифодаланёттан натижа, оқибатнинг мантиқий асоси кўрсатилади. Масалан: "Аристотель-дуалист файласуф" (тезис), "Чунки у моддий ва руҳий субстанция (жавҳаларни) тенг аҳамиятга эга бўлган ибтидолар деб ҳисоблайди". (аргумент).

Исботлашда аргумент вазифасини амалиётда аниқланган билимлар ўтайди. Шунга кўра фактлар, тарифлар, қоидалар, аксиома, постулатлар, илмий назариялар аргументлар сифатида келтирилади.

Фактлар-бу чинлигига ҳеч қандай шак-шубҳа бўлмаган билимлардир. Рус физиологи П.П.Павлов фактларнинг илмий билишдаги роли ҳақида шундай деб ёзган: "Фактлар олим учун ҳаводир. Усиз парвоз қилиш мумкин эмас". Фактлар ашёвий, рақамли (статистик маълумотлар) ва бошқа шаклларда бўлади.

Фактлар инкор этишда ҳам муҳим далил ҳисобланади. Исботда берилган тезиснинг чинлиги қўпинча инкор - рад орқали кўрсатиладики, бунда асосан фактларга мурожат этилади. Бу ҳақида кейинроқтўхталамиз.

Исбот этиш ўз моҳиятига кўра муҳокамалардан янги муҳокамаларга мантиқан ўтиш ҳисобланадики, бунда уларнинг таъриф-қоидалар тарзидаги ҳукмлар бўлишилиги талаб этилади. Масалан: "Вертикал бурчаклар teng" деган теорема (тезисни) исботлашда биринчи галда "Вертикал бурчак" тушунчасининг таърифига: "Агар икки бурчакдан бирининг томонлари иккинчи томонларининг тўлдирувчи ярим тўғри чизиқлари билан бўлса, бу икки бурчак вертикал бурчак дейилади"га таянилади.

Аксиома (грекча ахиома-шуҳбасиз), постулат (*лотинча постулатум* - талаб даражаси) ўзгармас ҳақиқат даражасидаги билимлардир. Шунинг учун улардан исбот этишда асосий далиллар сифатида кўлланилади. Аксиома, постулатлар амалиётда қайта-қайта синаб кўрилган, умумий қоида сифатида

<sup>41</sup>Қаранг: "Халқ сўзи" газетаси, 26 июль, 1996 йил, 1-бет.

қабул қилинган билимлардир. Ҳар бир фан ўз аксиома, постулатларига эга бўлиб, (масалан, математикада аксиомалар вазифасини чинлиги исботланган формуалалар, геометрияда теоремалар ўтайди) улар воситасида яна янги формула ва теоремалар ҳосил қилинади.

Ижтимоий фанлар соҳасида кишилик тарихи тараққиётининг барча этапларида синалган ва умумий қонуният мақоматини олган тамойиллар аксиомалар сифатида қабул қилинади. Масалан: "Бозор иқғисоди-жамият тараққиётининг бош омили", деган тамойил аксиоматик характерига эга бўлиб, у бугунги кунда собиқ социалистик мамлакатлар ўзларининг тараққиётини мазкур тамойил асосида амалга ошироқдалар.

**Исботлаш усули – демонстрация** тезис билан аргументлар ўртасидаги мантиқий алоқадан иборат. У хulosа чиқариш шаклида бўлади, яъни тезис аргументлардан хulosа сифатида мантиқан келтириб чиқарилади.

Исботлашнинг икки тури мавжуд: бевосита исботлаш, бавосита исботлаш. **Бевосита исботлашда** тезиснинг чинлиги тўғридан-тўғри аргументлар билан асосланади, унда тезисга зид бўлган ҳукмлардан фойдаланилмайди. Тезис кўп ҳолларда якка ҳодисани ифода қилиб келади ва маълум бир умумий билимдан, масалан, қонундан аргумент сифатида фойдаланилиб, унинг чинлиги асосланади. Масалан, «Ўзбекистон – мустақил давлатдир», деган ҳукм (тезис)нинг чинлиги «Ўзбекистоннинг мустақил давлат деб эълон қилиниши, унинг халқаро миқёсда эътироф этилиши» каби асослар ёрдамида исботланади.

**Бавосита исботлашда** эса тезиснинг чинлиги унга зид бўлган ҳукмнинг (антитетиснинг) хатолигини кўрсатиш орқали асосланади. Антитетис қандай шаклда ифодаланган бўлишига қараб апагогик исботлаш ва айирувчи исботлаш фарқ қилинади. **Апагогик исботлаш** тезис (а) ва антитетис (а) ўртасидаги муносабатга асосланади. Масалан, «Материя ҳаракатсиз мавжуд эмас», деган ҳукмнинг чинлигини асослаш учун унга зид бўлган «Материя ҳаракатсиз мавжуд», деган ҳукм олинади.

Апагогик исботлашда антитетис топилиб (1-босқич), вақтинча чин деб қабул қилинади ва ундан маълум бир натижа келтириб чиқарилади (2-босқич), сўнгра бу натижаларнинг хатолиги кўрсатилади (3-босқич) ва демак, тезиснинг чинлиги исботланади. Масалан, «Материя ҳаракатсиз мавжуд», деган ҳукм чин бўлса, «Моддий предметлар структурасиз мавжуд», деган фикр (антитетисдан келиб чиқсан натижа) ҳам чин бўлади. Бизга маълумки, моддий предметлар таркибсиз (уни ташкил қилувчи элементлар ва уларнинг ўзаро алоқасисиз) мавжуд эмас. Демак, «Материя ҳаракатсиз мавжуд», деган фикр хато, шу тариқа «Материя ҳаракатсиз мавжуд эмас», деган фикрнинг чинлиги асосланади.

**Айирувчи исботлашда** тезис соф айирувчи ҳукмнинг (кучли дизъюнкциянинг) бир аъзоси бўлиб, унинг чинлиги бошқа аъзоларининг

(антитезиснинг) хатолигини кўрсатиш орқали асосланади. Масалан, «Жиноятни ё А, ё В, ё С шахслар содир этган», деган фикр текширилиб, «Жиноятни В шахс ҳам, С шахс ҳам содир этмаган»лиги аниқланади ва шу тариқа «Жиноятни А шахс содир қилган», деган хукмнинг чинлиги асосланади. Бу мисолда айирувчи исботлаш айирувчи – қатъий силлогизмни инкор этиб, тасдиқловчи модуси бўйича қурилган. Айирувчи исботлашда барча муқобил вариантлар тўлиқ олингандагина хулоса чин бўлади, яъни тезис исботланади.

### *3. Раддия. Рад этиши усуллари.*

**Раддия** – исботни бузишга қаратилган мантикий амал.

Бирорта фикрнинг чинлигини рад этиш айни пайтда унга зид бўлган фикрнинг хатолигини кўрсатишдан иборат бўлганлиги учун раддияни исботлашнинг хусусий қўриниши, деб ҳисоблаш мумкин. Раддия ҳам исботлаш каби тезис (рад қилиниши лозим бўлган ҳукм), аргументлар (тезисни рад қилувчи ҳукмлар) ва демонстрация (рад этиши усули) дан ташкил топган бўлади. Раддия бирорта масалани муҳокама қилиш, яъни баҳс, мунозара жараёнида учрайди. Баҳс қатнашчиларидан бири маълум бир тезисни илгари суриб, уни ҳимоя қилса (пропонент), бошқаси унга қарши чиқади (оппонент). Ҳал қилинмаган, мунозарали масалалар бўйича олиб бориладиган баҳслар **полемика** ҳисобланиб, унда қарама-қарши тезислар асосланибгина қолмай, балки танқидий анализ ҳам қилинади.

Раддия уч хил усул билан амалга оширилади:

И Тезисни рад этиш

ИИ Аргументларни рад этиш

ИИИ Демонстрацияни рад этиш.

### *И. Тезисни рад этиши.*

Тезисни рад этишнинг қўйидаги усуллари мавжуд:

1. Фактлар орқали рад этиш. Бу энг ишончли ва самарали усулдир. Бунда бўлиб ўтган воқеалар, статистик маълумотларга асосланиб тезис рад этилади. Масалан, «Совет даврида Ўзбекистон тўлақонли мустақил республика бўлган», деган тезисни рад этиш, яъни унинг нотўғри эканлигини исботлаш учун тарихий фактларга асосланамиз. Ўша даврда республика раҳбарияти бирорта муҳим масалани Москванинг рухсатисиз ҳал қила олмаганлигига далиллар келтириб, тезисни рад этамиз.

2. Тезисдан келиб чиқадиган натижаларнинг хатолигини (ёки зиддиятли эканлигини) кўрсатиш орқали рад этиш. Бунда тезисдан келиб чиқадиган натижаларнинг чин эмаслиги асослаб берилади. Бу усул «бемаъниликка олиб келиш», деб аталади. Рад этилаётган тезис вақтинча чин деб тан олинади, ундан келиб чиқадиган натижалар аниқланиб, бу натижаларнинг ҳақиқатга зид, нотўғри эканлиги исботланади. Чин асосдан хато натижада келиб чиқмайди, акс ҳолда бу bemayniliq бўлади. «Бемаъниликка олиб келиш» усулининг формуласи қўйидагича( $a \rightarrow b \rightarrow ((a \rightarrow b) \rightarrow a)$ )

3. Тезисни антитетисни исботлаш орқали рад этиш. Рад этилаётган тезисга зид бўлган янги тезис (антитетис) олинади ва исботланади. Учинчиси

истисно қонунига мувофик, антитезиснинг чинлигидан тезиснинг хатолиги келтириб чиқарилади. Масалан, Президентимиз И.А. Каримов «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» номли мақоласида «Амир Темур буюк саркарда бўлган ва ёвузликлар қилган», деган тезисни шундай рад этади: «Инсон бир пайтнинг ўзида ҳам бунёдкор, ҳам ёвуз бўлиши мумкин эмас. Не-не мадрасаю масжидлар, олий кошоналарни қурган, не-не олиму фузалоларнинг бошини силаган, Куръони каримни ёд билган инсон ёвуз бўлмайди. Қонхўр одам «Куч – адолатда», дейиши мумкинми?»

### ***ИИ. Аргументларни рад этиши.***

Тезисни исботлаш учун оппонент томонидан келтирилган аргументлар танқид қилиниб, уларнинг хатолиги ёки тезисни исботлаш учун етарли эмаслиги аниқланади.

Аргументларнинг хатолиги тезиснинг ҳам хато эканлигини исботламайди, бунда тезис чин бўлиши ҳам мумкин:

Аргументларни рад этиш орқали тезиснинг исботланмаганлиги асослаб берилади.

### ***ИИИ. Исботлаши усулини танқид қилиши орқали рад этиши.***

Рад этишнинг бу усулида исботлаща йўл қўйилган хатолар аниқланади. Бунда рад этилаётган тезиснинг чинлиги уни асослаш учун келтирилган аргументлардан бевосита келиб чиқмаслиги асослаб берилади. Исботлаш усулида йўл қўйилган хато аниқланганда тезис рад этилмайди, уни қайта исботлаш талаб қилинади.

Рад этишнинг юқорида кўрсатилган усуллари кўпинча биргаликда, бир-бирини тўлдирган ҳолда қўлланади.

## ***4. Исботлаши ва рад этиши қоидалари, улар бузилганда келиб чиқувчи мантиқий хатолар***

### **Тезисга алоқадор қоидалар:**

1. Тезис мантиқан аниқ ва равshan бўлиши керак. Бу қоида бузилса, исботлаш ёки рад этиш ўзининг аниқ предметига эга бўлмай қолади, уни амалга оширишга уриниш беҳуда иш ҳисобланади.

2. Тезис исботлаш ёки рад этиш давомида бошидан охиригача ўзгармаслиги керак. Бу қоида бузилса, «тезисни алмаштириш» деган хато келиб чиқади.

### **Аргументларга нисбатан қоидалар:**

1. Тезисни асослаш учун келтирилган аргументлар чин ҳукмлар бўлиши ва бир-бирига зид бўлмаслиги лозим.

2. Аргументлар тезисни асослаш учун етарли бўлиши керак.

3. Аргументлар тезисдан мустақил ҳолда чинлиги исботланган ҳукмлар бўлиши лозим.

### **Исботлаш усулининг қоидаси:**

1. Тезис аргументлардан мантиқий тарзда келиб чиқадиган хulosса бўлиши лозим. Бунинг учун исботлаш ёки рад этишда хulosса чиқариш қоидаларига риоя қилиш зарур.

Исботлаш ва рад этиши қоидаларининг бузилиши мантиқий хатоларга

олиб келади ва улар уч турга бўлинади:

### **И. Использование аргументов в тезисах:**

1. Тезисни алмаштириш. Тезис использован для рад этиш давомида ўзгараслиги шарт, деган қоиданинг бузилиши тезиснинг алмаштирилишига сабаб бўлади. Тезис атайлаб ёки билмасдан бошқа тезис билан алмаштирилди ва бунда янги тезис использованади ёки рад этилди. Тезис мазмунининг торайиши ёки кенгайиши ҳам баҳс жараёнида тезиснинг ўзгаришига олиб келади. Масалан, республикамиз тараққиёти учун миллий мафкура, миллий ғоянинг аҳамияти тўғрисидаги тезисни использован давомида умуман жамиятга мафкура керакми ёки йўқми, деган масалани использован этишга ҳаракат қилинса, унда тезиснинг мазмуни кенгайиб кетади ва тезис алмашинади.

2. Инсоннинг шахсий сифатини баҳона қилиб тезисни алмаштириш. Баҳс жараёнида мавзудан четга чиқиб, оппонентнинг шахсий, ижтимоий ҳаёти, яхши фазилатлари ёки камчиликлари хусусида фикр юритиб, шу асосда тезисни использованган ёки рад этилган, деб таъкидлаш тезиснинг алмашинишига сабаб бўлади. Бундай хатога атайлаб йўл қўйилади. Тингловчиларнинг ҳис-туйғуларига таъсир қилиш орқали использованмаган тезиснинг чин деб қабул қилинишига уриниш ҳам тезисни алмаштириш ҳисобланади.

3. Ортиқча ёки кам использованда уриниш натижасида тезиснинг алмашиниши. Фикр ортиқча использованса, берилган тезис ўрнига ундан кучлироқ тезисни использованда ҳаракат қилинади. Агар А ҳодисадан В келиб чиқса, лекин В ҳодисадан А келиб чиқмаса, унда А ҳодисани ифодаловчи тезис В ҳодисани ифодаловчи тезисдан кучлироқ бўлади. Масалан, «А шахс биринчи бўлиб жанжални бошламаган» деган тезис (В) ўрнига, «А шахс умуман жанжал бўлган ерда йўқ эди» деган тезисни (А) использованда ҳаракат қилинади. Иккинчи тезисни использованда бўлмайди, чунки А шахснинг жанжалда қатнашганлигини кўрган гувоҳлар бор.

### **ИИ. Аргумент (асос)ларга тааллуқли хатолар:**

1. Асосларнинг хатолиги. Тезис использованда ёки рад этилганда хато аргументларга чин деб асосланиш натижасида атайлаб ёки билмасдан мантиқий хатога йўл қўйилади. Масалан, қадимги грек философи Фалес ўз таълимотини ҳамма нарса сувдан пайдо бўлган, деган фикрга асосланиб яратган.

2. Асосларни аввалдан тахминлаш шаклидаги хато. Тезис использованмаган аргументларга асосланса, бундай аргументлар тезиснинг чинлигини использованади, балки тезиснинг чинлиги тахминланади, холос.

3. «Айланма использован этиш» деб номланувчи хато. Тезиснинг чинлиги аргументлар орқали, аргументларнинг чинлиги тезис орқали использован мантиқий хатога йўл қўйилади. Масалан, «Сўзнинг қудрати фикр билан ўлчанади», деган тезисни «Фикрнинг қудрати сўз билан ўлчанади», деб использован, юқорида айтилган хатога йўл қўйилади.

### **ИИИ. Использование методов доказательства:**

1. «Ёлғон (сохта) использован». Агар тезис уни использован учун

келтирилган аргументлардан бевосита келиб чиқмаса, мантиқий хатога йўл қўйилади. Бунда тезисга алоқадор бўлмаган аргументларга асосланилади. Масалан, «А шахс ёмон одам», деган тезис «Тунда ёмон одамларгина кўчада юради», «А шахс кўчада тунда юрибди» деган аргументлар билан асосланса, фикр юзаки (сохта) исботланган бўлади.

2. Шартланган фикрдан шартланмаган фикрга ўтиш. Муайян вақт, муносабат доирасида чин бўлган (шартланган) фикрни, доимий, ўзгармас чин фикр деб қабул қилиш натижасида мантиқий хатога йўл қўйилади.

3. Хulosha чиқариш қоидаларининг бузилиши билан боғлиқ бўлган хатолар:

а) дедуктив хulosha чиқаришда учраши мумкин бўлган мантиқий хатолар. Бу ҳақда дедуктив хulosha чиқариш мавзусида батафсил маълумот берилган;

б) индуктив хulosha чиқаришда учраши мумкин бўлган мантиқий хатолар. Булар «шошиб умумлаштириш» ва «ундан кейин, демак, шунинг учун», деб аталувчи хатоликлардир. Масалан, бир-икки талабанинг дарсга масъулиятсизлик билан муносабатда бўлишини умумлаштириб, «ҳамма талabalар масъулиятсиз», деб таъкидлаш хатодир;

в) аналогияда учраши мумкин бўлган мантиқий хатолар. Булар «ёлғон аналогия» билан боғлиқ хатолардир. Унда тасодифий белгининг зарурый деб олиниши, фақат биргина ўхшаш белгига асосланиши ёки мутлақа тоққослаб бўлмайдиган ҳодисаларнинг ўзаро тоққосланиши натижасида фикрда чалкашликлар юзага келади.

Мантиқий хатолар тафаккур қонунларини бузиш, хulosha чиқариш қоидаларига амал қилмаслик натижасида юзага келади. Мантиқ тарихида исботлаш жараёнида атайлаб (қасддан) хатога йўл қўювчилар – **софистлар**, уларнинг таълимоти эса **софизм** (грек. – айёрлик) деб аталади. Фикр юритиш жараёнида билмасдан мантиқий хатога йўл қўйилса, **паралогизм** дейилади. Чинлигини ҳам, хатолигини ҳам бирдай исботлаш мумкин бўлган фикрлар эса **парадокс** деб аталади.

**Далилларга доир қоидаларетарли асос қонунининг талаблари билан белгиланади.** Бу шу билан изохланадки, исбот ва рад этиш бу берилган муҳокаманинг чин ёки хатолигини асослашдир.

1. **Далилларчинлиги амалиётда аниқланган билимлар бўлиши зарур.** Хато далиллар билан тезисни исбот ва рад этиб бўлмайди. Мазкур қоиданинг бузилиши иккита мантиқий хатоликка олиб келади: "асосий янглишиш" ва "асосни олдиндан пайқаш".

"Асосий янглишиш" (лот: етгот тундаментаис) хатолигининг моҳияти шундаки, келтириладиган далиллар хато, нотўғри бўлади. Масалан, Клавдий Птоломей (эрэмизгача 90-160 йиллар) дунёning тузилиши ҳақидаги

қарашларини "Қуёш Ер атрофида айланади", "Ер ҳаракатсиздир", деган далиллар билан асослайди.

"Асосни олдиндан пайқаш" (лотинча петитио принципи) шундай мантикий хатоликки, унда айрим таникли, номдор шахсларнинг (авторитетларнинг) фикрлари, ҳали тўласинча тасдиқланмаган фактлар, кишилар орасида юрган миш-миш гаплар далиллар сифатида келирилади.

2. Далиллар тезисни етарли даражада асослай олмоғи зарур. Мазкур қоиданинг бузилиши "келиб чиқмайди", деган (лот. поп сегуиур) деган мантикий хатоликка олиб келади. Бунда келтириладиган далиллар муайян даражадаги чин билимлар бўлса-да, лекин улар тезисни тўлиқасослаб беролмайди. Масалан: Ҳозирги пайтда кечётган жаҳон- иқтисодий инқирознинг сабабларини айрим Ғарб мутахассис, эксперtlари асосан молия-банк тизимида йўл қўйиладиган нуқсон, камчиликлардир, деб асослашга ҳаракат қилмоқдалар. Лекин мазкур инқирозни келтириб чиқарган бошқа бир қанча омиллари борлигини Президентимиз қўрсатиб беради.<sup>42</sup>

3. Далилларнинг чинлиги мустақил, тезисга боғлик бўлмаган ҳолда исбот этиладигаи бўлиши керак. Ушбу қоиданинг бузилиши натижасида "фикрнинг бир доирада айланиши" (лот. сирсуlus итжосус) деган мантикий хатолик юзага келади. Ушбу хатоликнинг моҳияти тезиснинг далиллардан, далилларнинг эса тезисдан келтириб чиқаришлиги билан изоҳланади. Масалан, "Фейребах- материалист" деган тезис "Материализм идеализмга муқобил фалсафий оқим. Фейербах ана шу оқим вакилидир" тарзида асосланиладиган бўлса, фикрнинг бир доирада айланишига йўл қўйилган бўлади.

Материализмнинг фалсафий оқим сифатидаги тамойиллари қўрсатилган пайтдагина мазкур тезис мустақил исбот этилган бўлади.

**Исботлаш усулига(намойиш этишга) оид қоидалар**. Юқорида кўриб ўтганимиздек, исботлаш усули далилларнинг тезис билан мантикий боғланиши усули бўлиб, мазкур боғланиш хulosса чиқариш шаклида бўлади. Шунга кўра хulosса чиқаришнинг умумий ва хусусий қоидалари намойиш этишга ҳам оид қоидалар ҳисобланади. Масалан, "Эҳтимол" сўзи мустақил сўздир", деган тезисни: "Агар сўзлар мустақил бўлса, унда гап бўлаги бўлиб келади. "Эҳтимол" сўзи гап бўлаги ўрнида келади", деган далиллар бўйича исбот этиб бўлмайди. Чунки бунда шартли-қатъий хulosса чиқаришнинг

<sup>42</sup> Қаранг: Ислом Каримов. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Т., "Ўзбекистон", 2009, 5-бетлар.

"натижани тасдиқлашдан асосни тасдиқлашга ўтиш мумкин эмас" деган қоидаси бузилган.

Исботлаш усулида хulosса чиқариш қоидаларига амал қилмаслик асосан икки хил мантиқий хатоликка йўл қўйишга олиб келади. 1. Жузъийликнинг хусусиятини умумийликка кўчириш, яъни асослардан шошилиб хulosса чиқариш. 2. Асосдаги атамаларнинг кенгайтирилиши (лот.: қуатернио терминорум).

Биринчи хил хатолик "мантиқий квадрат" бўйича чиқариладиган хulosса қоидаси, яъни бўйсунувчи жузъий ҳукмларнинг чинлигидан бўйсундирувчи умумий ҳукмларнинг чинлиги келтириб чиқармаслик керак, деган қоида бузилганда, шунингдек, тўлиқсиз индукция қўлланилганда рўй беради. Бунга мисол қилиб Гидлян ва Иванов деган кимсаларнинг 80-йилларнинг охирларида Республикамиздаги баъзи туманлардаги пахта тайёрлаш давлат режасини тўлдириш масаласи билан боғлиқ камчиликларни аниқлаш асосида "ўзбеклар иши" деган тухмат билан халқимизнинг номини қора қилмоқчи бўлганликларини келтириш мумкин. Бунда улар баъзи раҳбарларнинг бу борадаги айбини бутун бир халқнинг айби сифатида кўрсатишга ҳаракат қилган эдилар.

Намойиш этишдаги иккинчи хатоликка асослардаги атамаларнинг ҳажман кенгайтирилиши ёки торайтирилиши, турли маънода қўлланиши натижасида йўл қўйилади. Масалан, "фан" тушунчаси шу тарзда қўлланилганда муҳокама юритишда шундай хатолик келиб чиқади. Бунда муҳокама юритиш қуидагича бўлиши мумкин:

1. Фан ижтимоий онг шаклидир. Космология- фандир. Демак, космология ижтимоий онг шаклидир.

2. Фан-ижтимоий онг шакли. Санъат- ижтимоий онг шакли. Демак, санъаг фандир.

Ушбу муҳокама хulosалари хатодир, чунки космология ижтимоий хаётга алоқаси бўлмаган илм соҳасидир. Шунингдек, санъат фандан фарқ қиласидиган ижтимоий онг шаклидир.

Исботлаш ва инкор этиш жараёнида у ёки бу мантиқий хатоликка билмаган ҳолда ва қасдан, англашилган тарзда йўл қўйилади.

**Паралогизм.** (юон. парапогисмост- хотўғри мулоҳаза) муҳокама юритишда англамасдан, бехосдан йўл қўйиладиган хатоликдир. Бундай хатолик мантиқий қонун-қоидаларнинг бузилиши туфайли рўй беради.

Халқимиз аввал-азалдан сермулоҳазалик, теран мушоҳада юритишни кишининг энг муҳим фазилати сифатида баҳолаб келганлар. "Олдин ўйла, кейин сўйла", "Етти ўлчаб бир кес", "Ўйламай гапирган оғримасдан ўлади", "Овсар дўстдан зийрак душман афзал" каби халқ мақоллари шу боис яратилгандир.

**Софизм** (юон. сопҳиса-айёрлик) мантиқий ҳийла бўлиб, бунда уйдурма, ёлғонлар чин, ҳақиқат тарзида кўрсатилади. Бунда софистлар мантиқнинг қонун, қоидалари ва усулларидан устакорлик билан фойдаланадилар. Бундан кўзда тутилган мақсад- ўз мухолифларини қасдан мантиқий хатоликка, зиддиятли фикр юритишга- йўл қўйдиришdir.

Бу ўринда қадимги грек софистларининг мулоҳазаларидан айрим намуналар келтирамиз. "Бу кучукнинг болалари бор, демак, у ота. Аммо бу сенинг кучугинг, Демак, у сенинг отанг. Сен уни ураётисан, демак, сен ўз отангни ураётисан".

"Ўғри ёмон (кераксиз) нарсани олишни истамайди. Яхши нарсани олиш яхшидир. Демак, ўғри яхшилик истайди." ва ҳакозо.

Софизмнинг асосий тамойиллари дастлаб қадимги Грециядаги "диалектик мактаб" вакиллари- Протагор, Георгий, Продик ва бошқалар томонидан ишлаб чиқилади. Улар фалсафанинг асосий мақсади ҳақиқатни англаш, бунга эса баҳс-диалог асосида эришилади, деган принципга таянадилар. Лекин бу принцип кейинчалик унтилади ва "баҳс баҳс учун", деган тамойилга айланади. Софизмнинг асосий тамойиллари кейинчалик дорматизм (грекча -тидогма-ақида, қарор), эклектика ( грекча еклектикос -танламоқ) деб аталадиган оқимларнинг юзага келишида асос бўлиб хизмат қиласади.

**Парадокс** (грекча рара -қарши ва доха-фикр) зиддиятли мулоҳаза бўлиб, у бир пайтнинг ўзида ҳам чин, ҳам хато фикр сифатида англашилади. Мазкур зиддиятни формал мантиқ воситалари билан ҳал қилиб бўлмайди. Масалан, мантиқ илмида эрамизгача ИВ асрда яшаган қадимги грек. файласуфи, милетлик Евбулид томонидан илгари сурилган "Ёлғончи" номи билан аталадиган парадоксни олиб қарайлик.

Бир киши шундай дейди: "Мен ёлғон гапираётиман". Хўш у ёлғон гапираётими, ёки рост? "У ҳам рост, ҳам ёлғон гапирди", деб айтиш мумкин. Дарҳақиқат, у агар алдаётган, ёлғон гапираётган бўлса, демак, у ёлғончи. Агар у алдамаётган бўлса, яъни ёлғон гапираётганлигини тан олаётган бўлса, унинг гапи ростдир.

Шунингдек , "бу ҳукм хатодир", десак, агар у ҳақиқатдан хато бўлса, хато, хатолиги чин бўлса чиндир.

Парадоксларнинг сабаби шуки, муҳокамалардаги атама (субъект ва предикат) ларнинг ҳажм ва мазмуни ноаниқ бўлади.

"Мен ёлғон гапираёттирман" муҳокамасини олиб қарайлик. Бунда "ёлғон гапириш" тушунчасининг мазмuni ноаниқdir. Чунки у кишининг нима ҳақида ёлғон гапираётганлиги номаълумdir.

Агар бу аниқ кўрсатиладиган, конкретлаштириладиган бўлса, мазкур муҳокаманинг ҳеч қандай парадокслиги қолмайди.

Масалан, кимdir: "Мен Ой Ернинг табиий йўлдоши десам, хато (ёлғон) гапирган бўламан" деса, ҳақиқатдан мавжуд нарсани инкор этаётганлигини эътироф этиши маъносida унинг фикри чиндир.

Лекин у: "Мен Ой Ернинг табиий йўлдоши, деб ёлғон гапираёттирман", деб айтса, унинг фикри хатодир. Чунки у мавжуд реалликни инкор этмоқда.

"Бу ҳукм хатодир", деган мулоҳазани ҳам худди шу тарзда- унинг атамаларини ҳажм ва мазмун жиҳатидан конкретлаштирилса, у ҳолда пародокслилик бўлмайди.

Шуни таъкидлаш керакки, қадимданоқ файласуфлар парадоксларнинг сабабини аниқлашга ва уларни ҳал этишнинг мантиқий усуллари устида бош қотирганлар. Масалан, стоиклик мантиқшунос Хрисипп (эрамизгача 281-208 йиллар) "Ёлғончи" парадоксига бағишлаб учта рисола ёзади. Ривоятларга кўра қадимги грек мантиқшунослари Диодор Кронос ва Филет Косскийлар ушбу парадокс ечими билан бутун умр шуғулланадилар ва бунга эриша олмагач, хаётларини ўз жонларига қасд қилиш билан тугатадилар.

Хозирги пайтда парадоксларни ечишнинг баъзи усуллари топилган бўлиб, улар асосан диалектик мантиқ тамойилларига таянилади.

Парадокслар фан соҳасидаги антиномияларни (грекча анти- қарама-қарши, ҳомос- қонун) ҳал этишга йўналтиради ва шу жиҳатдан билишда муҳим роль ўйнайди. Маълумки антиномиялар фикр юритишдаги зиддиятлар бўлиб, унинг ечими билиш жараёни таракқиётининг муҳим омили ҳисобланади. Мазкур зиддиятлар эса диалектик мантиқ тамойиллари асосида ҳал этилади. Масалан, қуйидаги антиномияларни формал мантиқнинг нозидлик ва учинчиси мустасно қонунининг талаблари бўйича ҳал этиб бўлмайди.

1) Оламнинг вақтда бошланиши бор ва у фазода чегараланган. Оламнинг вақтда бошланиши йўқ ва у фазода чегараланмаган.

2) Нарса, ҳодисалар доимий ўзгаришда. Нарса, ҳодисалар нисбий барқарорликда, ўзгаришсиз мажуд.

## Юқорида берилган матндан қўйида берилган саволларга жавоб беринг

### САВОЛЛАР

- Хукм турлари, уларнинг таърифи ва таснифи. **Таянч иборалар:** мураккаб, содда, мавжудлик, атрибутив-аниқловчи, муносабат, якка, жузъий, умумий хукмлар, зарурий, бирлаштирувчи, айирувчи, шартли, шартсиз.
- Таққосланадиган ва таққосланмайдиган хукмлар. Уларнинг боғланиш шартлари. **Таянч иборалар:** хукм, субъект ва предикат жиҳатлари.
- Сифишадиган ва сифишмайдиган хукмлар. Уларнинг ўзаро муносабатлари. **Таянч иборалар:** қарама-қарши хукмлар, чин ва хато хукмлар, зид муносабат.
- Алоҳида умумий белгилар. Муҳим ва муҳим бўлмаган белгилар. Уларнинг нисбатлари. **Таянч иборалар:** буюмларнинг ўхшашлиги ва фарқи, хусусиятлари, умумий, якка, конкрет, моҳият, инъикос, объектив, сўз, тушунча.
- Таққослашнинг чинлигини топиш шартлари ва аҳамияти. **Таянч иборалар:** реал боғланиш, қиёслаш белгиси, бир хил белги, муҳим аҳамиятли белгилар, анализ, синтез, абстракциялаш.
- Тушунчаларнинг мазмуни ва ҳажми, уларнинг изоҳи. **Таянч иборалар:** нисбатли тушунча, нисбатсиз тушунча, нисбатдош тушунчалар мазмуни, тушунчалар ҳажми.
- Конкрет ва абстракт тушунчаларнинг таърифи ва таҳлили. **Таянч иборалар:** тушунча, тушунча мазмуни, реал буюм, конкрет, объектив, инъикос.
- Нисбатли ва нисбатсиз тушунчалар. Уларнинг мазмуни ва ифодалаш шартлари. **Таянч иборалар:** тушунча мазмуни, нисбатли тушунча, нисбатсиз тушунчалар, алоқадорлик, объективлик, инъикос.
- Тафаккур шакллари ва мантикий қонунлар. **Таянч иборалар:** Тафаккур, тафаккур шакли, тўғри тафаккур, чин фикр,
- Тафаккур қонунларининг умумий тавсифи. **Таянч иборалар:** қонун тушунчаси, тафаккур қонунлари, тафаккур қонунларининг хусусияти, тафаккурнинг ажralmas хислати.
- Айният қонуни. **Таянч иборалар:** Айният тушунчаси, айнанлаштириш, айният ва тафаккур, айният ва символлар.
- Зиддият қонуни. **Таянч иборалар:** Зиддият ва зиддиятсизлик. Зиддият ва нозидликни белгиларда ифодаланиши. Фикр ва зиддият.

Учинчиси истисно қонуни. **Таянч иборалар:** Сон ва сифат. Истисно ва символлар

**Амалий машғулотни ўтказиш тартиби:**

1. Тингловчи берилган ҳар бир савол бўйича ўз фикрини баён қиласди;
2. Қўйилган саволни қандай қилиб қулай ўқитиш методлари ҳақида таклиф беради;
3. Берилган таклиф бўйича бир нечта мисоллар кўрсатади;
4. Таклиф қилинаётган замонавий таълим методининг самарадорлигини исботлайди.

5-амалий машғулот. **Илмий муаммо тушунчаси. Мантиқий таҳлил ва унинг структураси. Мантиқий боғлиқлик.**

**РЕЖА:**

**1.Муаммо ва унинг тафаккур жараёнида тутган ўрни**

**2.Фараз(гипотеза) ва унинг турлари**

Мантиқни ўрганишда манбалардан фойдаланиш масалалари. Маънавий ҳаётда мантиқниинг тутган ўрни.

**Муаммо ва унинг тафаккур жараёнида тутган ўрни**

Билишнинг мақсади қайд қилинган ҳодисаларнинг моҳиятини тушунтиришдан иборат. Буни ҳамма вақт ҳам мавжуд тасаввурлар, принциплар ёрдамида амалга ошириб бўлмайди. Билиш жараёнида маълум бир зиддиятлар, биринчи навбатда, мавжуд билимларимизнинг эришган даражаси билан янги билиш вазифаларини ҳал қилиш зарурияти ўртасида зиддият келиб чиқади, муаммоли вазият пайдо бўлади. Бундай зиддиятлар, айниқса, кундалик ҳаётимизда мураккаб вазифаларни ҳал қилиш, фанда эса туб бурилишлар даврида яққол намоён бўлади. Масалан, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида вужудга келадиган жуда кўп муаммоларни ечиш учун янгича ёндашиш тақозо этилади. Масалан, табиатшунослик фанида XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида радиоактивлик ҳодисасининг қайд қилиниши, электроннинг кашф этилиши, нурланишнинг квант хусусиятга эгалигининг асосланиши ва шу каби кашфиётлар натижасида муаммоли вазият вужудга келган. Унинг моҳиятини табиатшуносликнинг, биринчи навбатда, физиканинг мавжуд қонун ва принципларининг янги қайд қилинган ҳодисаларни тушунтириш учун етарли эмаслигига, деб билмоқ зарур.

Шуни ҳам айтиш керакки, илмий билишда муаммоли вазиятни фан тараққиётининг ички эҳтиёжлари ҳам келтириб чиқариши мумкин. Масалан,

ҳозирги пайтда фанда синергетика ғоялари ва методларини тушунтириш, математикада аксиоматиканинг имкониятлари ва қўлланиш соҳаларини аниқлаш билан боғлиқ бўлган вазифаларни ҳал қилиш зарурияти бунга мисолдир.

Демак, муаммоли вазият мавжуд илмий тасаввурлар билан қайд қилинган янги фактлар ўртасидаги зиддиятнинг пайдо бўлиши ёки ана шу илмий тасаввурлар етарли даражада тизимга солинмаганлиги, яхлит бир таълимот сифатида асосланмаганлиги натижасидир.

Мана шундан келиб чиқиб, **муаммоли вазият** билиш тараққиётининг турли босқич ва бўғинларида олам ҳамда уни билиш ҳақидаги мавжуд тасаввурларни, билиш методи ва воситаларини ўзгартиришнинг объектив заруриятидан иборат, дейиш мумкин.

### *Муаммони қўйиш ва ҳал этиши*

Муаммоли вазиятни таҳлил қилиш янги муаммони юзага келтиради.

**Муаммо** – жавоби бевосита мавжуд билимда бўлмаган ва ечиш усули номаълум бўлган саводdir.

Шунинг учун ҳам муаммони қўйиш ва ҳал қилиш мавжуд билимларни қайта ишлаш, баъзи ҳолларда эса, ҳатто, улар доирасидан четга чиқиши, янгича ечиш усули, методларини қидириб топишни тақозо этади. Қандай муаммоларни илгари суриш ва муҳокама қилиш хусусиятини амалий фаолиятимиз ва билишимиз эҳтиёжлари белгилаб беради.

Муаммони муваффақиятли ҳал қилишнинг зарур шартларидан бири уни тўғри қўйиш ва аниқ баён қилишдан иборат. Тўғри қўйилган савол, В. Гейзенберг айтганидек, муаммони ечишнинг ярмидан кўпроғини ташкил этади.

Муаммони тўғри қўйиш учун муаммоли вазиятни аниқ тасаввур қилишнинг ўзи етарли эмас. Бунинг учун муаммони ҳал қилишнинг турли хил усуллари ва воситаларини ҳам олдиндан кўра билиш керак.

Муаммоларни қўйишида кишиларнинг ҳаётий тажрибаси, билимлари ва қобилияти муҳим аҳамиятга эга бўлади. Одатда, кўп ҳолларда янги муаммолар илмий билишнинг у ёки бу соҳасининг йирик мутахассислари, бой тажрибага эга ва чуқур билимли олимлар томонидан илгари сурилади ҳамда улар баъзан узоқ йиллар давомида тадқиқ қилинади. Буни, масалан, миллий ғоя ва миллий мафкуруни яратиш муаммосининг қўйилиши ва тадқиқ этилиши мисолида кўриш мумкин. Жаҳон тажрибасига мурожаат қилсак, «миллатнинг мафкураси бир эмас, балки бир неча авлоднинг умри давомида ишлаб чиқилиши ва такомилга эришувига гувоҳ бўлишимиз мумкин»<sup>43</sup>.

Уни шакллантириш учун кучли истеъдод ва «ёрқин тафаккур»га эга бўлган Конфуций, Махатма Ганди, Форобий, Баҳоуддин Нақшбанд каби

<sup>43</sup> И.А. Каримов. Миллий истиқлол мафкураси – ҳалқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончdir. // Асарлар тўплами. 8- жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2000, 25-бет.

буюк зотлар захмат чекканлар<sup>44</sup>.

Хозирги пайтда эса биринчи Президентимиз И.А. Каримов таъкидлаганидек, «Миллий ғоя, миллий мафкурани ишлаб чиқиш, уни шакллантириш учун ҳар қайси миллатнинг энг илғор вакиллари, керак бўлса, мутафаккирлари, зиёлилари меҳнат қилиши лозим»<sup>45</sup>.

Муаммоли вазиятни таҳлил қилишга турли хил томондан ёндашиб мумкин бўлганлиги учун ҳам ҳал қилиниши лозим бўлган вазифа турли хил муаммолар тарзида баён қилиниши мумкин. Бунда баъзи муаммолар асосий вазифани ифода қилса, баъзилари бу вазифанинг айrim томонларини акс эттиради ва шунинг учун ҳам жузъий хусусиятга эга бўлади. Кўп ҳолларда бир-бири билан боғланиб кетган мана шундай жузъий муаммолар ҳал қилингандан кейингина асосий муаммони аникроқ баён қилиш ва ечиш имконияти вужудга келади.

Муаммоларни тўғри қўйиш ва баён қилиш уларни ечишдан кам аҳамиятга эга эмас. Муаммони тўғри қўйиш учун унинг илмий билиш тараққиётида тутган ўрни ва аҳамиятини тўғри баҳолаш, уни ҳал қилишнинг методларини топиш зарур. Бу амалда қўйилиши мумкин бўлган турли хил муаммолар ичидан энг муҳими ва тўғрисини танлаб олишни билдиради. Муаммони танлаш маълум бир даражада тадқиқотнинг умумий йўналиши ва хусусиятларини белгилаб беради.

Охир-оқибатда қайси муаммони қўйиш амалий фаолиятимиз эҳтиёжларига боғлик. Чунки фақат амалий фаолиятдагина кишиларнинг эҳтиёжлари ва мақсадлари билан уларни ҳал қилиш воситалари ўртасидаги зиддият яққол намоён бўлади, илмий изланиш предмети аниқланади ва шу асосда билиш олдига конкрет вазифалар қўйилади.

Илмий муаммо, одатда, маълум бир назария доирасида вужудга келади

Назария кейинчалик илгари суримиши мумкин бўлган муаммони умумий ҳолда белгилаш ва уни тўғри танлашга ёрдам беради. Шунингдек, ҳар бир муаммо маълум бир назария ёрдамида ҳал қилинади. Баъзи ҳолларда эса муаммо мавжуд назарияни модификация қилиш ва муаммони ечишга мослаштиришни талаб қиласи.

Муаммони ечиш учун қўйидаги дастлабки тайёргарлик ишлари амалга оширилади:

а) мавжуд назариялар доирасида тушунтириб бўлмайдиган факт ва ходисаларни аниқлаш;

б) муаммони ҳал қилиш ғоялари ва методларини таҳлил қилиш ҳамда уларга баҳо бериш;

в) муаммони ҳал қилиш тури, мақсади, олинган натижани текшириш йўлларини белгилаш;

г) муаммонинг негизи билан уни ечиш учун илгари сурилган ғоялар ўртасидаги алоқанинг хусусиятларини кўрсатиш.

Бу дастлабки ишлар амалга оширилгандан кейин бевосита муаммони

<sup>44</sup> Каранг. Ўша ерда.

<sup>45</sup> Каранг. Ўша ерда.

ешишга киришилади.

Шуни алоҳида қайд қилиб ўтиш керакки, муаммонинг ечилиши нисбий хусусиятга эга. Бошқача айтганда, муаммонинг мутлақ тўла ечимини топиш қийин. Чунки ўрганилаётган ҳодисанинг барча томонларини қамраб олиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам илмий изланиш давомида янги муаммолар вужудга келиши мумкин бўлиб, у мавжуд муаммони бошқача талқин қилишни тақозо этади. Бунга мисол қилиб И. Ньютон томонидан жисмларнинг ўзаро тортишиши муаммосининг қўйилишини кўрсатиш мумкин. Бутун олам тортишиш қонунини кашф қилиб, у фақат тортишувчи жисмлар ўртасидаги миқдорий алоқаларнигина топганлигини уқтириб ўтган эди.

А. Эйнштейннинг нисбийлик назарияси жисмларнинг ўзаро тортишиши муаммосини бошқача талқин қиласи ва бу муаммо ҳақидаги тасаввурларимизни маълум бир даражада кенгайтиради. Жисмларнинг ўзаро тортишишининг табиати, амалга ошиш механизми ҳозиргача тўла очиб берилмаган. Бошқача айтганда, муаммо узил-кесил ҳал бўлмаган.

Баъзи ҳолларда муаммоларнинг ечимини узоқ вақтгача топиб бўлмайди. Масалан, рак касалининг сабабини ўрганиш билан боғлиқ муаммо ҳозиргача тўла ҳал бўлмаган.

Бу, албатта, айрим муаммолар бутунлай ечимига эга эмас, деган фикрни билдирамайди, балки уларни мавжуд методлар, воситалар ёрдамида ечиб бўлмасликни қўрсатади холос, ва шу тариқа ешишнинг янги воситаларини қидириб топишга ундейди. Демак, муаммо ҳал қилинмагунча илмий изланиш давом этади.

**МУАММО-** бу ижтимоий эҳтиёж натижаси ўлароқ юзага келадиган масалалар кўлами бўлиб, уларнинг ечими муайян соҳа учун назарий ва амалий аҳамиятга молик бўлади. Муаммо шунга кўра қўйидаги хусусиятларга эга бўлган масаладир.

1. Мавжуд қоида, усууллар билан бевосита ҳал қилиб бўлмайди.
2. Ҳал этилиши баъзи назария ва қарашларни (концепцияларни) янгича талқин этиш, ўзгартириш, аниқлик киритишни тақозо этади.
3. Ҳал этилиши фан-техника, ижтимоий ҳаёт соҳасида туб ўзгаришларни ва шунга мувофиқ янги муаммоларни юзага келтиради.

Муаммолар бирданига англаб олинмайди, уларнинг назарий масала сифатида шаклланиши муайян вақт - даврни ўз ичига олади. Бу пировардида мавжуд баъзи назария, концепцияларни ўзгартиришни тақозо этади. Масалан, кишилар сабабчиси бўлган ҳозирги экологик муаммолар ўтган аср охирларидан бошланган бўлиб, фақат асримизнинг иккинчи ярмидан бошлаб унинг ҳал этилиши зарурлиги англаб олинди. Бу эса «Биз табиатдан хайр-

эҳсон кутиб ўтирмаймиз, уни ўз хоҳишимиз билан ўзгартирамиз», деган моддийунчилик қарашни бекор қилишга олиб келди.

Муаммоларнинг муайян масалалар-тизими сифатида ифодаланиш шакли савол ҳисобланади. Дарҳақиқат, муаммолар ўз моҳиятига кўра у ёки бу тарзда қўйилган саволлар бўлиб, улар зарурин ўз жавобини, ечимини талаб этади.

Мантиқда савол деб ҳал этилиши зарур бўлган масалага доир фикрга айтилади. Савол сўроқ гапларда ифодаланади, лекин ҳар қандай сўроқ гаплар мантиқий саволни ифодаламайди.

Барча муайян назарий ва амалий аҳамиятга молик муаммога жавоб топишга қаратилган сўроқ гапларгина мантиқий савол ҳисобланади. Савол муаммони ифодалаш ва уни ҳал этишга қаратилган билишнинг шакли бўлиб, методологик аҳамиятга эгадир.

Барча фанлар билимлар тизими сифатида ўз муаммоларини қўйиш орқали ривожланадики, улар мантиқий саволлар тарзида ифодаланади. Масалан, фалсафанинг азалий муаммолари «Оlamнинг асосида нима ётади?», «Вақт ва фазо нима?», «Инсон ким, унинг моҳиятини нима ташкил этади?» деган саволлар тарзида тузилади. Ва ана шу саволларга берилган жавобларга кўра фалсафий оқим, таълимотлар юзага келади.

Ўзбекистонинг келажаги ана шундай саволларга қандай жавоб беришимизга боғлиқ. Булар қуйидагилардир: хавфсизликни қандай сақлаб қолиш лозим?, Барқарорликни қандай таъминлаш даркор? Тараққиёт йўлидан событқадам ривожланишига нималар ҳисобига эришиш мумкин? Булар стратегик муаммолар бўлиб ҳар қандай мустакил давлат энг аввало, ана шу муаммоларга эътибор бериб келган ва бундан буён ҳам эътибор беражак». <sup>46</sup>

Савол билиш жараёнида муаммо, гипотезаларни илгари сурища муҳим роль ўйнайди. Шунинг учун оддий муҳокама юритиш ҳамда илмий тадқиқот ишларида мантиқий саволга мурожаат этилади.

**Мантиқий савол**— бу инсон билимидаги иккиланиш, ноаниқликларни бартараф этишга ҳамда тадқиқ этилаётган обьектлар ҳақида тўлиқ билим олишга қаратилган фикрdir. Саволлар тузулишига кўра икки хил бўлади:

<sup>46</sup> Каримов И.А.Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: Хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Тошкент: “Ўзбекистон”, 1997,7-8-бетлар.

ечимга доир ва тўлдиришга доир саволлар. Қўйилган муаммоларнинг ҳал этилиш йўлларини аниқлашга қаратилган савол ечимга доир савол ҳисобланади. Масалан, «Мафкуравий таъсирлар салбий оқибатларга олиб келмаслиги учун нима қилиш керак?» (Ислом Каримов). Тўлдиришга доир савол – бу берилган муқобил /альтернатив/ хукмлар гуруҳига тўғри /чин/ жавоб топишга қаратилган саволдир.

Савол мантиқий таркибга эга, яъни у ўзида муайян билимни ифодалайди. Масалан, «Ким биринчи бўлиб Американи кашф этган?», деган саволдан «Маълум бир давргача Америка қитъаси кишиларга номаълум бўлган, ушбу қитъа бирор кишининг сайди- харакати билан кашф этилган», деган фикр англашилади.

Савол мантиқий таркибига кўра икки хил бўлади: ечимга ва тўлдиришга доир савол. **Ечимга доир саволда** муайян муаммони ҳал этиш имкониятларининг бир-бирини истисно этувчи ҳолат, вариантлари илгари сурилади. Масалан: "Инсоният ер юзида ўзи бунёд этган цивилизацияни келажакда сақлаб қола оладими ёки йўқми ?".

**Тўлдиришга доир саволда** муаммонинг ечими учун энг муҳим омилни аниқлаб олишга дикқат -эътибор қаратилади. Бунга мисол қилиб Президентимизнинг юқорида зикр қилинган асарида мамлакатимиз таракқиётининг- стратегик йўналиши, унинг кафолатларини мантиқий саволларни қўйиш - билан белгиланади ва уларнинг омиллари тинчлик барқарорлик ва жуғрофий -сиёсий мувозанатни сақлаб қолиш, унга эришиш ана шундай омиллардан бири эканлиги кўрсатиб берилади.<sup>47</sup>

Саволларнинг мантиқий таркибини аниқлаш ва уларни грамматик шаклда ифодалай билиш муаммоларни илгари суриш ва уларнинг ечимини топишда муҳим роль ўйнайди.

Муаммолар ўз миқёси ва аҳамиятига кўра турли даражаларда бўлиб, ҳар хил усул, йўллар орқали ечилади, шулардан уч хилини кўрсатиш мумкин:

1. Мавжуд назария, ғоя, қарашлар доирасида ечиладиган муаммолар. Мазкур муаммо тури ечими ижтимоий ҳодисаларни ҳал этишда кенг қўлланилади. Масалан, бугунги кунда миллий истиқбол ғоясини кишиларимизнинг қалби ва онгига сингдириш муаммоси кун тартибидаги

<sup>47</sup> Қаранг: Ўша жойда, 9- бет.

долзарб вазифа ҳисобланади. Буни амалга ошириш учун эса, энг аввало, «Ғоя нима, унинг қандай турлари бор?», «Ғоянинг киши қалби ва онгиға таъсир кўрсатиш, сингдиришнинг қандай восита, усуллари бор?» деган саволларни кўндаланг қўйишни ва уларга батафсил, илмий жавоблар топиш талаб этилади.

2.Бир қатор назариялар орқали амалга ошириладиган муаммолар ечими. Масалан, мамлакатимизда ўзига хос моделдаги фуқаролик жамияти асосларини барпо этиш муаммосининг ечими шу ҳақидаги мавжуд таълимотлар доирасида талқин қилинади, чунки бунда фуқаролик жамияти ҳақидаги қарашлар, таълимотларга таянилгандир.

3.Янги назариялар яратилиши тақозо этадиган муаммолар ечими Масалан, мустақилликни сақлаш ва мустаҳкамлашга қаратилган «Миллий истиқлол ғояси» таълимоти-назарияси ана шундай муаммо ечими таҳлилиниң натижасидир.

Муайян қоидаларга амал қилинадиган пайтдагина муаммолар ечими усули билиш шакли вазифасини ўтайди. Булар:

1. Савол одоб доирасида иғвогарликсиз, тўғри қўйилиши керак.
2. Аниқловчи саволларнинг альтернатив жавобларни назарга олиш лозим.
3. Савол қисқа, лўнда ва аниқ бўлиши керак.
4. Мураккаб айирувчи саволларда барча альтернативалар кўрсатиб ўтилишилозим.
5. Савол риторик тарзда тузилмаслиги зарур. Чунки риторик саволлар фикрпредметининг хусусиятини ўзига хос тасдиқ тарзида ифодаловчи фикр шаклидир

Мантиқий саволлар, айниқса, таълим-тарбия жараёнида муҳим роль ўйнайди. Чунки ўқувчи, талабаларни фан асосларини ўрганишга жалб этиш, қизиқтиришнинг зарур шарти бўлган дарсларда муаммовий вазиятларни юзага келтириши мантиқий саволларни тузиш орқали амалга оширилади.

### **Фараз(гипотеза) ва унинг турлари**

Муаммоларнинг ечими қандай усулда бўлмасин, фараз-гипотезаларни илгари суришни талаб этади. **Гипотеза** (юонча ҳипотхесиа-фараз, тахмин)

билиш жараёни, муаммоларни ҳал этишда юзага келадиган илмий аҳамиятга эга бўлган эҳтимолли фикр бўлиб, тадқиқ этилаётган ҳодисанинг сабаби, хусусиятларини аниқлашга қаратилга бўлади. **Фараз** фикр шакли сифатида қўйидаги белгиларга эга:

1. Билиш тараққиётнинг шакли эканлиги. Барча фанлар соҳасида билмасликдан (нисбий билимдан) билишга, мутлақ ҳақиқатга ўтиш жараёни фаразларни илгари суриш ва уларнинг чин ёки хатолигини асослаш тарзида кечади.

2. Ҳодисаларнинг сабаб ва оқибат боғланишларини аниқлаш, мавжуд фактик материалларни таҳдил қилиш ва умумлаштириш бўйича илгари сурилишилиги, шу маънода фараз- бу ҳар қандай тахмин бўлмасдан, муайян илмий асосга эга бўлган эҳтимолли билимлардир.

3. Фаразларнинг амалиётда тасдиқланиши янги билимларни ҳосил қиласи ва унинг негизида яна бошқа илмий тахминлар илгари сурилади.

4. Фаразларни илгари суришниpg мантиқий асосини аналогия бўйича хулоса чиқариш ташкил этади.

Тадқиқ обьектига кўра фараз икки турга ажратилади: умумий ва хусусий.

**Умумий фараз** деб муаммо даражасидаги табиий ва ижтимоий ҳодисаларнинг сабаб ва оқибат боғланишларини аниқлашга қаратилган илмий тахминга айтилади. Академик А.Г.Опарин (1894-1980) томонидан илгари сурилган Ерда ҳаётнинг пайдо бўлиши ҳақидаги, шунингдек, Қуёш тизимидағи планеталарнинг келиб чиқиши, Ердан бошқа планеталарда органик материянинг борлиги ва бошқа шу каби илмий тахминлар умумий фаразлар ҳисобланади.

**Хусусий фараз** айрим нарса-ҳодисаларнинг юзага келиши, хусусиятлари ҳақидаги илмий тахминдир. Ҳар бир фан соҳасида тадқиқ этилаётган обьект бўйича у ёки бу тарздаги тахминлар қилинадики, улар ўз кўлами ва аҳамиятига кўра хусусий фаразлар саналади. Масалан, медиклар бедаво касалликларнииг сабабини аниқлаш бўйича фаразларни олға сурадилар ва шу бўйича тадқиқот ишлари олиб борадилар. Суд-текширув ишларида кенг қўлланиладиган версия-тахминлар тузишда ҳам мантиқий фараз тамойилларига таянилади. Фаразларнинг ишончли илмий назарияларга айланишида мантиқий тасдиқлаш (исботлаш) усули муҳим роль ўйнайди. Фаразнинг мантиқий тасдиқлаш усули-бу унинг асосий мазмунини натижка

сифатида дедуктив йўл билан келтириб чиқариш ва уни кейинчалик фактлар билан солиштириш, тажриба, экспериментлар ўтказиш, яъни индуктив методлар воситасида асослашдир.

Бунга мисол килиб Қуёш системасида Нептун планетасининг кашф этилишини келтириш мумкин. Номаълум планета ҳақидаги гипотеза И.Кеплернинг планеталар ҳаракати орбитаси ва бутун дунё тортилиш қонуни асосида илгари сурилади ва кейинчалик тадқиқотчилар томонидан ушбу планетанинг Қуёш тизимидағи ўрни (Қуёшдан 4500 млн. км узоқликдалиги, диаметри- 30100 км, атмосфера таркиби CH<sub>4</sub> H<sub>2</sub>) аниқланилди.

Назарий тадқиқотларнинг мақсади эмпирик тадқиқот давомида ўрнатилган фактларни тушунтириш, башорат қилиш ва системалаштиришга имкон берадиган қонун ва принципларни аниқлашдан иборат.

Методологияда "фараз"- "гипотеза" атамаси икки маънода ишлатилади:  
1) Билимнинг мавжудлик шакли сифатида муаммолилик, ишончсизликни ифодалаши; 2) Фояларни тушунтириб берувчи, шакллантирувчи ва асословчи метод сифатида қонун, назарияларни ўрнатишга элтувчи йўл

Гипотеза структураси билан танишиш бу метод тўғрисида яхши тасаввур беради. Фараз билиш методи сифатида бир қанча босқичлардан иборат бўлади.

- 1) илгари сурилган тахминга тааллуқли фактлар, эмпирик далиллар билан танишиш;
- 2) ўрганилаётган ҳодисалар сабабларини индуктив методлар билан аниқлаш;
- 3) илгари сурилган фаразни унга дахлдор бошқа фаразлар билан такқослаш ва эҳтимолга яқинини танлаш;
- 4) илгари сурилган фаразни тажрибада, экспериментал эмпирик текшириб кўриш ва индуктив ва дедуктив методлар ёрдамида унинг чин ёки хатолигини кўрсатиш.

Фанлардаги, айниқса, аник фанлардаги илмий назариялар, кашфиётлар гипотеза босқичларининг якуний хулосалари ҳисобланади.

Гипотеза услубининг умумий тузилиши тамойилларини яхши билиш фан ривожига хизмат қиласиган фаразларни илгари суриш ва уларниpg чин хатолигини аниқлашга ёрдам беради.

Ижтимоий ҳаёт соҳасида фаразлар муайян муаммолар ва уларни келтириб чиқарувчи сабаблар ҳамда ҳал этилишининг йўл-йўрикларини чуқур таҳлил этилиши асосида илгари сурилади. Бу орқали жамият тараққиёти йўналиши ҳақида башоратлар қилинади.. Бунга мисол тариқасида Президентимиз Республикализнинг ҳозирги кундаги ички имкониятларини, салоҳиятларини, халқаро нуфузини чуқур таҳлил қилиши асосида унинг келажаги ҳақидаги илгари сурган илмий фаразни келтириш мумкин. Аминманки, деб башорат қиласи у, мамлакатимиз XXI асрда жаҳон иқтисодиёти, маданияти ва сиёсатида муносиб ўрин олади.<sup>48</sup>

**Назария** илмий билимлар тизими бўлиб, фараз-гипотезалар негизида шаклланади. Назария- бу чинлиги, ҳақиқатлиги илмий жиҳатдан тўлиқасосланган ва амалиётда текширилган, тасдиқланилган, тизимлаштирилган билимлар мажмуудир. Ҳар қандай фанлар назарияларга таянади. Назарияда тадқиқ этиладиган объектлар, моделлар, яъни идеаллаштирилган тарзда акс эттирилади.

Бунда мавхум атама, тушунча, формуласалар ҳосил қилинади. Объектларни идеаллаштириш ижтимоий фанларда ҳам қўлланилади. Масалан, фалсафа, иқтисодий назария фанлари энг умумий тушунчакатегориялар билан иш кўрадилар. Масалан: «макон», «замон», «борлик», «ҳаракат», «қиймат», «товар» ва бошқалар. Назариялар ўзида билимларни қай даражада, усулда умумлаштириш, идеаллаштириш характеристига кўра дедуктив ва нодедуктив (индуктив) турларга ажратилади. Дедуктив назариялар мавжуд назария, аксиома, қоидалар асосида шаклланадиган илмий билимлар тизимиdir. Масалан, И.Кеплер (1571-1630) планеталар ҳаракати(орбитаси)га доир қонунларини бутун дунё тортилиш "қонунига таянган, ундан келиб чиқкан ҳолда кашф этади.

Ислом Каримовнинг мустақил Ўзбекистон Республикаси тараққиёти масаласига оид назарий -методологик аҳамиятга молик "ўзбек модели"тамойиллари жамият тараққиёти қонуниятларига асосланган тарзда ишлаб чиқилгандир. Президентимиз Ш.Мирзиёев томонидан ишлаб чиқилган Характлар стратегияси ҳам ана шу жамият тараққиёти қонуниятларига асослангандир.

Индуктив назариялар бевосита эмпирик тажриба, экспериментлар асосида шаклланади. Бунда индуктив методлардан фойдаланилади ва нарса,

<sup>48</sup> Қаранг: И.Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.: «Ўзбекистон», 1997, 15-бет.

ҳодисаларнинг аниқланилган энг муҳим белги, хусусиятлари умумлаштирилади ва қонуниятлари очиб берилади. Аниқфандар, хусусан, физика, химия, биология каби фанларнинг қонунлари моҳиятан индуктив назариялар ҳисобланади. Масалан, Ом қонунини олиб қарайдиган бўлсак, у эмпирик тадқиқотларнинг натижаси ўлароқ кашф этилгандир. Дарҳақиқат, занжирнинг бир қисмидаги ток учун шу қисм кучланишига тескари пропорционал, деган холосани дедуктив йўл билан чиқариб бўлмайди.

Мантиқ билимларни тизимлаштиришда метод вазифасини ўтайди. Билимларнинг тизимлилиги - бу энг аввало уларнинг ғоят аниқ, лўнда таърифларда ифодаланиши билан изоҳланиладики, бу тафаккурнинг қонун, шакллари ва барча мантиқий усувларга қатъий риоя қилишни талаб этади.

Ҳар бир назария, қонун моҳиятан мантиқий холоса чиқаришнинг якуни бўлиб, улар илмий таърифларда ифодаланади. Мантиқ фанининг билиш жараёнида тутган йўли, назарий-методологик функцияси бугунги фан-техника, ахборот технология даврида янада ошиб бормоқца. Энг муҳими - мантиқ илми ҳозирги глобаллашув даврида фан, техника ютуқларини гуманистик мақсадлар учун йўналтиришга, маънавиятни англаб олишига хизмат қиласиган фан мақоматини олмоқда.

## **Юқорида берилган матндан қўйида берилган саволларга жавоб беринг.**

### **САВОЛЛАР**

1. Етарли асос қонуни. **Таянч иборалар:** Исбот ва ишонч. Интуиция. Эътиқод. Авторитар тафаккур. Етарли асос қонунини белгиларда ифодаланиши.
2. Мураккаб ҳукмлар. **Таянч иборалар:** Ҳукм терминлари, конъюктив ҳукмлар, айирувчи (дизъюнктив) ҳукмлар, шартли ҳукмлар.
3. Тушунчанинг турлари. **Таянч иборалар:** якка тушунчалар, умумий тушунчалар, абстракт, мавхум тушунчалар.
4. Тушунчалар ўртасидаги муносабатлар. **Таянч иборалар:** таққосланадиган тушунчалар, таққосланмайдиган тушунчалар, сифишадиган тушунчалар, сифишмайдиган тушунчалар, мослик, буйсуниш.
5. Оддий ҳукмлар. **Таянч иборалар:** Оддий ҳукмлар, тасдиқ ҳукмлар, инкор ҳукмлар, якка ҳукмлар, жузъий ҳукмлар, умумий ҳукмлар.
6. Ҳукмларнинг модаллиги. **Таянч иборалар:** модал ҳукмлар, зарурий ҳукмлар, воеий ҳукмлар, аподиктик ҳукмлар.
7. Силлогизмнинг умумий қоидалари: **Таянч иборалар:** Силлогизм терминлари, катта термин, кичик термин, ўрта термин.

8. Силлогизм аксиомаси. **Таянч иборалар:** атрибутив, силлогизм терминлари, микдор ва сифат.
9. Силлогизм таркиби. **Таянч иборалар:** Хулоса асослари, хулоса терминлари, катта асос, кичик асос.

**Амалий машғулотни ўтказиш тартиби:**

1. Тингловчи берилган ҳар бир савол бўйича ўз фикрини баён қилади;
2. Қўйилган саволни қандай қилиб қулай ўқитиш методлари ҳақида таклиф беради;
3. Берилган таклиф бўйича бир нечта мисоллар кўрсатади;
4. Таклиф қилинаётган замонавий таълим методининг самараадорлигини исботлайди.

## **АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАРНИ БАЖАРИШ НАМУНАСИ**

### **мавзу бўйича топшириқлар**

З гурухга бўлининг ва берилган саволлар бўйича фикрингизни билдиринг.

#### **1- гурух учун:**

- А) Этика ва эстетика фани бўйича малака талаблари ва уларни такомиллаштириш йўналишлари;
- Б) Этика ва эстетиканинг бошқа фанлар билан узвийлиги ва узлуксизлиги ҳолати;
- В) "Муаммони ҳал қилишнинг Расселча усули" таърифини қандай тушунасиз?

#### **2- гурух учун:**

- А) Этика ва эстетика фани бўйича малака талаблари ва уларни такомиллаштириш йўналишлари;
- Б) Этика ва эстетиканинг бошқа фанлар билан узвийлиги ва узлуксизлиги ҳолати;
- В) "Муаммони ҳал қилишнинг Расселча усули" таърифини қандай тушунасиз?

#### **3- гурух учун:**

- А) Этика ва эстетика фани бўйича малака талаблари ва уларни такомиллаштириш йўналишлари;
- Б) Этика ва эстетиканинг бошқа фанлар билан узвийлиги ва узлуксизлиги ҳолати;
- В) "Муаммони ҳал қилишнинг Расселча усули" таърифини қандай тушунасиз?

## V. ГЛОССАРИЙ

№	ТЕРМИН	ШАРХИ	ТАРЖИМА
1	<b>Абсолют айнанлик</b>	метафизик философияда ишлатиладиган термин бўлиб, бу таълимотга кўра предмет ҳамма вақт ўз-ўзига тенгдир. Бу принцип онтологик нуқтаи назардан воқеликка зиддир. Чунки нарса ва ҳодисалар ҳар доим ривожланиб туради. Демак, нарсалар ўз-ўзига тенг бўлмай қолади.	is a term used in metaphysical philosophy, according to which the subject is always equal to itself. This principle is contrary to reality from an ontological point of view. Because things and events are always evolving. So things don't get equal on their own.
2	<b>Абстракциялаш</b>	(лот. abstractio – узоқлашув, мавҳумлик) – тушунча ҳосил қилишнинг муҳим усулларидан. Абстракциялаш ёрдамида буюм ва ҳодисаларнинг муҳим хусусиятларини фикран ажратамиз ва уларни буюмлар, ҳодисаларнинг иккинчи даражали ва аҳамияти кам хусусиятларидан четлаштирамиз.	(lat. abstractio - distance, abstraction) - one of the important ways of forming a concept. With the help of abstraction, we distinguish the important features of objects and events and exclude them from the secondary and insignificant features of objects, events.
3	<b>Абсурд</b>	(лот. бемаъни, бехуда) – бирор тезисни исботлашда учрайдиган мантиқий хато. Бундай хато (redictio ad absurdum) бирор мантиққа зид бўлган бемаъни хulosага келиш деб аталади.	(Lat. nonsense, in vain) - a logical error in proving a thesis. Such a mistake (redictio ad absurdum) is called a nonsensical conclusion that contradicts a logic.
4	<b>Аксиома</b>	(грек. axiomata – қабул қилинган ҳолда) – маълум назарияни исботлаш учун исботсиз қабул қилинган тушунча. Мантиқ фанида аксиома исботсиз қабул қилинган ҳақиқат маъносида ишлатилади. У илмий назарияларнинг дедуктив ҳulosалар чиқариш ёрдамида ташкил топиш усулларидан бири. Шунинг учун «дедуктив метод» ва аксиоматик метод кўпинча айнан тушунчалар сифатида ишлатилади.	(Greek. axiom - accepted) - a concept accepted without proof to prove a particular theory. In the science of logic, an axiom is used in the sense of a truth accepted without proof. It is one of the ways in which scientific theories are formed using deductive reasoning. Therefore, the “deductive method” and the axiomatic method are often used as exact concepts.
5	<b>Barbara</b>	силлогизмнинг биринчи фигураси ва биринчи модусини (AAA) ифодаловчи белги.	a symbol representing the first figure and the first mode (AAA) of the syllogism.
6	<b>Генезис</b>	(грек. genesis – келиб чиқиш) – маълум предмет ва ҳодисалар тўғрисидаги фикр ҳамда мuloҳазаларнинг пайдо бўлиши,	(Greek. genesis - origin) - the emergence, formation, birth of thoughts and opinions about a particular object and event.

		шаклланиши, туғилиши.	
7	<b>Гипотеза</b>	(грек. hypothesis – асос, принцип, фараз) – ҳали исботланмаган назарий фикр, фараз. Гипотеза маълум натижаларни түғдирган сабаб ҳақида қилинган фараздир. Гипотезани илгари суриш, асослаш ва исботлаш - илмий билишнинг ривожи учун зарур методдир. Гипотезанинг назарияга айланиси учун уни текшириш керак. Гипотезани текшириш натижасида: а) унинг эҳтимоллиги ортади; б) ҳақиқатлиги исботланади, назарияга айланади; в) гипотеза рад этилади. Барча назариялар гипотеза босқичини босиб ўтади. Гипотеза практикада исботлангандан сўнг ишонарли назарияга айланади.	(Greek. hypothesis - basis, principle, hypothesis) - a theoretical idea, hypothesis that has not yet been proven. The hypothesis is an assumption made about the cause that gave rise to certain results. Proposing, substantiating, and proving a hypothesis is a necessary method for the development of scientific knowledge. For a hypothesis to become a theory, it must be tested. As a result of testing the hypothesis: a) its probability increases; b) is proved to be true, becomes a theory; c) the hypothesis is rejected. All theories go through the hypothesis stage. Once a hypothesis is proven in practice, it becomes a plausible theory.
8	<b>Гносеология</b>	(грек. gnosis – билиш, logos - таълимот) – билиш назарияси, философиянинг муҳим соҳаси:	(Greek. gnosis - knower, logos - doctrine) - the theory of knowledge, an important branch of philosophy:
9	<b>generalisatio</b>	(лот.) яkkадан умумийга қараб умумлаштириш;	(lat.) generalization from individual to general;
10	<b>Дедуктив ҳулоса</b>	-умумий чин асослардан шу умумийликка киравчи хусусийлик ва яккалик ҳақида янги билим берувчи ҳулоса шакли.	a form of conclusion that gives new knowledge about the particularity and individuality that is part of this commonality from the common true foundations.
11	<b>Дезинформация</b>	- нотўғри ахборот бериш, одамларни ҷалғитиши, ёлғон хабар тарқатиши.	- misinformation, misleading people, spreading false information.
12	<b>Дедукция</b>	(лот. deductio – ҳулоса чиқариш) – кенг маънода ҳулоса чиқаришнинг асосий усул ва тадқиқот методларидан бири.	(lat. deductio - drawing conclusions) - in a broad sense, one of the main methods of drawing conclusions and research methods.
13	<b>Жинс</b>	бир синфа киравчи предметларнинг мантиқий тавсифи бўлиб, бу синф ўз ичига бошқа тур синжаларни қамраб олади. Масалан: "дараҳт" тушунчаси мевали ва мевасиз дараҳтларга нисбатан жинс бўлиб, унга киравчи "мевали", "мевасиз" лар дараҳтнинг турларидир.	is a logical description of objects that fall into one class, and that class includes other types of classes. For example, the concept of "tree" is a genus of fruit and non-fruit trees, and the "fruit" and "fruitless" species are tree species.

14	<b>Зарурый ҳулоса чиқариш -</b>	дедуктив ҳулоса чиқаришнинг бошқача номи. Унда асос бўлиб келувчи хукмлардан ҳулоса муқаррар равишда келиб чиқади. Ҳулоса асосларда имлисит тарзда мавжуд бўлиб, ўша асослардан натижа ўз-ўзидан келиб чиқади.	another name for deductive reasoning. A conclusion inevitably follows from the judgments on which it is based. The conclusion exists in the form of imlisit in the bases, from which the result arises spontaneously.
15	<b>Зиддиятсизлик қонуни</b>	(лат. lex contradictionis) - формал мантиқнинг асосий қонунларидан бўлиб, у қуйидагича ифодаланади: айни бир предмет хақида айтилган икки ўзаро бир-бирини истисно этувчи фикрлар айни бир вақтнинг ўзида ва айнан бир нисбатда бирданига тўғри бўлиши мумкин эмас. Масалан: «Помир – баланд тоғ». «Помир – паст тоғ». Булар бирданига тўғри бўлиши мумкин эмас. Унинг формуласи: $\neg(A \wedge \neg A)$ . Формуланинг ўқилиши: А ва А эмас бир вақтда бўлиши мумкин эмас.	(lat. lex contradictionis) is one of the basic laws of formal logic, which is expressed as follows: two mutually exclusive opinions about the same subject cannot be true at the same time and in the same proportion. For example: "Pamir is a high mountain". "The Pamirs are a low mountain." These may not be true all at once. Its formula is: $\neg(A \wedge \neg A)$ . Reading the formula: A and A cannot be at the same time.
16	<b>Зарурый ҳукм</b>	предмет ва унинг белгилари муқаррар равишда тасдиқланадиган ёки инкор қилинадиган \укм.	the subject and its attributes are inevitably affirmed or denied.
17	<b>Идеал</b>	(грек. – idea – тарз, образ, тушунча) – камолот, айрим киши, гурух, синфнинг интилиши ва хатти-ҳаракатини бирон-бир нарсада намуна қилиб белгилайдиган олий мақсад. Идеал математик мантиқда маъноси бўлмаган (жуда бўлмаганда бир элементга эга бўлган) тўплам бўлиб, грекча $\Delta$ ҳарфи билан белгиланади.	(Greek. - idea - style, image, concept) - perfection, the highest goal that defines the aspirations and behavior of an individual, group, class as an example in anything. An ideal is a set that has no meaning in mathematical logic (with at least one element) and is denoted by the Greek letter D.
18	<b>Идеализация -</b>	махсус абстракт идеаллаштирилган объектлар тузишни ифодаловчи илмий тадқиқот усули. Бу усул объектларни «соф шаклда» ўрганиш мақсадида қурилган фикрий конструкциялардан	a method of scientific research that represents the creation of special abstract idealized objects. This method consists of intellectual constructions designed to study objects in "pure form", which does not occur in real life, but has some form of its own: For example: "point" in geometry, "absolutely

		иборат бўлиб, у реал ҳолда учрамайди, аммо ўзининг бирон тимсолига эга: Масалан: геометрияда «нүқта», физикада «абсолют қаттиқ жисм» каби ва ҳоказо.	solid body" in physics, and so on.
19	<b>Катта термин</b>	силлогизмнинг катта асосида жойлашган термин бўлиб, у ҳуносанинг предикатидир.	is a term based on the large base of the syllogism, which is the predicate of the conclusion.
20	<b>Категория</b>	(грек. kategoria – таъриф бериш, фикр айтиш) – объектив реалликдаги ҳодисаларнинг асосий хусусият ва қонунларини акс эттирадиган ҳамда даврнинг илмий-назарий муҳитини, тафаккурнинг характеристини белгилаб берадиган умумий тушунчалар. Формал мантиқда эса категория умумлаштиришнинг чегараси ҳисобланади	(Greek. kategoria - to describe, to express an opinion) - general concepts that reflect the basic features and laws of phenomena in objective reality and determine the scientific and theoretical environment of the period, the nature of thinking. In formal logic, however, a category is the limit of generalization

## **VI. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

### **I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари**

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 592 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга

берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. Т.: “Ўзбекистон”, 2018. – 507 б.

4. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуг халқнинг иши ҳам улуг, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2019. – 400 б.

5. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2020. – 400 б.

## II. Норматив-хукуқий ҳужжатлар

6. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2018.

7. Ўзбекистон Республикасининг «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонунининг янги таҳрири. Т.: Адолат, 1998.

8. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сонли Қонуни.

9. Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнь “Олий таълим муасасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли Фармони.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрель “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарори.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июль “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сонли Қарори.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрь “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сонли Фармони.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 май “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сон Фармони.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июнь “2019-2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятини ривожлантири чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358-сонли Қарори.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 август “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз

малакасини ошириш тизимини жорий этиш түғрисида”ти  
ПФ-5789-сонли Фармони.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрь “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш түғрисида”ти ПФ-5847-сонли Фармони.

19. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрь “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар түғрисида”ти 797-сонли Қарори

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 сентябрдаги “Диний-маърифий соҳа фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар түғрисида”ти 4436-сонли Қарори

### **Ш. Махсус адабиётлар**

21. “Марказий Осиё динлари тарихи” (ҳаммуаллифликда). -Т., ТДШИ, 2006.

22. David Spencer “Gateway”, Students book, Macmillan 2012.

23. English for Specific Purposes. All Oxford editions. 2010, 204.

24. H.Q. Mitchell “Traveller” B1, B2, MM Publications. 2015. 183.

25. H.Q. Mitchell, Marileni Malkogianni “PIONEER”, B1, B2, MM Publications. 2015. 191.

26. Lindsay Clandfield and Kate Pickering “Global”, B2, Macmillan. 2013. 175.

27. Steve Taylor “Destination” Vocabulary and grammar”, Macmillan 2010.

28. Абдулҳаким Шаръий Жўзжоний. Ислом ҳуқуқшунослиги. Ҳанафий мазҳаби ва Ўрта Осиё фақиқлари. – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёти, 2002. – 256 б.

29. Абдуҳалимов Б. Байт ал-хикма ва Ўрта Осиё олимларининг Бағдоддаги илмий фаолияти. –Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт матбаа бирлашмаси, 2004. – 236 б.

30. Али-заде Айдын Ариф огли. Хроника мусульманских государств. – М.: УМАА, 2007. – 445 с.

31. Асекретов О.К., Борисов Б.А., Бугакова Н.Ю. и др. Современные образовательные технологии: педагогика и психология: монография. – Новосибирск: Издательство ЦРНС, 2015. – 318 с.  
<http://science.vvstu.ru/files/5040BC65-273B-44BB-98C4-CB5092BE4460.pdf>

32. Белогуров А.Ю. Модернизация процесса подготовки педагога в контексте инновационного развития общества: Монография. — М.: МАКС Пресс, 2016. — 116 с. ISBN 978-5-317-05412-0.

33. Беруний Абу Райхон. Танланган асарлари: Т.1. (Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар) Т.: Фан, 1968.

34. Босворт К. Э. “Мусулмон сулолалари”. – Т.: “Фан” нашриёти, 2007. – 271 б.
35. Воҳидов Ш., Қодиров А. “Шарқнинг машҳур сулолалари”. – Т.: Akademnashr, 2013. – 624 б.
36. Гулобод Қурдатуллоҳ қизи, Р.Ишмуҳамедов, М.Нормуҳаммадова. Анъанавий ва ноанъанавий таълим. – Самарқанд: “Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази” нашриёти, 2019. 312 б.
37. Диний экстремизм ва терроризмга карши курашнинг маънавий-маърифий асослари. – Т.: Ислом университети, 2010.
38. Ибраимов А.Е. Масофавий ўқитишнинг дидактик тизими. методик қўлланма/ тузувчи. А.Е. Ибраимов. – Тошкент: “Lesson press”, 2020. 112 бет.
39. Игнатова Н. Ю. Образование в цифровую эпоху: монография. М-во образования и науки РФ. – Нижний Тагил: НТИ (филиал) УрФУ, 2017. – 128 с. [http://elar.urfu.ru/bitstream/10995/54216/1/978-5-9544-0083-0\\_2017.pdf](http://elar.urfu.ru/bitstream/10995/54216/1/978-5-9544-0083-0_2017.pdf)
40. Ишмуҳамедов Р.Ж., М.Мирсолиева. Ўқув жараёнида инновацион таълим технологиялари. – Т.: «Fan va texnologiya», 2014. 60 б.
41. Маънавият асосий тушунчалар изоҳли луғати. – Т.:Faфур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2009.
42. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. – Т.: Ўзбекистон, 2000.
43. Муслимов Н.А ва бошқалар. Инновацион таълим технологиялари. Ўқув-методик қўлланма. – Т.: “Sano-standart”, 2015. – 208 б.
44. Олий таълим тизимини рақамли авлодга мослаштириш концепцияси. Европа Иттифоқи Эрасмус+ дастурининг кўмагида. [https://hiedtec.ecs.uni-ruse.bg/pimages/34/3.\\_UZBEKISTAN-CONCEPT-UZ.pdf](https://hiedtec.ecs.uni-ruse.bg/pimages/34/3._UZBEKISTAN-CONCEPT-UZ.pdf)
45. Усмонов Б.Ш., Ҳабибуллаев Р.А. Олий ўқув юртларида ўқув жараёнини кредит-модуль тизимида ташкил қилиш. Ўқув қўлланма. Т.: “Tafakkur” нашриёти, 2020 й. 120 бет.
46. Ҳусниддинов З.М. “Ислом: йўналишлар, оқимлар, мазҳаблар”. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриёти. Тошкент, 2000 йил.

#### IV. Интернет сайтлар

47. <http://edu.uz> – Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
48. <http://lex.uz> – Ўзбекистон Республикаси Конун хужжатлари маълумотлари миллий базаси
49. <http://bimm.uz> – Олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш бош илмий-методик маркази
50. <http://ziyonet.uz> – Таълим портали ZiyoNET

